

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

14-сон
(826)
2018 йил
9 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

265. «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 апрелдаги ўРҚ-464-сон Қонуни
266. «Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуктаси ҳудуди тўғрисидаги Шартномани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 апрелдаги ўРҚ-465-сон Қонуни
267. «Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислам Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 апрелдаги ўРҚ-466-сон Қонуни

268. «Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–467-сон Қонуни
269. «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–468-сон Қонуни
270. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–469-сон Қонуни
271. «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–470-сон Қонуни
272. «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

273. «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПФ–5392-сон Фармони
274. «Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ–5395-сон Фармони
275. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ–5400-сон Фармони
276. «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ–3646-сон қарори
277. «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон қарори

Учинчи бўлим

278. ««Мўътабар аёл» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги 257-сон қарори
279. «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 260-сон қарори

Бешинчи бўлим

280. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-3*)
282. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон «Бир қарз оловчи ёки бир-бирига дахлдор қарз оловчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-2*)
283. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 17-сон «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2990*)
284. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 29 мартдаги 5, 7-сон «Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2991*)
285. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 12, 56-сон «Муҳтож шахсларни протез-

- ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-1*)
287. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 6-2018, 3/ққ, 2-мх, 9-қ/қ, 10, 65-сон «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1832-2*)
288. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2*)
289. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 2-2018, 40-сон «Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт микдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2992*)
290. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018, 33-сон «Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993*)
292. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/4-сон «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги

қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-2)

293. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-2)
294. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994)
295. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 февралдаги 4/2-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-4)
296. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 67, 2018-68-сон «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935-1)
298. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34, 27-2017-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995)
299. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 212-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1764-2)

300. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 9, 24-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-1*)
301. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 26 февралдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2996*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 31 мартдан 6 апрелгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

265 Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 мартда қабул қилинганСенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. 18 апрель Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
ЎРҚ-464-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

266 Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуктаси ҳудуди тўғрисидаги Шартнома-ни (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 5 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуктаси ҳудуди тўғрисидаги Шартнома (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
ЎРҚ-465-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

267 Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
ЎРҚ-466-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

268 Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боқу, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Устави (Боқу, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 апрель,
ЎРҚ-467-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

269 Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи қўшимча баённома (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 апрель,
ЎРҚ-468-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

270 Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 15 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенцияси (Остона, 2017 йил 9 июнь) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) Конвенциянинг 6-моддаси 2-банди бўйича: «Ўзбекистон Республика-

* Ушбу қонунлар «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

си шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратураси Конвенцияни бажариш учун масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланган»;

2) Конвенция қоидаларининг Ўзбекистон Республикасида жиноий жазо сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани мусодара қилишни қўллаш мумкинлигига тааллуқли қисми миллий қонунчиликка мос келмаганлиги учун қўлланилмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 апрель,
ЎРҚ-469-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

271 Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 14 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

№ 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **230¹** ва **230²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«230¹-модда. Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда хужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши), —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

230²-модда. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш), —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар ахборотни ношкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **235-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қўркитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф рухий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;
- б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

з) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **237** ва **238-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«237-модда. Ёлғон хабар бериш

Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;

б) ғаразгўйлик ниятларида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

238-модда. Ёлғон гувоҳлик бериш

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш —

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг

якин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

б) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **19-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланади, бундан ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) **22-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим»;

3) **53-модданинг биринчи қисмидаги** «далиллар сифатида фойда-

ланилиши мумкин бўлган маълумотларни» деган сўзлар «далилларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **87-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин»;

5) **91-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт»;

6) қуйидаги мазмундаги **95¹-модда** билан тўлдирилсин:

«95¹-модда. Далилларнинг мақбул эмаслиги

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний ёки қадрқимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан

ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади;

7) **241-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли»;

8) **426-модданинг олтинчи қисмидаги** «стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди» деган сўзлар «стенограмма юритилиб, унинг материаллари жиноят ишига қўшиб қўйилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) **31-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинорий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган, қамоққа сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа тортилган шахслардан жиноятлар тўғрисида олинган аризалар, хабарларни ва бошқа маълумотларни дарҳол рўйхатга олиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини;

ушбу шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатилиши ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатилиши эҳтимолини;

қонунга хилоф равишда интизомий жавобгарликка тортишнинг ҳар бир

факти ҳақида юқори турувчи прокурорни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлигини мажбурий текширишни амалга ошириши шарт».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 8-банди мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 апрель,
ЎРҚ-470-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

272 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 15 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг (бундан буён матнда Давлат хавфсизлик хизмати деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари

Давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат.

3-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат хавфсизлиги — Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

давлат манфаатлари (Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари) — жамиятда қонун устуворлигини, хавфсизлик ва барқарорликни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суве-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 6 апрелда эълон қилинган.

ренитетини, ҳудудий яхлитлигини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлашга бўлган давлатнинг англанилган эҳтиёжлари;

контрразведка фаолияти — чет давлатларнинг, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг, гуруҳларнинг ҳамда айрим шахсларнинг давлат манфаатларига ва хавфсизлигига зарар етказётган ёки зарар етказишга қодир бўлган разведка, диверсия, қўпоровчилик ва бошқа бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда унга барҳам беришга қаратилган фаолият;

разведка фаолияти — чет давлатларнинг махсус хизматлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва айрим шахслар келтириб чиқарадиган, давлат манфаатларига дахл қиладиган, реал хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларни акс эттирадиган ахборотни қўлга киритишга ва унга ишлов беришга, шунингдек давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда давлат манфаатларини илгари суришга доир чоратадбирлар амалга оширилишига кўмаклашишга қаратилган фаолият.

5-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органидир.

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият олиб боради:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва давлат манфаатлари ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига бўлган тажовуларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига бўладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий-тарихий ҳамда бой маънавий меросини ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникациялар ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларга шарт-шароит яратувчи омилларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

тергови Давлат хавфсизлик хизмати ваколатига киритилган жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирларининг сақла-нишини, махсус алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш устидан назорат қилиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарлик-ларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитлар-ни аниқлаш ва бартараф этиш;

Давлат хавфсизлик хизматининг жанговарлик ва сафарбарлик шайлиги ҳолатини такомиллаштириш ҳамда сақлаб туриш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва ҳарбий ҳолат жорий қилинганда куч ва воситаларни ҳаракат-ларга тайёрлаш.

6-модда. Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принциплари

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принциплари қону-нийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари-га риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, яго-налик, мустақиллик, конспирациядан иборатдир.

7-модда. Қонунийлик принципи

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

Қонунларнинг талабларини аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай четга чиқиш уларнинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликни бузишдир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш принципи

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади.

Давлат хавфсизлик хизмати фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатла-ри ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари фуқаронинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган, унинг шаъни, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларни, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

9-модда. Фуқароларнинг ёрдамига таяниш принципи

Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятида аҳоли билан яқин алоқада бўлади ва фуқароларнинг ёрдамига таянади.

10-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги принципи

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, уларга имкон яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш Давлат хавфсизлик хизматининг жиноятчиликка қарши курашишга доир фаолиятидаги устуворликлардир.

11-модда. Ягоналик принципи

Давлат хавфсизлик хизмати Давлат хавфсизлик хизмати раиси раҳбарлик қиладиган ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади.

Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди.

12-модда. Мустақиллик принципи

Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қатъи назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятига давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади.

13-модда. Конспирация принципи

Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини конспирация принципи асосида, яъни ўз фаолиятининг, тезкор-хизмат ахборотини олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг алоҳида тартибини, шунингдек тезкор-хизмат ҳужжатлари билан ишлаш қоидаларини белгилаган ҳолда амалга оширади.

14-модда. Фан ютуқларидан, замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш

Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятида фан ютуқлари, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмалар, шунингдек ахборот тизимларидан фойдаланади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ушбу хизматнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда техник воситалардан, шу жумладан аудио-, фото- ва видео қайд этиш, криптография воситаларидан ҳамда бошқа махсус воситалардан фойдаланиши мумкин.

2-боб. Давлат хавфсизлик хизмати**15-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тизими**

Давлат хавфсизлик хизмати тизими Давлат хавфсизлик хизматининг марказий девони, Давлат хавфсизлик хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шаҳарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ва Давлат хавфсизлик хизматининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлардан иборат бўлади.

16-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш

Давлат хавфсизлик хизматига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Давлат хавфсизлик хизмати раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади.

17-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳайъати

Давлат хавфсизлик хизматида Давлат хавфсизлик хизмати раиси, унинг ўринбосарлари, марказий девони бўлинмаларининг ва Давлат хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Давлат хавфсизлик хизмати ҳайъати маслаҳат органи бўлиб, у давлат хавфсизлигининг таъминланиш ҳолатига, қонун ҳужжатлари, Давлат хавфсизлик хизмати раисининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ижро этишга, кадрларни танлашга, жой-жойига қўйишга тааллуқли масалаларни ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинларида Ҳарбий кенгаш тузилади, унинг таркиби ва фаолиятининг тартиби Давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланади.

18-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг бўйсунishi ва ҳисобдорлиги

Давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

19-модда. Давлат хавфсизлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати Давлат хавфсизлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонидир.

20-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши

Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши маслаҳатлашув-кенгашув вазифаларини ва бошқа вазифаларни амалга оширади.

Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби, асосий вазифалари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

3-боб. Давлат хавфсизлик хизматининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорлиги**21-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлиги**

Давлат хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Давлат хавфсизлик хизматига давлат хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шарт.

22-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг қонуний талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Давлат хавфсизлик хизматининг қонуний талаблари, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширув материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассислар ажратиш, ҳуқуқбузарликлар фактлари бўйича келиш ҳамда тушунтиришлар бериш, ҳуқуқбузарликларга имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги талаблари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотлар бепул тақдим этилади.

Давлат хавфсизлик хизматининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди.

4-боб. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

23-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳужжатларини, шу жумладан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларни шахсий кўриқдан ўтказиш, ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда ташилаётган юкларни кўздан кечириш, бунда назоратнинг техник ва бошқа воситалари қўлланилиши мумкин;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан тезкор-қидирув, қидирув ҳамда бошқа тадбирлар, терговга қадар текширишлар ва тергов ҳаракатлари ўтказиладиган жойларни тарқ этишни талаб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг тузар жойларига ва бошқа объектларига тўсқинликсиз кириш, зарурат бўлганда қулфлаш мосламалари ва бошқа ашёларни бузган ҳолда кириш, бу жойларни жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган шахслар таъқиб қилинаётганда ёхуд у ерда жиноят содир этилаяпти ёки содир этилган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яширинган шахс бор деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда ёхуд кечиктириш фуқаролар ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирадиган бўлса, йигирма тўрт соат ичида прокурорга бу ҳақда хабар берган ҳолда, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаган ҳолда кўздан кечириш;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни топиш ва ушлаш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тузар жойларида ва бошқа объектларида уларнинг розилиги билан вақтинча бўлиш;

давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва олиш;

Давлат хавфсизлик хизматининг иш юритувида бўлган ишлар ва материаллар юзасидан фуқароларни, мансабдор шахсларни чақириш, зарур ҳужжатларни, маълумотларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини бепул олиш;

фуқароларни уларнинг розилиги билан қўмаклашишга жалб этиш, Давлат хавфсизлик хизматида қўмаклашган фуқароларни тақдирлаш;

давлат органларига ва бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

жиноятларнинг ҳолатларини аниқлаш ҳамда суриштирув, дастлабки тергов органларидан, суддан яшириниб юрган ва жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш, шунингдек жиноятларнинг

олдини олиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан бепул фойдаланиш;

лицензиялашни амалга ошириш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш чоғида лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилганлигини текшириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш.

Давлат хавфсизлик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизмати раиси давлат хавфсизлигига таҳдид юзага келган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этишга ҳақли.

24-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг мажбуриятлари

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва бошқа давлат манфаатларини ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоялаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча зарур чораларни кўриши;

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принципларига оғишмай риоя этилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат хавфсизлигига таҳдидлар ҳақида хабардор қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаши;

давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органларининг ва ташкилотларнинг ахборот-таҳлил бўлинмалари билан ҳамкорликни ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириши;

давлат органларида ва ташкилотларда махфийлик режимини таъминлаш устидан назоратни ташкил этиши;

давлат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари юзасидан илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши;

жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ҳамда маълумотларни рўйхатдан ўтказиши, улар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида чоралар кўриши;

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа объектларига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг розилигисиз ёки улар йўқлигида қирилганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида прокурорни йигирма тўрт соат ичида ёзма шаклда хабардор қилиши;

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриши; ўз хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат хавфсизлик хизматининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус куч ва воситаларни, ўқотар қуролни қўллаш, улар томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш

25-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш шартлари ва чегаралари

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёки уларнинг қўлланилишидаги сусткашлик фуқароларнинг ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳаёти ҳамда соғлиғига бевосита хавф соладиган ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу Қонуннинг 27 ва 28-моддаларида назарда тутилган асослар юзага келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ва жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилиши ёки ташкил этилиши керак.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Давлат хавфсизлик хизматининг органи жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар

бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида тегишли прокурорга дарҳол хабар беради.

26-модда. Жисмоний куч ишлатиш

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, улар қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усуллари қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва бошқа ҳуқуқбузарликларга барҳам беришда;

жиноятлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни олиб бориш ва ушлаб туришда;

Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этишда.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ушбу Қонунда махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

27-модда. Махсус воситаларни қўллаш

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари қуйидаги махсус воситаларни:

а) резина таёқларни, шикастлантирувчи қуролни, қўлкишанларни ёки бошқа боғлаш воситаларини, электрошок қурилмаларини, хизмат ҳайвонларини қуйидаги ҳолларда:

фуқарога ёки Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисига қилинган ҳужумни қайтаришда;

жиноятга барҳам беришда;

Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисига қаршилик кўрсатилишига барҳам беришда;

жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ёки уни содир этганидан кейин дарҳол яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

зўрлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда;

ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсишда;

б) махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар, муҳофаза қилина-

диган объектларни (худудларни) химоя қилиш ҳамда ғайрихуқуқий ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиш воситаларини қуйидаги ҳолларда:

муҳофаза қилинадиган объектларни химоя қилишда;

ғайрихуқуқий ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсишда;

в) чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларини қуйидаги ҳолларда:

зўрлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

муҳофаза қилинадиган объектларни химоя қилишда;

ғайрихуқуқий ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсишда;

г) зирҳли машиналар ва катерларни қуйидаги ҳолларда:

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

зўрлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва химоя қилишни таъминлашда қўллаш ҳуқуқига эга.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ушбу Қонунда ўқотар қуролни қўллашга руҳсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга ва ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни, шу жумладан шикастлантирувчи қуролни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш тақиқланади, бундан одам қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Давлат хавфсизлик хизмати таъминотида бўладиган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

28-модда. Ўқотар қуролни қўллаш

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан фуқароларни ёхуд ўзини химоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, транспорт воситасини, махсус ва жанговар техникани эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, қўриқланадиган объектларга, юкларга, транспорт воситаларига ва биноларга гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни қайтаришда;

қуролли қаршилиқ кўрсатаётган шахсни, шунингдек ўзидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек бу шахсларни зўравонлик билан озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш зарурати туғилганда, шунингдек юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавфхатар сигнали беришда ёки ёрдам чақиришда.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Агар ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуролли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно.

Давлат хавфсизлик хизмати қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

29-модда. Махсус кучларни қўллаш

Давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича махсус операцияларни ўтказиш мақсадида Давлат хавфсизлик хизматининг ва бошқа давлат органларининг тезкор тадбирлар кўрувчи махсус гуруҳлари жалб этилиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизматининг тезкор тадбирлар кўрувчи махсус гу-

рухлари руҳан бардошли, юксак ахлоқ-ирода хислатларига, махсус тайёр-гарликка эга бўлган, соғлиғининг ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг махсус жанговар бўлинмаларидаги хизматга яроқли шахслар орасидан тузилади.

30-модда. Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш

Давлат хавфсизлик хизмати шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббиёт муассасаларига етказиш, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва Давлат хавфсизлик хизмати органларига олиб бориш, ходиса жойига етиб олиш учун давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан, бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари мустасно, мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин бўлиб, бунда транспорт воситасидан фойдаланилганлиги фактини тасдиқловчи ва ундан фойдаланган Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисини идентификацияловчи ҳужжат берилади.

Транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш натижасида етказилган мулкӣ зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хавфсизлик хизмати томонидан қопланади.

6-боб. Давлат хавфсизлик хизматиға кўмаклашиш

31-модда. Давлат хавфсизлик хизматиға кўмаклашувчи шахслар

Давлат хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда айрим шахсларни ошқора ва ноошқора асосда, шу жумладан штатдан ташқари ходимлар сифатида кўмаклашишға жалб этиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизмати томонидан кўмаклашишға жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

32-модда. Давлат хавфсизлик хизматиға кўмаклашувчи шахсларнинг ижтимоӣ-ҳуқуқӣ ҳимояси, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш

Давлат хавфсизлик хизматиға кўмаклашаётган шахсларға муносабатларнинг махфӣлиги кафолатланади. Давлат хавфсизлик хизматиға махфӣлик асосида кўмаклашаётган (кўмаклашган) шахслар тўғрисидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ва ошқор қилиниши мумкин эмас.

Давлат хавфсизлик хизматиға махфӣлик асосида кўмаклашаётган (кўмаклашган) шахсларға, шунингдек уларнинг яқин қариндошларига зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни йўқ қилиш билан ҳақиқатда таҳдид қилинаётганлигидан далолат берувчи етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда,

Давлат хавфсизлик хизмати уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Давлат хавфсизлик хизматига махфийлик асосида кўмаклашаётган (кўмаклашган) шахсларга ва уларнинг яқин қариндошларига уларнинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироқи туфайли тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат хавфсизлик хизматига кўмаклашаётган (кўмаклашган) шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

7-боб. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси

33-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлади.

Давлат хавфсизлик хизматида хизматни ўташ тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, бундан Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари бажараётган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари хизматни ўташ даврида сиёсий партиялар аъзолари бўла олмайди. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига нисбатан умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чекловлар ҳам татбиқ этилади.

Кучайтирилган режимни жорий этиш ва бекор қилиш, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини жанговар ҳаракатларда иштирок этишга жалб этиш Давлат хавфсизлик хизмати раисининг буйруқлари асосида амалга оширилади. Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинларида кучайтирилган режимни жорий этиш ва бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари, шу жумладан Давлат хавфсизлик хизматининг ички идоравий ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларни Давлат хавфсизлик хизматига хизматга қабул қилиш, уларни лавозимга тайинлаш, мансабини кўтариш ва бошқа лавозимга ўтказиш уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар амалга оширилади. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига нисбатан махсус талаблар Давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига белгиланган намунадаги хизмат гувоҳномаси берилиб, ундан фойдаланиш тартиби Давлат хавфсизлик хизматининг ички идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган намунадаги формали кийим-бошга эга бўлади.

Давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш учун Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳаракатдаги резервда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳолда давлат органларига ва бошқа ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча хизмат сафарига юборилиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизмати мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятларини, ўзларига бўйсунувчи ҳарбий хизматчиларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазо чораларини қўллаш, ҳарбий унвонлар бериш, ҳарбий хизматчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини тасдиқлашга доир ваколатлари Давлат хавфсизлик хизматининг раиси томонидан белгиланади.

34-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Давлат хавфсизлик хизматига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари белгиланган тартибда махсус касбий тайёргарликдан ёки қайта тайёргарликдан ёхуд малака оширишдан ўтади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Давлат хавфсизлик хизматининг таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасалари, шу жумладан хорижий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

35-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни давлат меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уларнинг ва оила аъзоларининг соғлигини сақлаш, уй-жой ва ер участкалари билан таъминлаш, имтиёзли узоқ муддатли ипотека ва транспорт кредитлари бериш, соғлиғи ва мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турлари орқали кафолатлайди.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ҳамда уларга берилган имтиёзлар ва преференцияларни амалга ошириш тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан хизмат мажбуриятларининг виждонан бажарилиши ва улар эришган ижобий натижалар маънавий ва моддий рағбатлантиришлар билан тақдирланиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизмат фаолиятида кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ол-

дидаги бошқа хизматлари учун Давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизматининг раиси Давлат хавфсизлик хизматининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, шунингдек бошқа ҳолларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва миқдорларда бир маротабалик нафақалар тайинлашга, бошқа турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатишга ҳақли.

Давлат хавфсизлик хизматининг тезкор тадбирлар кўрувчи махсус гуруҳлари ҳарбий хизматчиларига пенсиялар тайинлаш учун белгиланган хизмат муддатига хизматнинг бир куни икки кунга, жанговар ҳаракатларда ёки террорчиликка қарши операциялар ўтказишда иштирок этган вақтида эса хизматнинг бир куни уч кунга тенглаштириб ҳисобланиб қўшилади.

Давлат хавфсизлик хизматининг тезкор тадбирлар кўрувчи махсус гуруҳлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими қонун ҳужжатларида белгиланади.

36-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари давлат ҳимоясидадир.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига бўйсунади.

Қонун билан тўғридан-тўғри ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг қонуний фаолиятига аралаштишга, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисини қонун билан Давлат хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти ҳақида бирор-бир тушунтириш беришга, шунингдек бундай ишлар ҳамда материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси ўзига нисбатан қабул қилинаётган қарор ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) юзасидан Давлат хавфсизлик хизматининг юқори турувчи мансабдор шахсига белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

37-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг дахлсизлик кафолатлари

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизматни ўташ вақтида дахлсизликка эга бўлади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари тегишинча Давлат хавфсизлик хизмати раисининг, Давлат хавфсизлик хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқларининг розилиги билан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

38-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ишга жойлаштириш кафолатлари

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳарбий хизматдан бўшатишга тақдирда уларга ҳарбий хизматга қабул қилингунига қадар эгаллаб турган аввалги иш ўрни (лавозими) берилади, аввалги иш ўрни мавжуд бўлмаганда эса давлат органларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда бошқа тенг иш (лавозим) биринчи навбатда берилади.

8-боб. Давлат хавфсизлик хизматининг ахборот, молиявий ва моддий-техника таъминоти

39-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг ахборот таъминоти

Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини амалга ошириши учун махсус ҳисобга олишларни шакллантириши ва улардан фойдаланиши, ахборот базаларини ва криптографик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиши, яратиши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

Идоравий хизмат ахборотини ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш тартиби Давлат хавфсизлик хизматининг ички идоравий ҳужжатлари билан белгиланади.

40-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги маълумотларни ҳимоя қилиш

Давлат хавфсизлик хизматига ҳарбий хизматга (ишга) қабул қилинаётган, шунингдек Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишига ижозат берилмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишга ижозатни расмийлаштириш тартиб-таомилидан ўтади.

Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишига ижозат берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларни ошкор этганлик учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳужжатлари ва материаллари Давлат хавфсизлик хизматининг архивларида сақланиши лозим. Тарихий ва илмий

қимматга эга бўлган архив материаллари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат архивларига топширилиши мумкин.

41-модда. Молиявий ва моддий-техника таъминоти

Давлат хавфсизлик хизматининг молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат хавфсизлик хизматида бюджетдан ташқари жамғармалар тузилади, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг рамзлари

Давлат хавфсизлик хизмати байроққа, эмблемага, вимпелга ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин.

Давлат хавфсизлик хизматининг рамзлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

43-модда. Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг жавобгарлиги

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни Давлат хавфсизлик хизмати томонидан бюджетдан ташқари махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади ва ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси хизмат интизомини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ жавобгар бўлади.

44-модда. Давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан назорат

Давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Прокурорлар Давлат хавфсизлик хизматининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида ўзига тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларда кўрсатилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

45-модда. Халқаро ҳамкорлик

Чет давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатхоналари билан Давлат хавфсизлик хизматининг ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

46-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

47-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

48-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 апрель,
ЎРҚ-471-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

273 Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Шу билан бирга, таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди. Хусусан:

биринчидан, шаҳарсозлик фаолияти, лойиҳа ва пудрат хизматлари бозори, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари комплекс таҳлил қилинмаган, оқибатда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишлари белгиланмаган;

иккинчидан, архитектура ва қурилиш органларининг ташкилий-штат тuzилмаси қурилиш ва реконструкция жараёнларини тўлиқ кузатиб боришни таъминлаш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатини самарали назорат қилиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар этишга имкон бермаяпти;

учинчидан, архитектура ва қурилиш органлари функцияларининг тарқоқлиги ҳамда улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги шаҳарсозлик соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва самарадорлигини таъминламаяпти;

тўртинчидан, кўпчилик аҳоли пунктларининг бош режалари мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс қуришга, ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини жойлаштиришга, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, қурилиш жараёнида пухта ўйланмаган қарорларни қабул қилишга сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар анча эскирган ҳамда уларда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг инновацион услубларини, энергия самарадор ва энергия тежай-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 апрелда эълон қилинган.

диган технологияларни кенг қўллаш эътиборга олинмаган, бу эса лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектларни қуриш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, қурилиш ишларини ташкил этиш, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий қилишда айрим ҳолларда тор идоравий манфаатнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмасликнинг сабабларидан бири ҳисобланади;

еттинчидан, қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари саноатида истиқболли инвестицион лойиҳаларни, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни илгари суриш ва амалга оширишда, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти;

саккизинчидан, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими архитектура-қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш вазифаларини самарали рўёбга чиқаришга имкон бермаяпти, кадрларни моддий рағбатлантириш даражасининг пастлиги эса малакали мутахассисларнинг тизимдан кетиб қолишига олиб келмоқда.

Архитектура-қурилиш соҳасини бошқаришнинг шаҳарсозлик фаолиятига инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берувчи замонавий тизимни яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси;

Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази Қурилишда стандартлаштириш республика маркази этиб қайта ташкил қилинсин.

3. Қўйидагилар:

қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функциясини Вазирликка ўтказган ҳолда Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш маркази;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази тугатилсин.

Белгилансинки, Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда 1-иловада назарда тутилган лицензияларни беради.

4. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш;

шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, яқка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш норма ва қоидаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш;

архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш.

5. Белгиланиб қўйилсинки, Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш бўйича дастурий

чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида «Ўзқурилишматериаллари» АЖ фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

6. Қўйидагилар Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат бўйича инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларга қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиши, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шахарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шахарсозлик норма, қоида ва стандартларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

буюртмачи техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назорати олиб бориши устидан мониторинг ўтказиш.

7. Қурилиш-монтаж ташкилотлари реестрини юритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

Барча тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялашнинг қўйидагиларни назарда тутувчи соддалаштирилган механизмини тасдиқласин:

лицензия шартномасини имзолаш заруратини бекор қилган ҳолда, аниқ ва тўлиқ лицензия талаблари ва шартларини;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишнинг самарали механизмини;

моддий жавобгарлик ҳамда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни.

Вазирлик 2018 йилнинг охирига қадар 1-иловада назарда тутилган илгари берилган лицензияларнинг ушбу Фармон билан белгиланган лицензиялашнинг янги механизмини ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 1 июлга қадар муддатда аккредитация механизмини жорий этиш орқали, жумладан аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, субъектларнинг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибини белгилашни назарда тутган ҳолда, қурилиш соҳасида техник назоратга оид давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича таклиф киритсин.

10. Қурилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

11. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Содиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
ПФ–5392-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги
ПФ–5392-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан
келишилган ҳолда амалга ошириладиган қурилиш
соҳасидаги айрим фаолият турлари
РЎЙХАТИ**

1. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
2. Баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.
3. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.
4. Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.
5. Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.
6. Хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.

* 2-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**274** Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мувофиқлаштирилган ва келишилган фаолиятини таъминлаш мамлакатимизни ривожлантиришнинг бугунги босқичида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш шароитларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари айрим раҳбарлари томонидан бошқарувга оид қарорлар қабул қилишда масъулиятни зиммасига олмаслик ёки ваколат доирасидан ташқарига чиқувчи, кўпинча амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига зид қарорлар қабул қилиш ҳолатларининг сақланиб қолиши кўзланган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Юзага келган ҳолат ишониб топширилган соҳада аниқ натижаларга эришиш учун вазифалар, ваколатлар ва жавобгарликни аниқ белгилаш, бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда давлат органларининг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, юқори турувчи тузилмаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйиш заруратини тақозо этади.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва барқарорлигини, давлат бошқаруви тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хил қўлланилишини таъминлаш, эксперт-ҳуқуқий таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши учун барча даражадаги раҳбарларнинг ҳаракатларини бирлаштириш ва шахсий масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматининг (кейинги ўринларда Хизмат деб юритилди) асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат бошқаруви тизими, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳаракатларини бирлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий масалалар бўйича фаолиятини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

нинг конун ижодкорлиги соҳасидаги конституциявий ваколатларини амалга оширишга кўмаклашиш;

Парламент, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

давлат бошқаруви тизимининг самарали фаолият юритишига, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига, қонунларнинг сўзсиз ижро этилишига тўсқинлик қилувчи, шунингдек, расмиятчилик, сансалорлик ҳамда коррупция кўринишлари учун шарт-шароит яратувчи тизимли муаммолар ва камчиликларни, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш;

давлат бошқаруви тизимини, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислох қилиш бўйича илғор хорижий тажрибани комплекс таҳлил қилиш ҳамда уни татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар фаолиятида ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва барқарорлигини, бир хил ва тўғри ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви тизими, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислох қилиш бўйича қарорларининг ижроси устидан тизимли мониторинг ҳамда назоратни амалга ошириш;

Ҳукуматнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ижро этувчи аппаратини оптималлаштириш, вазирликларнинг ишониб топширилган соҳалар учун масъуллигини кучайтириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида ваколатлар ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаб бериш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ҳудудларда ислохотлар стратегиясини амалга ошириш борасидаги жавобгарлиги ва мустақиллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашдаги ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

адлия, прокуратура ва ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, улар фаолиятини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш;

судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органларида кадрларга оид давлат сиёсати олиб борилишини таъминлаш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентини мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати тўғрисида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, сиёсий бошпана бериш, шунингдек, амнистия актини қўллаш

ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш масалалари бўйича конституциявий ваколатлари амалга оширишини таъминлаш.

3. Хизматга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларни, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви тизими, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қарорлари ижросига оид маълумотларни сўраб олиш;

давлат бошқаруви тизимининг самарали фаолият юритишига, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда амалдагиларини қайта кўриб чиқиш бўйича кўрилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш;

республика давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатларига, амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига номувофиқ бўлган, жумладан индивидуал имтиёз ва преференциялар беришни назарда тутувчи ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий-штат тузилмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда оптималлаштириш, расмиятчилик, сансалорлик, сарф-харажатлар ва коррупция кўринишларининг кўпайишига олиб келувчи ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг ижро этилмаганлиги ҳолатлари бўйича материалларни айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун давлат органларига, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киритиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун фақат Хизмат томонидан киритилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппаратининг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳужжатлар бундан мустасно. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан киритиладиган лойиҳалар Хизмат билан мажбурий равишда келишилади;

ҳуқумат қарорлари (индивидуал қарорлардан ташқари) лойиҳалари Хизмат билан мажбурий равишда келишилади;

умуммажбурий кўрсатмалар, жумладан индивидуал имтиёз ва преференциялар беришни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳуқумат ва идоравий баённома қарорлари, ёзма топшириқларни қабул қилишга йўл қўйилмайди;

хукумат баённома қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва улар имзоланганидан кейин ҳисобга олиниши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3628-сон қарорига мувофиқ давлат органларида ташкил этиладиган доимий фаолият юритувчи эксперт-таҳлил гуруҳларининг ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Хизмат томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўшатилаётган 35 нафар штат бирлиги, Институт томонидан амалга оширилаётган ва мувофиқлаштирилаётган лойиҳалар, шунингдек, Институт балансида бўлган мол-мулк ва бошқа товар-моддий қимматликлар Хизматга ўтказилган ҳолда тугатилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Хизмат зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги идоралар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан, жумладан:

тегишли соҳалардаги аҳволни биргаликда ўрганиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш ва уларни ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ҳамкорликда ўрганишни, тегишли соҳаларда хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига илғор хорижий тажрибани киритиш ҳамда ташкилотларнинг тавсияларини амалда рўёбга чиқариш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этиш;

етакчи мутахассис (консультант)ларни, жумладан хорижий мутахассис (консультант)ларни ҳамкорликдаги ишларга жалб этиш орқали;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан, жумладан:

жойлардаги аҳволни танқидий ўрганишни, қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликларни аниқлашни ташкил этиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айниқса, жойларда сўзсиз ижро этилишини ва ушбу ҳужжатлар амалга оширилишининг сифати, муддати ҳамда самарадорлиги устидан таъсирчан назоратни ташкил қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали яқиндан ҳамкорлик қилади.

7. Хизмат:

бир ҳафта муддатда Хизматнинг тузилмаси, унинг Низоми ва штат жадвали тасдиқланишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти қарори лойиҳаси, шунингдек, Хизматнинг масъул ходимлари лавозимларига номзодлар бўйича таклифлар;

Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан бирга-ликда икки ой муддатда Ҳукуматнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий ва самарали фаолият юритувчи тизимини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасининг, жумладан унинг ижро этувчи аппаратини оптималлаштириш, вазирликлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишониб топширилган соҳалар учун масъуллиги ва мустақиллигини кучайтириш, шунингдек, қарорлар қабул қилишда ваколатлар ҳамда мутасадди бўлган соҳаларни аниқ белгилаб беришни назарда тутган ҳолда, киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирокида катта маблағ ва ресурсларни жалб қиладиган, асоссиз ҳамда самараси паст йиғилишлар ва мажлислар ўтказишга йўл қўймаслик тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 апрель,
ПФ–5395-сон

* Илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**275 Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлнинг самарали давом эттирилиши мамлакатда кенг қўламли ислохотларни ва демократик ўзгаришларни муваффақиятли рўёбга чиқаришда, халқаро майдонда мамлакат нуфузини мустаҳкамлашда ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади.

Очиқ ташқи сиёсатнинг фаоллашуви натижасида хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда салмоқли натижаларга эришилди, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар сезиларли даражада кенгайди, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ва хориждаги ватандошларимиз билан мулоқот ўрнатилди, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга, Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ишларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, биринчи навбатда, давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида қўйилган вазифаларни самарали бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий база дипломатик хизматнинг барча масалаларини тўлиқ тартибга солмайди, тўпланган ҳуқуқий ва амалий тажрибани тўлиқ акс эттирмайди, шунингдек, замон талабларига мос келмайди;

иккинчидан, ташқи сиёсий идоранинг ташкилий-штат тузилмаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳалардаги стратегик вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд ресурсларни самарали сафарбар қилишга йўналтирилмаган;

учинчидан, давлат органларининг Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигининг, шунингдек, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида самарали ва мувофиқлаштирилган ишларни олиб боришнинг аниқ белгиланган механизмлари мавжуд эмас;

тўртинчидан, ташқи сиёсий идоранинг ишларини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш ва режалаштириш қисман амалга оширилмоқда, ташқи сиёсатнинг устуворлиги бўйича ишлаб чиқиладиган таклифлар мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш масалаларини лозим даражада ҳисобга олмаяпти;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 апрелда эълон қилинган.

бешинчидан, мамлакатдаги кенг кўламли ўзгаришлар ва республиканинг халқаро ташаббуслари ҳақида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш ишлари султ ташкил этилган бўлиб, мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш вазифалари самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

олтинчидан, консуллик муассасалари фаолиятида кўрсатилаётган давлат хизматларининг тезкорлик ва сифат даражаси, Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш даражаси қониқарсиз аҳволда қолмоқда;

еттинчидан, хориждаги ватандошларимиз билан тизимли мулоқот йўлга қўйилмаган, республикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар лойиҳа ҳамда дастурларни амалга оширишда уларнинг салоҳиятидан фойдаланилмапти;

саккизинчидан, кадрлар сиёсатининг самарасизлиги, шунингдек, ташқи сиёсий идора ходимларининг моддий рағбатлантирилиши ва ижтимоий ҳимояланишининг паст даражада эканлиги юқори малакали дипломатик таркибни шакллантириш имкониятларини сезиларли даражада чекламоқда, дипломатик хизматнинг обрўсини туширмоқда ва малакали мутахассисларнинг соҳани тарк этишига сабаб бўлмоқда;

тўққизинчидан, илғор ахборот-коммуникация технологияларининг етарли даражада жорий этилмаслиги устувор вазифаларни ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда, тезкор ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабат билдиришни, шунингдек, «рақамли дипломатия» воситаларини ривожлантириш имконини бермапти.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини ислох этишнинг энг муҳим йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолияти ва ташкилий-штат тузилмасининг норматив-ҳуқуқий асосларини «иқтисодий дипломатия»ни ривожлантиришга урғу берган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

иккинчидан, республиканинг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда Ташқи ишлар вазирлигининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш ва ажратиш;

учинчидан, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолиятига мамлакатимиз маҳсулотлари, ишлари (хизматлари) экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, инвести-

циялар, илғор технологиялар ва туристлар оқимини мамлакатга жалб этишга йўналтирилган янгича ёндашув ва усулларни жорий этиш;

тўртинчидан, энг аввало, миллий ва хорижий экспертлар жамоалари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва илмий доиралар билан мунтазам ҳамда мақсадли ахборот алмашиш ишларини кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг ижобий халқаро нуфузини шакллантиришда «оммавий дипломатия» воситаларини фаол қўллаш;

бешинчидан, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалда ҳимоя қилинишини таъминлаш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш, хориждаги ватандошларимиз билан ҳар томонлама мулоқотни қўллаб-қувватлаш, уларни савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва ижтимоий лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишга фаол жалб қилиш;

олтинчидан, ички идоравий режалаштириш ва назорат қилишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, ҳисобот бериш тартиби ва шаклларини содалаштириш, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини шакллантириш;

еттинчидан, дипломатик кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ротациясини таъминлаш ҳамда истиқболли захирасини шакллантиришнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш орқали Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида кадрлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш;

саккизинчидан, дипломатик хизмат органлари ходимларининг моддий рағбатлантирилиши ва ижтимоий ҳимоя қилинишини яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш;

тўққизинчидан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, глобал ахборот майдонида мамлакатимиз манфаатларини илгари суриш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш орқали Ташқи ишлар вазирлиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тузилмасида:

а) Ташқи иқтисодий ҳамкорлик бош бошқармаси ва унинг тузилмасига кирувчи:

Хорижий инвестициялар ва молиявий-техникавий кўмак воситаларини жалб қилиш бошқармаси;

Экспорт ва ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш бошқармаси;

Ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси;

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бошқармаси;

б) Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати негизида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси;

в) Консуллик бошқармаси негизида Консуллик-ҳуқуқ департаменти;

г) Хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўлими;

д) Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими ва унинг таркибида Мурожаатларни қабул қилиш сектори (call-center);

е) Дипломатик сервис хизмати негизида Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси;

ж) «Жаҳон» ахборот агентлиги негизида «Дунё» ахборот агентлиги ва Медиа-марказ;

з) Таржимонлар бюроси;

и) Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази негизида Таҳлил ва прогнозлаштириш маркази;

к) Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ташкил этилсин.

3. Хорижда стипендиантларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунадиган Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази сифатида қайта ташкил этилсин.

4. Ташқи ишлар вазирлигининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг дипломатик ва консуллик муассасаларини ривожлантириш Республика жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати органларини ривожлантириш жамғармаси тузилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ташқи ишлар вазирлиги ягона ташқи иқтисодий йўлни амалга ошириш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа давлат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига унинг ташқи иқтисодий соҳадаги асосий вазифалари амалга ошишида амалий ёрдам кўрсатилишини, шу жумладан сифатли ишланган маълумотномалар, ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида тақдим этган ҳолда таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

дипломатик ваколатхона раҳбари ўзи ишлаб турган давлатда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни самарали давом эттириш, мамлакат манфаатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суришни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикасининг олий расмий вакили ҳисобланади;

олий маълумотга эга бўлган, давлат ва чет тилларини яхши биладиган, тегишли ишбилармонлик, маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган, шунингдек, тарих, маданият соҳаларини, миллий анъаналар ва урф-одатларни, Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий

* 1-илова берилмайди.

ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур биладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси дипломатик ваколатхона раҳбари бўлиши мумкин;

ўзлари ишлаб турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ходимлари ва давлат органлари расмий вакиллари идоравий мансублиги ва ҳисобдорлигидан қатъи назар дипломатик ваколатхонанинг раҳбарига сўзсиз бўйсунди ва зиммасидаги вазифаларни бажаришда ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги амалиётига қуйидагилар киритилсин:

а) республикани ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ҳисобга олиб, хорижлик шерикларнинг савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва илмий-техник имкониятларидан, улар билан ҳамкорлик даражаси ва кўламидан, уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрnidан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган асосий хорижий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини доимий асосда ишлаб чиқиш.

Белгилансинки, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари вазирлик ва идораларнинг амалий фаолиятида, шу жумладан, хорижий шериклар билан алоқаларда мезон бўлиб хизмат қилади;

б) ташқи иқтисодий фаолиятга (мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ривожлантириш, инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш, туристлар оқимини кенгайтириш) ва ахборот-тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, хорижий мамлакатлар билан фаол ва тизимли ишлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари йиллик «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

в) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларига юборилган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда «тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари — Ташқи ишлар вазирлиги — хориждаги муассаса — Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» принципи асосида идораларо кадрлар ротацияси;

г) эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига маълумот бериш учун ҳар ойда ташқи ишлар вазири томонидан хорижий муассасалар раҳбарларининг ўзи ишлаб турган давлат ва халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилиш бўйича зиммасидаги вазифаларни ва тасдиқланган «йўл хариталари»ни амалга ошириш жараёни тўғрисидаги шахсий ҳисоботларини эшитиб бориш.

8. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўрта муддатли истиқболда асосий хорижий шериклар билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 2-иловага* мувофиқ;

* 2-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ва Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва вазифалар ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Ташқи ишлар вазирлигининг «Дунё» ахборот агентлиги ва Медиа-маркази, Таҳлил ва прогнозлаштириш маркази, Таржимонлар бюроси Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

а) тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан республиканинг ягона ташқи иқтисодий сиёсатини амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилсин ва таҳлил натижаларини ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

б) Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Дипломатик хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

в) Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ишлаб турилган мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни, товарлар, ишлар (хизматлар) қиймати индексациясини, шунингдек, валюта курсининг ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларига узоқ муддатли хизмат сафарига юборилган ходимларнинг лавозим маошлари миқдорларини беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш бўйича таклифлар киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий шериклар ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўрта ва узоқ муддатли манфаатларига асосланган икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси (янги таҳрири) лойиҳасини киритсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва мин-

* 3-илова берилмайди.

тақалараро тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан, жойларга чиқиш орқали уларни танқидий ўрганиш якунлари бўйича таклифларни киритсин;

е) бир ой муддатда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда киритсин;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим сифатини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг замонавий ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Университет фаолиятининг долзарб вазифалари ва йўналишларини қайта кўриб чиқиш;

манфаатдор идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалиётда талаб қилинадиган мутахассисларининг аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлашини таъминлаш, шунингдек улар орасидан дипломатик кадрларнинг истиқболли захирасини шакллантириш мақсадида бакалавриятда ўқиш муддати ва бакалавриятга қабул қилиш квоталарини камайтириш;

«Халқаро иқтисодиёт ва менежмент» ҳамда «Халқаро журналистика» мутахассисликлари бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг янги йўналишларини жорий қилиш;

Университетда хорижий мамлакатлар делегацияларига хизмат кўрсатиш ва расмий тадбирлар ўтказишни юқори ташкилий даражада таъминлайдиган профессионал таржимон ва гидларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларини прогноз баҳолаш билан фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини тизимли таҳлил қилишда Университетнинг ролини кучайтириш.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини ҳар чоракда Вазирликнинг марказий аппарати ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари раҳбарлари ва ходимлари, вазирлик ва идоралар, соҳа ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа режимида танқидий кўриб чиқсин;

пойтахт ҳудудида ер участкалари ажратилишини ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчилари учун уй-жойлар ва Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ходимлари учун тўртта кўп квартирали уй қурилишини ҳамда уларнинг 2019 йилнинг охирига қадар фойдаланишга топширилишини таъминласин;

махаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари учун хорижий шериклар билан музокара жараёнини, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорлик тақдимотини ташкил

этиш масалалари бўйича ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа масалалари бўйича, шу жумладан, жойларга бориш орқали семинар ва тренинглар ўтказилишини ташкил қилсин.

12. «Ипотека-банк» АТИБ, «Асака-банк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сонли ва «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ–3350-сонли қарорларида назарда тутилган шартлар асосида элчилар ва Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик ходимлари уй-жой ҳамда кўп квартиралли уйларда квартира сотиб олиши учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш тавсия этилсин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ҳафталик муддатда Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармаси низомини тасдиқлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

б) икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирасин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1994 йил 25 февралдаги ПФ–769-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби В.В. Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Камиллов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 апрель,
ПФ–5400-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**276** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон Фармонига мувофиқ:

1. «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонаси ташкил қилинсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

белгиланган тартибда шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш;

лойиҳа иши ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш.

Белгилансинки, ўрнатилган тартибда аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектлари ҳам ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни бажариш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бир ой муддатда «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонасининг уставини ишлаб чиқсин ва унинг ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларининг тузилмалари 3 ва 3.1-иловаларга** мувофиқ;

қурилиш бўйича ҳудудий бўлинмалар бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг Ўзбекистон Республика-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар берилмайди.

си Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимлари чекланган сони 81 нафар этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирига:

зарур бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирлик ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан Вазирликнинг қўшимча ходимлар штат бирликларини киритиш;

Вазирликка юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва чет эл компанияларининг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш, Жамғарма маблағлари ҳисобидан уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳукуқи берилсин.

5. Белгилансинки, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан тегишли йўналишда хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассисларга нисбатан Вазирликда қўлланилиши, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири, шунингдек, унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик тизимидаги ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган устама ҳақлари ва қўшимча тўловлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Қурилиш вазири томонидан тасдиқланадиган қурилиш соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ аниқланадиган меҳнатдаги юқори натижалари учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда рағбатлантирувчи тўловлар амалга оширилади:

лавозим маошига нисбатан 50 фоиз — 70 баллдан 80 баллгача тўплаган ходимларга;

лавозим маошига нисбатан 100 фоиз — 80 баллдан 90 баллгача тўплаган ходимларга;

лавозим маошига нисбатан 200 фоиз — 90 баллдан 100 баллгача тўплаган ходимларга.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сон қарорининг бюджетдан таш-

қари маблағларни ишлатиш қисмидаги талаблари Вазирликка нисбатан жорий этилмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Вазирлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомларни, жумладан Жамғарманинг даромад манбаларини аниқлаштирган ҳолда, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг тузилмасини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирликнинг буюртмалари бўйича юклатилган вазифаларни ижро этиш учун жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларни вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг узайтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Вазирликнинг буюртмалари бўйича юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун республикага чет эл мутахассисларини жалб қилишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Содиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
ПҚ-3646-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги
ПК-3646-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2137-сон қарорининг 1, 2, 6 ва 7-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2936-сон қарорининг 3-банди ҳамда 1 — 7-иловалари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

277 **Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг таркибида балиқчилик улushi изчил ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, балиқчилик тармоғида ханузгача кўплаб камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда, уларни самарали ҳал этиш ишчанлик фаоллигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, балиқ етиштириш учун илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий-инновацион тадқиқотлар ва ишланмалар сифатини ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 апрелда эълон қилинган.

вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбек-балиқсаноат» уюшмасининг Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк ва ер участкалари, шу жумладан, сув ҳавзалари негизида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш, сунъий сув ҳавзаларини балиқлантиришни янада ривожлантириш ва балиқчилик хўжаликларини таъминлаш учун балиқнинг янги ва синалган турларини иқлимлаштириш орқали насли балиқ чавоқларини яратиш;

наслдор балиқ личинкалари етиштирувчи замонавий инкубацион цех фаолиятини ташкил этиш, балиқ чавоқларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд балиқ чавоқларини етиштирувчи сув ҳавзаларини модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш;

ўз эҳтиёжи ва балиқчилик хўжаликлари учун тўла қийматли ва юқори оқсилли озуқаларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни яратиш орқали озуқа базасини мустаҳкамлаш, дон ва дон экинларини экиш йўли билан бугдой ва сояга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш;

инновацион ва замонавий интенсив технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан қафас (садок) усулида, ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида балиқ етиштириш ҳамда сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш;

биринчи навбатда, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, кейинчалик қўшни мамлакатларга экспорт қилиш учун балиқларни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш (консерва, икра, балиқ уни ва бошқалар) бўйича замонавий комплексларни ташкил этиш;

сувнинг гидрохимик таркибининг лаборатория усулида таҳлил қилиш, балиқларни касалликлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, балиқ касалликларини аниқлаш, уларни даволаш чораларини кўриш;

балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш жараёнида инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек, мутахассислик йўналиши бўйича таҳсил олувчи таълим муассасалари талабалари учун балиқчилик тармоғида амалиёт ўташни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ таркибидаги ер участкаларининг чегараларини аниқ белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

фаолият кўрсатиш муддати мобайнида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ худудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг фаолияти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг оператив бошқарув органи Дирекция ҳисобланади;

Дирекциянинг фаолиятдан тушган даромадлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Дирекцияни «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради;

Дирекция Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши қарорлари ва «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ томонидан ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштиради ва «ягона дарча» тамойили бўйича муҳандислик-телекоммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланишга барча зарур рухсатномалар берилишини ташкил қилади.

Дирекция бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк, ер участкалари, шу жумладан сув ҳавзаларининг Дирекцияга топширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

5. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари амал қилиниши татбиқ этилсин.

6. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси балансида бўлган табиий сув ҳавзалари доимий равишда алоҳида фойдаланиш учун «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига берилсин.

Белгилансинки, табиий сув ҳавзаларининг ижара тўловларидан келиб тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритишда вазирлик марказий аппарати тузилмаси таркибида 5 нафар штат бирлигидан кам бўлмаган Балиқчиликни ривожлантириш бошқармаси ташкил этиш, шу жумладан ушбу бошқармага «Ўзбекбалиқсаноат»

уюшмасининг олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасини юклашни назарда тутсин;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида балиқчилик соҳаси йўналишларида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квотасини камида икки барабар оширишни кўзда тутсин;

Тошкент давлат аграр университетига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, «Балиқчилик» йўналиши бўйича камида 6 нафардан иборат магистратура курсини ташкил этсин.

8. Қўйидагиларга йўналтирилган Республикада 2018 — 2023 йилларда балиқчилик соҳасини жадал инновацион ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

қимматли балиқ турлари ва чавоқларини интенсив етиштириш учун питомник ва наслчилик ишларини давлат-хусусий шериклик шартларида такомиллаштириш;

балиқ маҳсулотларини (консерва, икра, балиқ уни ва бошқалар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

аквакультурани ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

балиқчилик тармоғидаги илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш;

балиқчилик тармоғида экспорт салоҳиятини ошириш;

балиқчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини кўпайтириш, балиқ истеъмол қилиш маданиятини, шунингдек, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг балиқчилик соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштиришдаги ролини янада ошириш;

балиқчилик хўжаликларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш бўйича вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини;

ҳар ойда Дастурнинг бажарилиши танқидий кўриб чиқилишини ва мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

ер ва сув ҳавзаларидан мақсадга номувофиқ фойдаланаётган табиий ва сунъий сув ҳавзаларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни товар балиқлар ва балиқ чавоқларини етиштиришга жалб қилиш чоралари кўрилишини;

* Илова берилмайди.

балиқчилик хўжаликлари сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг унумдорлигини кадастр жиҳатдан баҳолаган ҳолда ягона реестр яратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида балиқчилик хўжаликларига ихтиопатологик хизмат кўрсатиш учун лабораториялар ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларига 2019 йил 1 майга қадар муддатда лабораторияларнинг тўлиқ фаолият юритиши, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ҳамда малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

11. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ҳузурида балиқчилик маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини қамраб олувчи, шу жумладан миллий ва хорижий илмий ва амалий инновацион ютуқларни, янгидан бошловчи ва фаолият юритиб келаётган балиқчилар учун балиқ етиштириш технологияларини тўғри ташкил этиш ҳамда мамлакат ичида ва ундан ташқарисида содир бўлаётган балиқчилик соҳасидаги муҳим воқеаларни ёритиб борувчи «Балиқчилик» журнали таъсис этилсин.

12. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Арнасой қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежи ҳамда Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи қошида балиқчиларни тайёрлаш ҳамда балиқчилик хўжалиги ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига балиқ етиштириш, уларни қайта ишлаш ва тайёр балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини ўрганиш ва жорий қилиш масалаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришда қўмаклашсин.

14. «Ипотека-банк» АТИБга балиқ чавоқларини етиштирувчи сув ҳавзалари ва инкубация цехларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритишини таъминлаш, балиқ етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усулларини жорий этиш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технологик жараёнларни босқич-ма-босқич шакллантириш учун Дирекцияга беш йил муддатга, икки йил имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан ошмайдиган кредитлар бериш тавсия этилсин.

15. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига маз-

кур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 апрель,
ПҚ-3657-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

278 «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини таъсис этиш чоратадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармониға мувофиқ «Мўътабар аёл» кўкрак нишони таъсис этилганлиги муносабати билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий кадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини байрами арафасида топшириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан мукофотлаш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бошқарувининг қарори асосида амалга оширилади.

3. Қўйидагилар:

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларға мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг буюртмасига асосан, белгиланган тартибда «Мўътабар аёл» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари тайёрланишини таъминласин.

5. «Мўътабар аёл» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши инobatга олинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 апрель,
257-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 2 апрелдаги 257-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1. «Мўътабар аёл» кўкрак нишони (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар тақдирланадилар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари иштирокида фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари томонидан шакллантирилади ва тегишли йиғилиш қарорлари асосида ҳар йилнинг 10 январь санасига қадар туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасига тақдим этилади.

3. Туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари кўкрак нишонига тавсия қилинаётган номзодларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг фаолиятига оид барча ҳужжатларни тегишли йиғилиш қарорлари асосида ҳар йилнинг 25 январь санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарига тақдим этадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия қилинган номзодлар бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли йиғилиш қарорлари асосида ҳар йилнинг 10 февраль санасига қадар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига тақдим этадилар.

5. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бошқаруви томонидан Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 20 февраль санасига қадар якуний хулосалар қабул қилинади.

Комиссия хулосасига асосан кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бошқарувининг қарори қабул қилинади.

6. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси мукофотланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

7. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг матбуот нашрларида ва бошқа тегишли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

10. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 2 апрелдаги 257-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Мўътабар аёл» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида мўътабар аёл сиймоси қуёш нурлари фонида акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг пастки қисмида зарҳал хошия билан ўралган оқ эмалли фонда «МО‘ТАВАР АҲОЛ» сўзлари ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр бўлиб, ёзувлар зарҳалланган. Нишоннинг юқори четлари бўйлаб фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи иккита даф-

на япроғи тасвирланган. Дафна япроқларининг юкори қисмида саккиз қир-
рали юлдуз жойлашган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида уч қаторда ҳарфларнинг
баландлиги 1,8 миллиметр бўлган «Jamiyat va», «davlat hayotidagi», «faolligi
uchun» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар кабарикдир.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари кабарик доира
билан ўралган.

Кўкрак нишони илгакчалар ва халқача ёрдамида тўғри тўртбурчак ша-
лидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметр. Қадағич эни
22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ўртасидан
эни 9 миллиметрли сариқ рангли йўл, унинг икки четидан эса эни 1,5 мил-
лиметрли қизил рангли иккита йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари
бўйлаб ҳар бирининг эни 5 миллиметр бўлган яшил рангли йўллар ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун
тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 2 апрелдаги 257-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Мўътабар аёл» кўкрак нишони гувоҳномасининг
ТАВСИФИ**

«Мўътабар аёл» кўкрак нишони гувоҳномаси 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв. м қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) оч яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган яшил рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Mo'tabar ayol», иккинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVONNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVONNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

«GUVONNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Xotin-qizlar», иккинчи сатрда «qo'mitasi Boshqaruvining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.



Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда марказда «Mo'tabar ayol» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston

Xotin-qizlar», ikkinchi satrda «qo'mitasi raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

**«Муътабар аёл» кўкрак нишони
гувоҳномаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**279 Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-моддасига мувофиқ ҳамда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 апрель,
260-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги 260-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

ҳокимликлари — озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари — қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар бўйича».

2. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган:

озиқ-овқат маҳсулотларини — «Ўзбекизоқиқовқатзахира» уюшмаси ташкилотларига;

қимматли қоғозларни — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига вақтинча сақлаш учун топширади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига вақтинча сақлаш учун жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқлар давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан амалга оширилади;

қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларни — улар Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасида экспертизадан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига топширади. Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларни техник экспертизадан ўтказишда асиллик даражаси тўлови ундирилмайди.

Бошқа товарлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кимошди савдосини ўтказиш тартибида сотувга қўйилади. Тез бузиладиган ва паст қийматли товарлар давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****280 Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартибини белгилайди.».

2. 4 ва 4¹-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 24-банддан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил., 32-сон, 369-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 33-банддан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил., 50-сон, 511-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

282 **Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сон қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август)

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар
гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «баланснинг баланسدан ташқари моддаларга» деган сўзлар «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Депозит чет эл валютасида киритилган бўлса, бу валютанинг қиймати кредит қолдигининг камида 105 фоизини ташкил этиши лозим. Депозит валютасининг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси ўзгарганда қайта баҳоланиши лозим.».

3. 3-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

283 Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2990

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 март,
17-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
27 мартдаги 17-сон буйруғига
ИЛОВА

**Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш,
сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни
расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш, тайёрланган дори воситаларини сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ва расмийлаштириш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

инъекциялар учун дори воситалари — парентерал қўллаш учун эритмалар, суспензиялар, эмульсиялар, шунингдек бевосита ишлатиш олдидан стерил эритгичда эритиладиган қаттиқ дори моддалари (кукунлар, таблеткалар, говак массалар) тарзидаги стерил дори шакллари;

эритмалар — суюқ, қаттиқ ёки газ ҳолидаги моддаларни тегишли эритгичда эритиб ҳосил қилинган суюқ дори шакли. Эритмалар ички ва ташқи қўлланиш учун, шунингдек инъекциялар учун фойдаланилади.

2. Ушбу Низомнинг талаблари дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш билан шуғулланувчи дорихоналарга нисбатан татбиқ этилади.

3. Дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун тегишли лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади.

4. Дори воситалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўлланиши рухсат этилган дори моддаларидан (субстанциялардан) тайёрланади.

5. Дори воситаларини тайёрлаш санитария нормалари, талаблари ва гигиеник нормативларга жавоб берадиган шароитларда амалга оширилади.

6. Дори воситаларини тайёрлаш билан шуғулланувчи дорихоналар амалга ошириладиган фармацевтика фаолиятининг ҳажмига ва хусусиятига мувофиқ асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши керак.

7. Дори воситаларини тайёрлаш ва уларнинг сифатини назорат қилишда фойдаланиладиган ўлчов воситаларининг яроқлилиги ҳамда аниқлиги, шунингдек уларни текшириш ва (ёки) калибрлашнинг мунтазамлиги таъминланиши зарур.

8. Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари сифатини назорат қилувчи фармацевт дорихонанинг ички назорати соҳасида касбий билимларга эга бўлиши керак. Кимёвий назоратни ўтказиш учун зарур ускуналар, приборлар ва реактивлар билан жиҳозланган, сифатни назорат қилишга доир ҳужжатлар билан таъминланган махсус иш ўрни жиҳозланади.

9. Концентрланган (қуюқлаштирилган) эритмаларни, ярим тайёр маҳсулотларни, дорихонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотларни (заготовкларни) дори воситаларини тайёрлашда барча қайдлар қоғоз ёки электрон кўринишда расмийлаштириладиган Лаборатория ва қадоқлаш ишлари журнаliga ёзиб қўйилади.

Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

берилган дори воситасини (хом ашёни) назорат қилишни ўтказиш санаси ва тартиб рақами;

серия рақами;

дори воситасининг номи, ўлчов бирлиги, миқдори, чакана нархи (шу жумладан идишнинг қиймати);

қадоқланган маҳсулотнинг тартиб рақами, ўлчов бирлиги, миқдори, чакана нархи, шу жумладан таблетка қилинган дори препаратлари, кукун

шаклидаги дори воситалари, дозаланган суюқ дори шакллари учун тартиб рақами, ўлчов бирлиги, миқдори, чакана нархи;

дори воситасини қадоқлаган шахснинг имзоси;

қадоқланган дори воситасини текширган шахснинг имзоси, таҳлил санаши ва рақами.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

2-боб. Асептик (стерил) шароитларда дори воситаларини тайёрлаш

1-§. Умумий қоидалар

10. Асептик (стерил) шароитларда дори воситаларини тайёрлашга нисбатан уларнинг микроорганизмлар ва механик заррачалар билан ифлосланиши хавфини минимумга келтиришга қаратилган талаблар қўйилади.

11. Инъекциялар ва инфузиялар учун эритмалар, офтальмологик дори шакллари ҳамда янги тузилган чақалоқлар ва 1 ёшга тўлмаган болаларни даволаш учун мўлжалланган дори шакллари, антибиотикли дори шакллари, дорихона ичида тайёрланган ҳолдаги дори воситаларининг сифати фармакопеея мақоласида, умумий фармакопеея мақоласида белгиланган сифатни назорат қилиш усуллари мувофиқ ёхуд бундай мақола бўлмаган тақдирда, сифатни назорат қилиш соҳасидаги ҳужжатга мувофиқ аниқланади.

2-§. Инъекцион ва инфузион дори воситаларини тайёрлаш

12. Тайёрланган инъекцион ва инфузион эритмалар кўринадиган механик аралашмалардан ҳоли, стерил, барқарор бўлиши, пирогенлик синовига бардошли бўлиши керак.

Инъекцион ва инфузион эритмалар асептик (стерил) шароитларда инъекциялар учун ишлатиладиган сувда оғирлик-ҳажм усулида тайёрланади.

13. Бир иш жойида таркибида турли номдаги дори воситалари ёки бир номдаги турли концентрациялардаги дори воситалари бўлган бир неча инъекцион ва инфузион эритмаларни бир вақтнинг ўзида тайёрлаш тақиқланади.

Инъекцион ва инфузион эритмаларни уларнинг таркибига кирувчи дори воситаларининг кимёвий жиҳатдан бир-бирига мослиги, стерилизация технологияси ва режими тўғрисида маълумотлар бўлмаганда, шунингдек фармакопеея мақоласида, умумий фармакопеея мақоласида белгиланган сифатни назорат қилиш усуллари бўлмаганда ёхуд сифатни назорат қилиш соҳасидаги ҳужжат бўлмаганда тайёрлаш тақиқланади.

14. Инъекцион ва инфузион эритмалар қўлланилиши рухсат этилган филтрлаш материалларидан (гигроскопик пахта, дока, камдан-кам ҳолларда — шойи, капрондан) фойдаланган ҳолда филтрланади. Эритмани филтрлаш уни стерил тикинлар билан беркитиладиган, тайёрлаб қўйилган

стерил флаконларга бир вақтнинг ўзида қўйиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Инъекцион ва инфузион эритмаларни тайёрлаш бошланишидан то стерилизациялашгача бўлган вақт оралиғи 3 соатдан ошмаслиги лозим.

15. Инъекцион ва инфузион эритмалар ушбу Низомнинг 1-иловасидаги 1-жадвалда кўрсатилган стерилизация режимлари талабларига мувофиқ стерилизация қилинади.

1 литрдан кўп ҳажмли эритмаларни стерилизация қилишга ҳамда инъекцион ва инфузион эритмаларни қайтадан стерилизация қилишга йўл қўйилмайди.

Стерилизация жараёни бутун солинадиган ҳажмнинг самарали стерилизация қилинишини таъминлаши керак.

Стерилизация термик усулларининг параметрлари ва самарадорлигини назорат қилиш назорат-ўлчов приборлари, кимёвий ва биологик тестлар ёрдамида амалга оширилади.

16. Стерилизация режимлари дори воситалари, ёрдамчи материаллар, идишлар ва бошқа материалларни Стерилизация қилиш режимини қайд этиш журналида қайд этилади.

Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

стерилизацияни ўтказиш санаси ва тартиб рақами;

рецепт ёки талабнома рақами;

стерилизация қилиниши лозим бўлган материал номи;

бошланғич дори шакллари, тайёрланган дори воситалари, ёрдамчи материаллар, идишлар ва бошқа материалларнинг (стерилизациягача бўлган ва ундан кейинги) миқдори;

стерилизация шароитлари (ҳарорат, вақт (стерилизация бошланган ва тамомланган вақт кўрсатилади));

термотест;

материаллар стерилизациясини ўтказган шахснинг имзоси.

Журналда дори воситаларининг стерилизацияси (якка тартибдаги рецептлар (талабномалар) бўйича тайёрланган ҳамда серияли тайёрланган инъекцион эритмалар бундан мустасно), шунингдек натрий хлоридни қиздириш ҳақидаги белги қайд этиб қўйилади.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда дорихона раҳбарининг имзоси ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

17. Инъекция ва инфузия эритмаларининг стерилизациягача бўлган сифатини баҳолаш ташқи кўриниши, механик аралашмалар йўқлиги, рН кўрсаткичи, дори воситаларининг ҳақиқийлиги ва миқдорий таркиби, изотониклиги ва барқарорлаштирувчи моддалар таркиби бўйича ўтказилади.

Инъекция ва инфузия эритмаларининг стерилизациядан кейинги сифатини баҳолаш ташқи кўриниши, механик аралашмалар йўқлиги, флаконларга қўйиб чиқишда номинал ҳажмини текшириш, рН кўрсаткичи (рН кўрсаткични аниқлашда йўл қўйиладиган меъёрий оғишлар ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 1-жадвалда келтирилган), дори воситаларининг чинлиги ва

миқдорий таркиби, номинал ҳажмдан четга чиқишлар, тиқинлагичнинг маҳкамлиги, барқарорлик, пирогенлик ёки бактериал эндотоксинлар таркиби бўйича ўтказилади.

Кўрсатилган талаблардан бирига номувофиқ бўлган ҳолдаги эритмаларнинг сифати қониқарсиз ҳисобланади.

18. Инъекциялар ва инфузиялар учун дори воситаларини тайёрлашда унинг барча босқичлари Инъекциялар ва инфузиялар учун дори воситалари тайёрлашнинг босқичларини назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қайд этилади.

Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

назоратни ўтказиш санаси ва тартиб рақами;

рецепт ёки талабнома рақами;

бошланғич воситаларнинг (шу жумладан сув) номи ва олинган миқдори;

тайёрланган эритма номи ва ҳажми;

эритмани тайёрлаган шахснинг имзоси;

қадоқлаш (қуйиб чиқиш) (ҳажм миллилитрларда ва шиша идишлар (флаконлар) сони кўрсатилади);

эритмани қадоқлаган шахснинг имзоси;

эритмани механик аралашмалар нуқтаи назаридан дастлабки назоратни ўтказган шахснинг имзоси;

стерилизация (ҳарорат, «...дан» ва «... гача» бўлган вақт, термотест, эритмани механик аралашмалар нуқтаи назаридан стерилизациядан ўтказган шахснинг имзоси);

эритмани механик аралашмалар нуқтаи назаридан иккиламчи назоратни ўтказган шахснинг имзоси;

таҳлилларнинг стерилизациягача ва ундан кейинги рақамлари (каср орқали кўрсатилади);

бериб юбориш учун келиб тушган тайёр маҳсулот идишларининг сони;

тайёрланган дори воситаларини бериб юборишга рухсат берган шахснинг имзоси.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда дорихона раҳбарининг имзоси ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

3-§. Янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун мўлжалланган дори шаклларини тайёрлаш

19. Янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун мўлжалланган дори шакллари ушбу Низомда белгиланган дори шаклларини тайёрлаш қоидалари бўйича асептик (стерил) шароитларда тайёрланади.

20. Янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун мўлжалланган дори шакллари, шу жумладан ичиш ва сиртки қўллаш учун эритмалар уларнинг таркибига кирувчи дори воситаларининг табиати-

га ҳамда тайёрлашнинг технологик жараёнига қараб икки гуруҳга бўлинади: сўнги ўров-идишда стерилизация қилинадиган эритмалар ҳамда кейинги термик стерилизациясиз стерил эритгичда асептик (стерил) шароитларда тайёрланадиган эритмалар.

21. Ушбу Низомнинг 1-иловасидаги 2-жадвалда кўрсатилган стерилизация режимлари талабларига мувофиқ янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларга қўллаш учун мўлжалланган қуйидаги дори шакллари стерилизация қилинади:

тозаланган сувда тайёрланган, ичиш учун ва сиртки қўллаш учун эритмалар;

сиртки қўллаш учун мойлар.

4-§. Антибиотикли дори воситаларини тайёрлаш

22. Антибиотикли барча дори воситалари асептик (стерил) шароитларда тайёрланади.

Антибиотикли кукунларни тайёрлашда ушбу Низомнинг 5-бобида белгиланган талаблар инobatга олинади. Иссиқликка чидамли таркибий қисмлар (ингредиентлар) олдиндан стерилизация қилинади.

Антибиотикли суртмалар ушбу Низомда белгиланган тегишли дори воситаларини тайёрлаш қоидалари бўйича тайёрланади. Суртмалар учун асос олдиндан стерилизация қилинади.

5-§. Офтальмологик дори воситаларини тайёрлаш

23. Кўз томчилари, намлантириш учун эритмалар, кўз суртмалари, кўз малҳамлари офтальмологик дори воситалари жумласига киради.

Офтальмологик дори воситаларини тайёрлаш учун дори воситалари ва ёрдамчи моддалар (эритгичлар, мазли асослар, барқарорлаштирувчилар, буфер эритмалар, изотоник моддалар, консервантлар, пролонгаторлар ва бошқалар) қўлланилади.

24. Сувли кўз дори воситалари стерил ва изотоник бўлиши, агар фармакопёя мақолаларида бошқача кўрсатмалар бўлмаса, кўз ёши суюқлиги рН — 7,4 га тўғри келадиган, рН нинг мақбул қийматига эга бўлиши (рН 3,5 дан 8,5 гача доирада бўлишига йўл қўйилади), сақлаш чоғида барқарор бўлиши ва фармакопёя мақоласининг, умумий фармакопёя мақоласининг ёки кўзга кўринадиган механик аралашмалар нуқтаи назаридан сифатни назорат қилиш соҳасидаги ҳужжатнинг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

25. Кўз томчилари ва эритмалари тозаланган сувда оғирлик-ҳажм усулида асептик (стерил) шароитларда тайёрланади.

Кўз томчиси ва эритмаларини тайёрлашда дори воситалари тозаланган сувнинг ҳисобланган ҳажмида стерил идишда эритилади, зарурат бўлганда ёрдамчи моддалар қўшилади, қўллашга рухсат этилган филтрлаш материаллари ва қурилмаларидан фойдаланган холда филтрланади.

Кўз томчилари оз ҳажмларда тайёрланган тақдирда дори воситалари ва ёрдамчи моддалар тозаланган сувнинг бир қисмида эритилади, олинган эритма тозаланган сувда олдиндан ювилган фильтрловчи материал орқали филтёрланади, сўнгра тозаланган сувнинг қолган миқдори ўша филтёрдан ўтказиб филтёрланади.

Кўз томчилари ва эритмалари ушбу Низомнинг 1-иловасидаги 3-жадвалнинг 3.1 ва 3.2-бўлимларида кўрсатилган стерилизация режимлари талабларига мувофиқ стерилизация қилинади.

Кўз томчилари ва эритмаларида механик аралашмалар йўқлиги стерилизациядан олдин ва кейин аниқланади.

26. Юқори ҳарорат таъсиридан ҳимоялашни талаб қиладиган дори воситаларининг эритмалари тозаланган стерил сувда асептик (стерил) шароитда, кейинги стерилизацияни қилмасдан ёки филтёрлаш билан стерилизация қилишдан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

6-§. Кўз суртмаларини тайёрлаш

27. Кўз суртмалари асептик (стерил) шароитларда стерил суртмали асосда ушбу Низомнинг 1-иловасидаги 3-жадвалнинг 3.3-бўлимида кўрсатилган талабларига мувофиқ тайёрланади.

Суртмали асос таркибида аралашмалар бўлмаслиги лозим, у нейтрал, стерил, кўзнинг шиллиқ пардаси бўйича бир текис тақсимланадиган бўлиши керак.

Кўз суртмалари оғирлик усули бўйича тайёрланади.

Рецептда ёки талабномада суртмали асоснинг таркиби ҳақида кўрсатмалар бўлмаса, тикловчи моддаларни ўз ичига олмаган вазелин қотишмасидан ва 9:1 нисбатда сувсиз ланолин қотишмасидан фойдаланилади.

28. Кўз суртмаси асосига дори воситалари, эритмалар, суспензиялар турига қараб қўшилади.

Суртма-эритма дори воситаларини стерил суртмали асосда эритган ҳолда тайёрланади.

Суртма-суспензияга дори воситалари стерил ёрдамчи суюқликнинг унча кўп бўлмаган миқдори билан (таркибида дори воситалари 5% гача бўлганда) ёки эриган асоснинг бир қисми (таркибида дори воситалари 5% ва ундан ортиқ бўлганда) диспергирация қилинганидан кейин жуда майда куқун тарзида аралаштирилади.

3-боб. Суюқ дори воситаларини тайёрлаш

1-§. Умумий қоидалар

29. Суюқ дори воситалари жумласига сувли ва сувсиз эритгичлардан фойдаланган ҳолдаги эритмалар, микстуралар, кўп молекуляр моддалар эритмалари, ҳимояланган коллоидларнинг эритмалари, суспензиялар, эмульсия-

лар киради. Суюқ дори воситалари ушбу Низомнинг 1-иловасидаги 4-жадвалда кўрсатилган талабларига мувофиқ тайёрланади.

Суюқ дори воситалари оғирлик-ҳажм усулида, оғирлик ёки ҳажм усулида тайёрланади.

30. Оғирлик-ҳажм усулида кукунсимон дори воситаларининг сувли ва сув-спиртли эритмалари тайёрланади.

31. Оғирлик усули бўйича тайёрланадиган ёпишқоқ ва учувчан эритувчиларда кукунсимон ва суюқ дори воситалари, шунингдек концентрациясидан қатъи назар эмульсиялар, суспензиялар тайёрланади.

Оғирлик усули бўйича қуйидагилар дозаланани:

мой ва минерал-мойлар, глицерин, димексид, полиэтиленгликоли (полиэтиленоксидлар), силикон суюқликлар, эфир, хлороформ, бензилбензоат, валидол, винилин (Шостаковский бальзами), оқ қайин қатрони, ихтиол, сут кислотаси, эфир мойлари, скипидар, метилсалицилат, нитроглицерин, пергидроль.

32. Турли концентрациядаги этил спирти эритмалари, суюқ фармакопея қоришмаларининг (пергидролдан ташқари) эритмалари ҳажм бўйича усулда тайёрланади.

Ҳажм бўйича шунингдек тозаланган сув ва инъекциялар учун сув, дори воситаларининг сувли эритмалари, галенли ва янги галенли дори воситалари (дамламалар, суюқ экстрактлар, адонизид ва бошқалар) дозаланани.

33. Рецепт ёки талабномада тайёрланиши лозим бўлган дори воситаларининг таркибий қисми сифатида «сув» кўрсатилган тақдирда тозаланган сув, «спирт» кўрсатилганда — этил спирти, «эфир» кўрсатилганда — диэтил (тиббий) эфири; «глицерин» кўрсатилганда — таркибида 10 — 16% сув, зичлиги 1,223 — 1,233 г/см куб бўлган тиббий глицерин фойдаланилади.

Агар рецепт ёки талабномада эритувчининг номи кўрсатилмаган бўлса, тозаланган сувдан фойдаланилади.

Суюқ дори воситаларининг умумий ҳажми ёки оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрлари ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 2 — 4-жадвалларида назарда тутилган ҳажм ва оғирликда йўл қўйиладиган оғиш меъёрларидан ошиб кетмаслиги лозим.

2-§. Суюқ дори воситаларини оғирлик-ҳажм усулида тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари

34. Суюқ дори шакли оғирлик-ҳажм усулида тайёрланганда умумий ҳажм дори шаклининг таркибига кирувчи суюқ дори воситалари ва ёрдамчи моддаларнинг, зарур бўлган тақдирда, ушбу Низомнинг 3-иловасида кўрсатилган суюқ дори воситалари ҳамда ёрдамчи моддаларнинг зичлиги кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ҳажмлари йиғиндисига кўра аниқланади.

Оғирлик-ҳажм усулида тайёрланганда суюқ дори шаклларининг умумий ҳажмидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрлари ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 5-жадвалида белгиланган.

Кукунсимон дори воситалари эритилганда суюқ дори шакли умумий ҳажмининг ўзгариши, агар у ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 5-жадвалга мувофиқ оғирлик-ҳажм усулида тайёрлаш чоғида суюқ дори шаклларининг умумий ҳажмида йўл қўйиладиган оғишлар чегарасида бўлса, инobatга олинмайди.

Агар кукунсимон дори воситаларини эритишда суюқ дори шакли ҳажмининг ўзгариши йўл қўйиладиган нормалардан кўп бўлса, кукунларни эритиш чоғида суюқ дори шакли ҳажмининг ўзгариши ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ дори воситаларини ҳажм ошиш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ёки дори шаклини ўлчовли идишда тайёрлаш керак бўлади.

35. Суюқ дори шакллари сувли дисперсион муҳит билан тайёрланган тақдирда биринчи навбатда кукунсимон дори воситалари ва ёрдамчи моддалар эрувчанлиги ҳамда уларнинг ўзаро таъсири эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда бирин-кетин эритиладиган сувнинг (тозаланган ёки хушбўй сувнинг) мўлжалланган ҳажми ўлчанади.

36. Дори воситаларининг эришини тезлаштириш учун дори воситаларини олдиндан майдалаш, эритмани қиздириш, аралаштириш, уйғунлаштириш ва солюбилизация қўлланилади.

37. Кукунсимон дори воситалари эритилганидан кейин эритмалар эритувчининг ва дори воситасининг хоссаларини инobatга олган ҳолда танланган филтёрловчи материалдан ўтказиб филтёрланади.

Кукунсимон дори воситалари ўрнига суюқ дори шаклининг таркибида ушбу Низомнинг 5-иловасида кўрсатилган, олдиндан тайёрлаб қўйилган концентрланган (бюретка ускунасида) эритмалардан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар кукунсимон дори воситалари эритилганидан ва эритма филтёрланганидан кейин қўшилади.

38. Молекуласи таркибида ҳавога учиб кетиши мумкин бўлган талай миқдордаги кристалланган сув мавжуд бўлган дори воситаларининг сувли эритмаларини, шунингдек гигроскопик дори воситаларини тайёрлашда уларнинг концентрланган эритмаларидан фойдаланиш керак бўлади.

39. Дори шаклининг таркибига кирувчи суюқ ингредиентлар сувли эритмага қуйидаги кетма-кетликда қўшилади: сувли ҳавога учиб кетмайдиган ва ҳид чиқармайдиган суюқликлар; сувга аралашиб кетувчи бошқа ҳавога учиб кетмайдиган суюқликлар; сувли ҳавога учиб кетувчи суюқликлар; таркибида этил спирти бўлган суюқликлар унинг қуюқлиги ошиб бориши тартибида; бошқа сувсиз ҳавога учиб кетадиган ва ўткир ҳидли суюқликлар.

3-§. Концентрланган эритмаларни тайёрлаш

40. Концентрланган эритмалар янги олинган тозаланган сувдан фойдаланган ҳолда ўлчовли идишда оғирлик-ҳажм усулида асептик (стерил) шароитларда тайёрланади.

Концентрланган эритмаларнинг концентрациясидаги йўл қўйилиши мум-

кин бўлган оғиш меъёрлари ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 6-жадвалда келтирилган.

41. Тайёрланган концентрланган эритмалар тўлиқ кимёвий назоратдан ўтказилади ва механик аралашмалар йўқлиги нуқтаи назаридан текширилади.

42. Концентрланган эритмали идишлар эритманинг номи ва концентрацияси, тайёрланган санаси, яроқлилиқ муддати, серияси ва таҳлили рақами ҳамда эритмани текширган шахснинг имзоси қўйилган ҳолда расмийлаштирилади. Белгиланган яроқлилиқ муддатидан илгари рангининг ўзгариши, лойқаланиши, қатламлар пайдо бўлиши эритмаларнинг яроксизлиги аломати ҳисобланади.

4-§. Таркибида эритгич сифатида хушбўй сувлар бўлган суюқ дори воситаларини тайёрлаш

43. Хушбўй сувлар ушбу Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган талабларга мувофиқ тайёрланади ва салқин ёруғликдан ҳимояланган жойда сақланади.

44. Хушбўй сувлар ҳажми бўйича дозланади. Оғирлик-ҳажм усулида тайёрлашда суюқ дори шакллариининг умумий ҳажмида йўл қўйиладиган четга чиқишлар ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 5-жадвалида келтирилган.

Рецепт ёки талабномада суюқ дори шаклининг умумий ҳажми кўрсатилганда хушбўй сувнинг ҳажми дори шаклининг умумий ҳажмидан барча суюқ ингредиентлар ҳажмларини айириш йўли билан аниқланади, шунингдек агар ҳажмнинг ўзгариши йўл қўйиладиган нормалардан кўп бўлса, куқунсимон дори воситалари эритилганда ҳажмдаги ўзгариш ҳисобга олинади.

45. Асосий дисперсия муҳити хушбўй сувдан иборат бўлган суюқ дори шакллариини тайёрлашда дори воситаларининг концентрланган эритмаларидан фойдаланилмайди.

5-§. Стандарт фармакопея эритмаларини суюлтириш

46. Кимёвий ном остида ёзиб берилган фармакопея эритмаларини (масалан, формальдегид эритмасини) суюлтиришда асос қилиб олинган дори воситасининг ҳисоб-китоби модданинг эритмадаги ҳақиқий таркибини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Фармакопея эритмаси шартли (масалан, формалин эритмаси) номи остида ёзиб берилганда асос қилиб олинган воситанинг концентрацияси бирлик (100%) деб қабул қилинади.

6-§. Суюқ дори воситаларини сувсиз эритмаларда тайёрлаш

47. Ёпишқоқ ва учувчан эритувчилардаги эритмалар (спиртли эритмалардан ташқари) оғирлик усули бўйича тайёрланади. Умумий оғирлик дори шаклининг таркибига кирувчи барча ингредиентлар жамланган ҳолда аниқланади.

48. Эритмалар ёпишқоқ ва учувчан эритмаларда тайёрланганда дори воситалари, ёрдамчи моддалар бериб юбориш учун бевосита куруқ флаконга дозаланади, сўнгра эритма тарозида тортилади ёки ўлчанади.

49. Ёпишқоқ эритмалардан фойдаланилганда дори воситаларининг физикавий-кимёвий хоссалари инобатга олинган ҳолда қиздириш қўлланилади.

50. Спиртли эритмалар оғирлик-ҳажм усулида тайёрланади. Рецептда ёки талабномада кўрсатилган этил спиртининг миқдори ўлчовнинг ҳажм бирликларига мувофиқ бўлиши керак.

Рецептда ёки талабномада этил спиртининг концентрацияси кўрсатилмаган бўлса, 90%ли этил спиртидан фойдаланилади.

Суюқ сувсиз дори шакллари тайёрлашда этил спирти рецептда ёки талабномада кўрсатилган ҳажмни унинг дори воситалари эритилгандаги кўпайиши қийматига камайтирмаган ҳолда ҳажм бўйича дозаланади. Умумий ҳажм дори шаклининг сифатини назорат қилишда ҳисобга олинади.

Рецептда ёки талабномада эритманинг умумий ҳажми кўрсатилган тақдирда, этил спиртининг ҳажми умумий ҳажмдан барча суюқ ингредиентларнинг ҳажмларини айириш йўли билан аниқланади, шунингдек агар ҳажмнинг ўзгариши ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 5-жадвалида кўрсатилган йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёридан кўп бўлса, кукунсимон дори воситаларини эритиш чоғидаги ҳажмдаги ўзгариш ҳисобга олинади.

51. Агар рецептда ёки талабномада бир неча концентрациялардаги эритма концентрацияси кўрсатилмаган ҳолда кўрсатилган бўлса, энг кам концентрацияли эритма берилади.

52. Сарфланган этил спиртини ҳисобга олиш масса бўйича ушбу Низомнинг 7-иловасидаги 1-2-жадвалларга мувофиқ концентрацияга нисбатан ҳисоблаган ҳолда амалга оширилади.

Стандарт спиртли эритмаларни тайёрлаш услуби ушбу Низомнинг 7-иловасидаги 3-жадвалида келтирилган.

Турли концентрацияли этил спиртини тайёрлаш учун керак бўладиган сув ва этил спиртининг миқдори ушбу Низомнинг 7-иловасидаги 4-жадвалда келтирилган.

7-§. Томизиладиган дори воситаларини тайёрлаш

53. Ҳажми ва концентрациясини сақлаш мақсадида дори воситалари тозаланган сувда эритилади. Олинган эритма сув билан ювилган фильтр орқали филтрланади, сувнинг қолган қисми маълум ҳажм олингунга қадар ўша фильтр орқали филтрланади.

Комбинацияланган эритмаларда (этил спирти, глицерин, мойлар ва бошқа эритувчилар) томизиладиган дори воситаларини тайёрлаш чоғида дори воситаларининг эрувчанлиги ва эритувчининг таркиби, шунингдек стандарт томчи ўлчагич бўйича ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ 20 °C да 5% оғиш меъёрлари билан 1 грамм ҳамда 1 миллилитрдаги томчилар миқдори, суюқ дори воситаларининг 1 томчисининг оғирлиги ҳисобга олинади.

8-§. Ҳимояланган коллоидларнинг эритмаларини тайёрлаш

54. Протаргол, колларгол, ихтиол ҳимояланган коллоидларининг эритмалари оғирлик-ҳажм усулида тайёрланади.

Протаргол эритмалари унинг юзасига тозаланган сувни сепиш ва тўла эриб кетгунча қолдириш йўли билан тайёрланади.

Колларгол эритмалари уни олдиндан майдалаб ва тозаланган сув билан аралаштириб тайёрланади.

Коллоид эритмалар кулсизлантирилган қоғоз (обеззоленная бумага) ёки шиша филтрлар орқали филтрланади.

9-§. Суспензияларни тайёрлаш

55. Суспензиялар ҳовончада ёки турлича конструкциядаги қориштиргичлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Суспензиялар концентрациясидан қатъи назар оғирлиги бўйича тайёрланади.

Суспензиялар ва эмульсияларни қориштиргичларда тайёрлашда барча ингредиентлар аппаратга солинади ва бир хил масса ҳосил бўлгунча қориштирилади. Қориштириладиган вақт дори воситаларининг хоссаларига ҳамда аппаратнинг конструкциясига қараб белгиланади. Дори воситаларини суспензияларга ва эмульсияларга аралаштириш усули уларнинг физикавий-кимёвий хоссаларига кўра белгиланади.

Суспензиялар филтрация қилинмайди.

4-боб. Суртма дориларни тайёрлаш

1-§. Умумий қоидалар

56. Суртмалар консистент хоссаларига қараб суртмаларнинг ўзига, геллар, кремлар, пасталар ва линиментларга бўлинади.

Суртмалар оғирлик бўйича тайёрланади. Суртмаларнинг умумий оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрлари ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 4 ва 7-жадвалларда кўрсатилган.

Суртмалар қориштиргичлар ёки ҳавончада тайёрланади.

57. Суртмаларни тайёрлаш учун ёрдамчи моддалардан: суртмали асослар, консервантлар, антиоксидантлар, шимиш активаторларидан фойдаланилади.

Суртмали асос суртманинг ўзига хос фаоллиги намоён бўлишини таъминлаши, тери функциясини бузмаслиги, аллергия реакциялар келтириб чиқармаслиги, бошқа ножўя таъсирлар кўрсатмаслиги лозим.

Тери ичига киритиладиган, катта яралар ва куйган жойлар устига суртилладиган мазлар асептик (стерил) шароитларда тайёрланади.

2-§. Комбинацияланган суртмаларни тайёрлаш

58. Комбинацияланган суртмаларни тайёрлашда дори воситалари суртмаларнинг асосига дори воситаларининг физикавий-кимёвий хоссаларини инобатга олган ҳолда киритилади.

Комбинацияланган суртмаларни тайёрлашда қўлланиладиган технологик усуллар дори воситаларининг бир-бири билан номақбул ўзаро таъсирининг ёки суртма тайёрланиш ва сақланиш жараёнида қатламланишининг олдини олиши, бир хил масса ҳосил бўлишини таъминлаши керак.

5-боб. Қаттиқ (кукунлар шаклидаги) дори воситаларини тайёрлаш

59. Кукунлар шаклидаги дори воситалари (бундан буён матнда кукунлар деб юритилади):

оддий (битта ингредиентдан таркиб топган);

мураккаб (икки ёки ундан ортиқ ингредиентдан таркиб топган);

дозаланган (алоҳида дозаларга бўлинган);

дозаланмаган (алоҳида дозаларга бўлинмаган) бўлиши мумкин.

60. Кукунлар уларнинг физикавий-кимёвий хоссаларини инобатга олган ҳолда қориштиргичлар ва майдалагичлардан фойдаланиб ёки ҳовончаларда тайёрланади.

Кукунларни тайёрлаш учун аралашма қўл тарозилари ва электрон тарозилардан ёки бир кукун массасига ҳамда уларнинг рецептда ёки талабномада кўрсатилган миқдорига мувофиқ дозаторлардан фойдаланиб дозаларга бўлинади.

Кукуннинг бутун массасига нисбатан 0,05 граммдан кам миқдордаги дори воситалари 1:10 ёки 1:100 тритурация (дори воситаси ва ёрдамчи модда аралашмаси) тарзида фойдаланилади.

61. Кукунлар ҳовончада тайёрланганда кукуннинг умумий массаси ҳовончанинг максимал сифимидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кукунларни майдалаш ва аралаштириш ингредиентларни олдиндан ҳовончада эзилган фармакологик жиҳатдан индифферент ёрдамчи модда ёки дори воситаси билан изчил равишда оз миқдорлардан кўп миқдорлар сари кўпайтириб қўшиб борган ҳолда амалга оширилади.

Қолган ингредиентлар кукунларни тайёрлаш чоғида 1:20 нисбатига риоя этган ҳолда уларнинг массасини кўпайтириб бориш тартибида қўшилади.

Ранг бериш хоссасига эга бўлган дори моддалари ҳовончага кукунларни аралаштиришнинг охириги босқичида ёки ранг бермайдиган дори воситаларининг қатламлари орасига солинади.

Осон майдаланувчи дори воситалари ҳовончага охириги навбатда солинади.

Қийин майдаланувчи дори воситалари (тимол, йод, камфора, ментол, борот кислота ва бошқа моддалар) зарур бўлганда суюқ дори воситасидан

(майдаланадиган модданинг 1 граммига 10 томчи ҳисобидан 95%ли этил спиртидан) фойдаланган ҳолда майдаланади.

Суюқ дори воситалари майдаланган кукун аралашмасига охирги навбатда қўшилади, бунда кукуннинг асосий хоссаси — сочилувчанлиги сақланиб қолиши керак.

62. Кукунлар алоҳида дозаларининг массасида (шу жумладан қадоқлашда) йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрлари ушбу Низомнинг 2-иловасидаги 8-жадвалда кўрсатилган.

6-боб. Тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш

1-§. Умумий қоидалар

63. Тайёрланадиган ва тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

қабул қилиш назорати;

ёзма назорат;

оғзаки назорати;

органолептик назорат;

физикавий назорат;

кимёвий назорат;

тайёрланган дори воситаларини тарқатишдан олдинги назорат.

Барча тайёрланган дори воситалари тарқатиб юбориш чоғида албатта ёзма, органолептик назорат қилиниши шарт.

64. Тайёрланган дори воситаларини, шу жумладан дорихонанинг ўзида ярим тайёр ҳолга келтирилган ва қадоқланган дори воситалари, концентранган эритмалар, тритурациялар, этил спирти тарзидаги воситаларни органолептик, физикавий ва кимёвий назорат қилиш натижалари Рецептлар, талабномалар бўйича тайёрланган ҳамда дорихонанинг ўзида ярим тайёр ҳолга келтирилган дори воситалари, концентранган эритмалар, этил спирти ва дори воситаларининг қадоқлаб қўйиш тарзидаги дори воситаларини органолептик, физикавий ва кимёвий назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қайд этилади.

Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

назоратни амалга ошириш санаси ва тартиб бўйича рақами;

рецептнинг, талабноманинг рақами, уларни берган тиббиёт ташкилотининг номи (мавжуд бўлса);

саноатда ишлаб чиқарилган дори моддасининг серия рақами;

дори воситасининг таркиби: аниқланадиган модда ёки ион (рецептлар бўйича тайёрланган дори шакллари физикавий ёки кимёвий назорат қилишда кўрсатилади);

физикавий, органолептик, сифат назорати (ҳар бири шкала бўйича: ижобий ёки салбий), кимёвий назорат натижалари (сифат ва миқдор тавсифи);

кадоқланган дори воситасини тайёрлаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

тайёрланган дори воситасини текширган шахснинг имзоси;

ёзма назорат натижалари бўйича хулоса: қониқарли ёки қониқарсиз.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда дорихона раҳбарининг имзоси ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланиши керак.

2-§. Қабул қилиш назорати

65. Қабул қилиш назоратида дорихонага дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сифатсиз дори моддалари, шунингдек сифатсиз ўровжойлов материаллари келиб тушишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

Барча келиб тушадиган дори моддалари (улар келадиган манбадан қатъи назар) қабул қилиш назоратидан ўтказилади.

66. Қабул қилиш назорати келиб тушадиган дори воситаларининг «Тавсифи», «Ўров-идиш» кўрсаткичлари бўйича талабларга мувофиқлиги жиҳатидан текширишдан, шунингдек илова қилинган ҳужжатлар, шу жумладан дори воситаларининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текширишдан иборат бўлади.

«Тавсифи» кўрсаткичи бўйича назоратга дори воситасининг ташқи кўри-нишини, агрегат ҳолатини, ранги, ҳидини текшириш киради. Дори воситаларининг сифати хусусида шубҳалар пайдо бўлган тақдирда, намуналар қўшимча синовлар ўтказиш учун аккредитация қилинган синов лабораториясига (марказига) юборилади. Бундай дори воситалари «Қабул қилиш назорати чоғида яроқсиз деб топилди» деган белги қўйилиб, сақлаш хонасининг карантин зонасида бошқа дори воситаларидан алоҳида сақланади.

«Ўров-идиш» кўрсаткичи бўйича текшириш чоғида унинг бутунлигига ва дори воситаларининг физикавий-кимёвий хоссаларига мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Барча таъсир этувчи моддалар (субстанциялар) сақлаш хоналарида (зоналарида) бутунлигича махсус контейнерларда сақланиши, контейнерлар очилганидан кейин эса, ассистентликда жиҳозланиши мумкин бўлган махсус ажратилган тоза хоналарда (зоналарда) — тоза (ювилган ва стерилланган) ва тегишлича маркировка қилинган штангласларда сақланиши керак.

Сақлаш хоналарида сақланаётган таъсир қилувчи моддалар (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар солинган барча штангласларда уларнинг номи, ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарувчи заводнинг серия рақами, аттестация қилинган лабораториянинг тахлили рақами, яроқлилик муддати, штанглас тўлдирилган сана ва уни тўлдирган шахснинг имзоси қайд этилиши керак.

Ассистентликда таъсир этувчи моддалар (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар солинган барча штангласларда тўлдирилган санаси, тўлдирган ва модданинг айнанлигини текширган шахснинг имзоси бўлиши керак.

Эритмалар, дамламалар ва суюқ ярим фабрикатлар турган штангласлар зарурат бўлганда нормал каплемирлар ёки пипеткалар билан таъминланади. Муайян ҳажмдаги томчилар сони тарозида тортиб аниқланади ва штангласларда қайд этилади. Суюқ дори воситаларининг ҳарфлар билан ёзиб стандарт томчиларда кўрсатилган оз миқдорларини тегишли суюқлик бўйича калибрланган эмпирик каплемир (кўз пипетки) билан ўлчаш керак бўлади.

3-§. Ёзма назорат

67. Дори воситалари тайёрланганда, шу жумладан рецептлар ва талабномалар бўйича, шунингдек дорихона ички тайёрлови тарзида тайёрланганда ёзма назорат паспорти тўлдирилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) дори воситаси тайёрланган сана;
- б) рецептнинг ёки талабноманинг рақами;
- в) олинган дори воситалари, уларнинг миқдори, дозалар сони;
- г) тайёрланган дори воситасини тайёрлаган, қадоқлаган ва текширган шахснинг имзоси.

Ёзма назорат паспорти дори воситаси тайёрланганидан кейин дарҳол, дори моддалари технологик операцияларнинг кетма-кетлигига мувофиқ лотин тилида кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Ёзма назорат паспортлари дори воситалари тайёрланган кундан эътиборан икки ой мобайнида сақланади.

68. Дори воситасини тайёрлаш учун барча ҳисоб-китоблар дори воситасини тайёрлашдан олдин амалга оширилади ва ёзма назорат паспортига ёзиб қўйилади.

Агар дори воситаси айни бир шахс томонидан тайёрланса ва берилса, ёзма назорат паспорти дори воситасини тайёрлаш жараёнида тўлдирилади.

69. Тайёрланган дори воситалари, уларни тайёрлашга доир рецептлар ва талабномалар, тўлдирилган ёзма назорат паспортлари текшириш учун дори воситаларини тайёрлаш ва бериш чоғида назорат вазифасини бажарувчи фармацевтга (провизорга) топширилади.

Назорат ёзма назорат паспортидаги ёзувларнинг рецептда ёки талабномада тайинланган мақсадга мувофиқлигини, амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширишдан иборат бўлади.

Агар тайёрланган дори воситасининг сифати фармацевт-аналитик томонидан тўлиқ кимёвий назоратдан ўтказилган бўлса, ёзма назорат паспортига кимёвий таҳлил рақами ва фармацевт-аналитикнинг имзоси қўйилади.

4-§. Оғзаки назорат

70. Оғзаки назорат оралатиб танлаб амалга оширилади ва фармацевт томонидан кўпи билан бешта дори шакллари тайёрланганидан кейин ўтказилади.

Оғзаки назорат ўтказилганда назорат вазифасини амалга оширувчи

фармацевт томонидан дори воситасининг таркибига биринчи кирувчи дори моддаси айтилади, мураккаб таркибли дори воситаларида унинг миқдори ҳам кўрсатилади, шундан сўнг фармацевт томонидан бошқа барча фойдаланиладиган дори моддалари ва уларнинг миқдори кўрсатилади. Концентрланган эритмалардан фойдаланилган тақдирда фармацевт томонидан уларнинг таркиби ва концентрацияси ҳам кўрсатилади.

5-§. Органолептик назорат

71. Органолептик назорат назоратнинг мажбурий тури ҳисобланади ва дори шаклини ташқи кўриниши, ҳиди, туси, аралашганликнинг бир хиллиги, суяқ дори шаклларида механик аралашмаларнинг йўқлиги бўйича текширишдан иборат бўлади. Болалар учун мўлжалланган дори шакллари оралатиб танлаб таъми жиҳатидан текширилади.

Куқунлар, суртмалар, суппозиторларнинг бир хиллиги ҳар бир фармацевтда иш куни мобайнида тайёрланган дори шаклларининг барча турларини инобатга олган ҳолда оралатиб танлаб текширилади.

Органолептик назорат натижалари дори воситаларига доир рецептлар, тиббиёт муассасаларининг талабномалари бўйича тайёрланган дори воситаларини ҳамда дорихона ичида ҳозирлаб қўйилган ярим тайёр маҳсулот, концентрланган эритмалар, этил спирти ва дори воситаларини қадоқлаб қўйиш тарзида тайёрланган дори воситаларини органолептик, физикавий ҳамда кимёвий назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қайд этилади.

6-§. Физикавий назорат

72. Физикавий назорат дори шаклларининг умумий массаси ёки ҳажмини, дори шаклининг таркибига кирувчи алоҳида дозаларнинг (камида учта дозанинг) сони ва массасини текширишдан иборат.

Физикавий текшириш доирасида, шунингдек тайёрланган воситани тикинлаш сифати ҳам текширилади.

Рецептлар, талабномалар бўйича тайёрланган дори шакллари иш куни мобайнида тайёрланган дори шаклларининг барча турларини инобатга олган ҳолда оралатиб танлаб, лекин уларнинг бир кунги миқдорининг камида 3 фоизи физикавий назорат қилиниши керак.

Дорихона ички тайёрлови тарзида тайёрланган дори шакллари ҳар бир сериянинг камида учта ўров-идиш миқдорида физикавий назорат қилиниши керак.

73. Физикавий назорат натижалари рецептлар, талабномалар бўйича тайёрланган ҳамда дорихона ичида ҳозирлаб қўйилган ярим тайёр маҳсулот, концентрланган эритмалар, этил спирти ва дори воситаларини қадоқлаб қўйиш тарзида тайёрланган дори воситаларини органолептик, физикавий ва кимёвий назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қайд этилади.

7-§. Кимёвий назорат

74. Кимёвий назорат дори воситаларини тайёрлаш сифатини қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолашдан иборат:

сифат таҳлили: дори моддаларининг чинлиги;

миқдор таҳлили: дори моддасини миқдорий аниқлаш.

Сифат таҳлили натижалари рецептлар, талабномалар асосида ва дорихона ичида ҳозирлаб қўйилган ярим тайёр маҳсулот, концентрланган эритмалар, этил спирти ҳамда дори воситаларини қадоқлаш тарзида тайёрланган дори воситаларини органолептик, физикавий ва кимёвий назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида, шунингдек дори воситаларининг чинлигини назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қайд этилади.

75. Қуйидагилар мажбурий тартибда сифат таҳлилидан ўтказилади:

а) тозаланган сув ва инъекциялар учун сув ҳар куни ҳар бир баллондан, сув водопровод орқали берилганда — ҳар бир иш ўрнида хлоридлар, сульфатлар ва кальций тузлари йўқлиги нуқтаи назаридан. Стерил эритмалар тайёрлаш учун мўлжалланган инъекция учун сув, шунингдек тикловчи-қайтарувчи моддалар, аммоний тузлари ва диоксид углероди йўқлиги нуқтаи назаридан ҳам текширилиши керак;

б) сақлаш хоналаридан дори препаратлари тайёрланадиган хоналарга келиб тушадиган барча дори воситалари ва концентрланган эритмалар;

в) дорихонага келиб тушадиган дори воситалари, уларнинг сифати хусусида шубҳа пайдо бўлган тақдирда;

г) дори воситалари тайёрланадиган хонада турган концентрланган эритмалар, бюретка ускунасида ва пипеткали штангласлардаги суюқ дори воситалари, уларни тўлдириш чоғида;

д) саноатда ишлаб чиқарилган қадоқланган дори воситалари.

Тозаланган сув ва инъекциялар учун сув ҳар чоракда тўлиқ сифат ва миқдор таҳлилидан ўтказилиши керак.

76. Тозаланган сув ва инъекциялар учун сув кимёвий таҳлилдан ўтказилганда тозаланган сувни, инъекциялар учун сувни назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

а) сув олинган (ҳайдалган) сана;

б) сувни назорат қилиш санаси;

в) ўтказилган кимёвий таҳлил рақами;

г) таҳлил учун сув олинган баллон ёки бюретка рақами;

д) аралашмалар йўқлиги нуқтаи назаридан назорат қилиш натижалари;

е) рН муҳитининг кўрсаткичлари;

ж) сув таҳлили натижалари тўғрисидаги хулоса (қониқарли /қониқарсиз);

з) таҳлилни ўтказган шахснинг имзоси.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва муассаса раҳбарининг имзоси ҳамда ташкилотнинг (юқори турувчи ташкилотнинг) муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

77. Фармацевт томонидан иш куни давомида тайёрланган турли дори шаклларининг дори воситалари оралатиб танлаб, лекин ҳар бир фармацевт томонидан тайёрланган дори воситалари умумий миқдорининг камида 10 фоизи сифат таҳлилидан ўтказилиши лозим.

78. Бюретка ускунасидаги, штангласлардаги ва пипеткали штангласлардаги дори воситаларининг чинлиги кимёвий назоратдан ўтказилганда Дори воситаларини чинлиги нуқтаи назаридан назорат қилиш натижаларини қайд этиш журналида қўйидаги маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади:

- а) бюретка ускунаси, штанглас тўлдирилган сана;
- б) кимёвий таҳлилнинг тартиб рақами;
- в) дори воситасининг номи;
- г) дори воситаларини ишлаб чиқарувчининг дори воситаси серияси рақами ёки таҳлил рақами;
- д) тўлдириладиган штанглас рақами;
- е) аниқланаётган модда (ион);
- ж) «+ (мусбат)» ёки «- (манфий)» шкаласи бўйича назорат натижалари;
- з) тўлдирган ва тўлганлигини текширган шахсларнинг имзоси.

Журналнинг бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда дорихона ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

79. Қўйидагилар мажбурий тартибда сифат ва миқдор таҳлилидан (тўлиқ кимёвий назоратдан) ўтказилади:

а) инъекциялар ва инфузиялар учун барча эритмалар стерилизациядан олдин, изотониклиги ва барқарорлаштирувчи моддаларнинг рН қиймати аниқланади. Инъекциялар ва инфузиялар учун эритмалар стерилизациядан кейин рН кўрсаткичи, фаол моддаларнинг чинлиги ва миқдор таркиби бўйича текширилади; стабилизаторлар стерилизациядан кейин сифатни назорат қилиш соҳасидаги ҳужжатда назарда тутилган тақдирдагина текширилади;

б) сиртки қўллаш учун стерил эритмалар (намлаш учун офтальмологик эритмалар, қўйган юзалар ва очиқ яраларни даволаш учун эритмалар, интравагинал киритиш учун ва бошқа стерил эритмалар);

в) янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун мўлжалланган барча дори шакллари;

г) атропин сульфат ва хлористоводород кислотаси эритмалари (ички қўллаш учун), кумуш нитрат эритмалари;

д) барча концентранган эритмалар;

е) дорихона ичида тайёрланган ҳар бир сериядаги ярим тайёр маҳсулот тарзидаги дори воситалари;

ж) инъекциялар ва инфузиялар учун эритмалар тайёрлашда қўлланиладиган стабилизаторлар, кўз томчиларини тайёрлашда қўлланиладиган буфер эритмалар;

з) этил спиртининг концентрацияси эритилганда, шунингдек дорихона-

га келиб тушганида этил спиртининг сифати хусусида шубҳа пайдо бўлган тақдирда;

и) бир сменада ишланганда рецептлар ва талабномалар бўйича камида 8 та дори шакли миқдорида тайёрланган дори шакллари, дори шакллари-нинг ҳар хил турларини инобатга олган ҳолда.

8-§. Стерил эритмалар сифатини назорат қилишга доир талаблар

80. Стерил эритмаларни тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш ушбу Низомга, Давлат фармакопеяси талабларига ёки сифат назорати соҳасидаги бошқа ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади.

81. Инъекцион ва венага юбориладиган инфузион дори воситаларини, инъекциялар учун сувни бактериал эндотоксинлар ёки пирогенлар йўқлиги жиҳатидан назорат қилиш аттестациядан ўтказилган лабораторияларда бир йилда икки марта оралатиб танлаб амалга оширилади.

Стериллиги бўйича талаблар қўйиладиган инъекцион, вена ичига киритиладиган инфузион дори воситаларини, офтальмологик ва бошқа дори воситаларини стериллиги жиҳатидан назорат қилиш белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган лабораторияларда ҳар ойда оралатиб танлаб амалга оширилади.

82. Стерил эритмалар стерилизациядан олдин ва кейин уларда механик аралашмалар йўқлиги нуқтани назаридан назорат қилинади.

Ҳаракатланадиган эримайдиган ёт моддалар механик аралашмалар ҳисобланади, дори воситаларининг эритмаларида тасодифий равишда учрайдиган газ кўпикчалари бундан мустасно.

Бир вақтнинг ўзида идишлардаги эритмалар ҳажми ва уларнинг тикинланиши сифати текширилиши керак.

83. Стерил эритмалар тайёрланиши жараёнида механик аралашмалар бор-йўқлиги жиҳатидан бирламчи ва иккиламчи назоратдан ўтказилиши керак.

Бирламчи назорат тайёрланган эритма филтрланганидан ва қадоқланганидан кейин амалга оширилади.

Механик аралашмалар аниқланган тақдирда эритма қайтадан филтрланади, яна кўздан кечирилади, тикинланади, маркировкаланади ва стерилланади.

Асептик (стерил) тайёрланган эритмалар қадоқлаш ёки стерилловчи филтрлашдан кейин бир марта кўздан кечирилади.

Эритмали идишлар бирламчи ва иккиламчи назоратдан тўлиқ ўтказилади.

84. Эритмаларни механик аралашмалар йўқлиги жиҳатидан назорат қилиш ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ назорат шартлари ва техникасига риоя этган ҳолда фармацевт-технолог томонидан амалга оширилади.

Идишларни кўздан кечириш учун қуёш нурлари тўғридан-тўғри туши-

шидан пана қилинган, махсус жиҳозланган иш ўрни бўлиши керак, оқ-қора экран ва махсус қурилмаларни (УК-2) қўллашга йўл қўйилади.

Идишнинг ҳажмига қараб бир вақтнинг ўзида биттадан бештагача кўздан кечиради.

85. Инъекциялар учун эритмалар улар физикавий-кимёвий кўрсаткичларга номувофиқ бўлганда; кўринарли механик аралашмалар бўлганда; стериллиги бўйича талабга мос бўлмаганда; тиқиннинг маҳкамлиги бузилганда; флаконларнинг тўлдирилиши ҳажми етарли бўлмаганда қоникарсиз деб топилади.

86. Инъекциялар учун эритмалар солинган шиша идишлар тиқинланганидан кейин металл жетонлардан фойдаланган, номи ва концентрацияси кўрсатилган ҳолда қопқоғига ёзиб қўйиш ёки штамп босиш йўли билан маркировка қилинади.

87. Инъекциялар учун эритмалар таркибига кирувчи моддаларнинг физикавий-кимёвий хоссаларига ва белгиланган яроқлилиқ муддатига мувофиқ сақланиши керак.

9-§. Тайёрланган дори воситаларини тарқатишдан олдинги назорати

88. Барча тайёрланган дори воситалари тарқатишдан олдин назоратдан ўтказилади, унинг доирасида қуйидагиларга мослиги текширилади:

а) дори воситаси ўров-идишининг унинг таркибига кирувчи дори моддаларининг физикавий-кимёвий хоссаларига мослиги;

б) рецепт, талабнома реквизитларининг тайёрланган дори воситасининг ўров-идишида кўрсатилган маълумотларга мослиги;

в) тайёрланадиган дори воситаларини расмийлаштириш ушбу Низомнинг 7-боби талабларига мослиги.

Кўрсатиб ўтилган номувофиқликлардан бирортаси аниқланган тақдирда, тайёрланган дори воситаси тарқатилмайди.

7-боб. Тайёрланадиган дори воситалари ва тиббий буюмларни расмийлаштириш

89. Дори воситалари тайёрлангандан кейин улар расмийлаштирилиши зарур.

90. Тайёрланадиган дори воситаларини расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларининг хавфсизлиги умумий техник регламентига мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Тиббий буюмларни тайёрлаш

91. Тиббий буюмлар қуйидаги шартларни инобатга олган ҳолда тайёрланади:

буюмларни тайёрловчи тақдим этадиган йўриқномалар ва ахборотга мувофиқ улардан белгиланган мақсадига кўра фойдаланилганда (ишлатилганда) улар хавфсизликни таъминлаши ҳамда беморлар, фойдаланувчилар ёки бошқа шахсларнинг соғлиғига хавф туғдирмаслиги;

сақлаш ва ташиш чоғида уларнинг хусусиятлари сақланиб қолиши;

беморлар, фойдаланувчилар ва бошқа шахсларнинг касал юқтириши хавфини, шунингдек буюмларнинг ўз контаминтацияси хавфини истисно этиш ёки мумкин қадар камайтириш.

92. Тиббий буюмларнинг техник хусусиятлари ва функционал хоссалари тиббий буюмнинг тайёрловчи томонидан кўрсатилган хизмат муддати мобайнида ташқи омиллар таъсири остида ёмонлашмаслиги ҳамда тайёрловчининг фойдаланишга доир йўриқномасига мувофиқ шароитларда нормал фойдаланилган тақдирда беморларнинг, фойдаланувчиларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига хавф туғдирмаслиги лозим.

93. Агар тиббий буюмлар дори воситаларини киритиш (қуйиш) учун мўлжалланган бўлса, улар белгиланган мақсадига, дори воситаларини қўллаш ва сақлаш шароитларига мувофиқ тиббий буюмларнинг функционал хоссаларини инобатга олган ҳолда ана шу дори воситалари билан ўзаро мос келадиган бўлиши керак.

9-боб. Яқуний қоидалар

94. Ушбу Низом қоидаларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

95. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 26 март

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларининг таркиби, яроқлилик муддати, сақлаш шароитлари ва стерилизация РЕЖИМЛАРИ

Инъекцион ва инфузион эритмалар

1-жадвал

Т/р	Тайёрланадиган дори воиста-сининг номи	Таркиби	Яроқлилик муддати (қун-лик) 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)
	1	2	3	4	5
1.	Анальгиннинг 25%, 50% ли эритмалари	Анальгин 250 г, 500 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
2.	Атропин сульфатнинг 1%, 2,5%, 5% ли эритмалари	Атропин сульфат 0,1 г, 0,25 г, 0,5 г 0,1 м хлорид кислота эритмаси — 0,1 мл Инъекция учун сув 10 мл гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
3.	«Ацесоль» эритмаси	Натрий ацетат 2 г Натрий хлорид 5 г Калий хлорид 1 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
4.	Инъекция учун сув		30		120 °С 8 дақ.
5.	Глицериннинг 10% ли эритмаси	Глицерин (сувсиз) 100 г Натрий хлорид 9 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
6.	Глюкозанинг 5%, 10%, 20%, 25% ли эритмалари	Глюкоза 50 г, 100 г, 200 г, 250 г 0,1 м хлорид кислотасининг эритмаси рН 3,0-4,1 гача Натрий хлорид 0,26 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
7.	Дибазолнинг 0,5%, 1% ли эритмалари	Дибазол 5 г, 10 г 0,1 м хлорид кислотаси 10 мл Инъекция учун сув 1 л гача	60		120 °С 8 дақ.
8.	Димедролнинг 1%, 2% ли эритмалари	Димедрол 10 г, 20 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
9.	«Дисоль» эритмаси	Натрий хлорид 6 г Натрий ацетат 2 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
10.	Қон ўрнини босувчи Петров суюқлиги	Натрий хлорид 15 г Калий хлорид 0,2 г Кальций хлорид 1 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
11.	Калий хлориднинг 0,5%, 1%, 3%, 5%, 7,5%, 10% ли эритмалари	Калий хлорид 5 г, 10 г, 30 г, 50 г, 75 г, 100 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
12.	Кальций хлориднинг 0,25%,	Кальций хлорид 2,5 г, 5 г, 10 г, 50 г, 100 г	30		120 °С 8 дақ.

Т/р	Тайёрланадиган дори воиста-сининг номи	Таркиби	Яроқлилик муддати (кун-лик) 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)
	1	2	3	4	5
	0,5%, 1%, 5%, 10% ли эритмалари	Инъекция учун сув 1 л гача			
13.	Кальция глюконатнинг 10% ли эритмалари	Кальций глюконат 100 г Инъекция учун сув 1 л гача	7		120 °С 8 дақ.
14.	«Квартасоль» эритмаси	Натрий гидрокарбонат 1 г Натрий ацетат 2,6 г Натрий хлорид 4,75 г Калий хлорид 1,5г. Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
15.	Аминокапрон кислотасининг 5% ли эритмаси	Аминокапрон кислота 50 г Натрий хлорид 9 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
16.	Аскорбин кислотасининг 5%, 10% ли эритмалари	Аскорбин кислотаси 50 г, 100 г Натрий гидрокарбонат 23,85 г, 47,70 г Натрий сульфит (сувсиз) 2 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
17.	Бор кислотасининг 2% ли эритмаси	Бор кислотаси 20 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
18.	Глутамин кислотасининг 1% ли эритмаси	Глутамин кислотаси 10 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
19.	Никотин кислотасининг 1% ли эритмаси	Никотин кислотаси 10 г Натрий гидрокарбонат 7 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
20.	Кофеин натрий бензоатнинг 10%, 20% ли эритмалари	Кофеин бензоат натрий 100 г, 200 г 0,1 м Натрий ишқорининг эритмаси 4 мл Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
21.	Натрий бромиднинг 5%, 10%, 20% ли эритмалари	Натрий бромид 50 г, 100 г, 200 г, Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
22.	Натрий гидрокарбонатнинг 3%, 4%, 5%, 7% ли эритмалари	Натрий гидрокарбонат 30 г, 40 г, 50 г, 70 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
23.	Натрий гидроцитратнинг 4%, 5%, 6% ли эритмалари	Натрий гидроцитрат 40 г, 50 г, 60 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
24.	Натрий йодиднинг 5% эритмаси	Натрий йодид 50 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
25.	Натрий парааминосалицилатнинг 3% ли эритмаси	Натрий парааминосалицилат 30 г Натрий сульфит 5 г Инъекция учун сув 1 л гача	7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
26.	Натрий салицилатнинг 3%, 10% ли эритмалари	Натрий салицилат 30 г, 100 г Натрий метабисульфит 1 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.

Т/р	Тайёрланадиган дори воиста-сининг номи	Таркиби	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)
	1	2	3	4	5
27.	Натрий хлориднинг 0,9%, 10% ли эритмалари	Натрий хлорид 9 г, 100 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
28.	Натрий цитратнинг 4%, 5% ли эритмалари	Натрий цитрат 40 г, 50 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
29.	Никотинамиднинг 1%, 2,5%, 5% ли эритмалари	Никотинамид 10 г, 25 г, 50 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
30.	Новокаиннинг 0,25%, 0,5%, 1%, 2% ли эритмалари	Новокаин 2,5 г, 5 г, 10 г, 20 г 0,1 м хлорид кислотасининг эритмаси рН 3,8-4,5 гача Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
31.	Новокаиннинг 2%, 5%, 10% ли эритмалари	Новокаин 20 г, 50 г, 100 г 0,1 м хлорид кислотасининг эритмаси 4 мл, 6 мл, 8 мл Натрий тиосульфат 0,5 г Инъекция учун сув 1 л гача	90	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
32.	Папаверин гидрохлориднинг 2% ли эритмаси	Папаверин гидрохлорид 20 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
33.	Рингер эритмаси	Натрий хлорид 9 г Калий хлорид 0,2 г Кальций хлорид 0,2 г Натрий гидрокарбонат 0,2 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
34.	Рингер-ацетат эритмаси	Натрий хлорид 5,26 г Натрий ацетат 4,10 г Кальций хлорид 0,28 г Магний хлорид 0,14 г Калий хлорид 0,37 г Суялтирилган хлорид кислотаси (8%) 0,2 мл Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
35.	Рингер-Локк эритмаси	Натрий хлорид 9 г Калий хлорид 0,2 г Кальций хлорид 0,2 г Натрий гидрокарбонат 0,2 г Глюкоза 1 г Инъекция учун сув 1 л гача	30 (ҳар бир эритманинг сақлаш муддати 30 кун)		120 °С 8 дақ.
36.	Эванс кўки 5% ли эритмаси	Эванс кўки (сувсиз) 5 г. Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
37.	Тримекаиннинг 0,25%, 0,5%, 1%, 2% ли эритмалари	Тримекаин 2,5 г, 5 г, 10 г, 20 г Натрий хлорид 9 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
38.	«Трисоль» эритмаси	Калий хлорид 1 г Натрий хлорид 5 г Натрий гидрокарбонат 4 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
39.	Фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси	Фурацилин 0,2 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.

Т/р	Тайёрланадиган дори воистагининг номи	Таркиби	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)
	1	2	3	4	5
40.	«Хлосоль» эритмаси	Калий хлорид 1,5 г Натрий хлорид 4,75 г Натрий ацетат 3,6 г Инъекция учун сув 1 л гача	30		120 °С 8 дақ.
41.	Этакридин лактатнинг 0,1% ли эритмаси	Этакридин лактат 1 г Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
42.	Эуфиллиннинг 2,4% ли эритмаси	Эуфиллин 24 г Инъекция учун сув 1 л гача	2	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.
43.	Атропин сульфатнинг 0,1% ли эритмаси	Атропин сульфат 1 г 0,1 м хлорид кислотаси 10 мл Инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.
44.	Магний сульфатнинг 20%, 25% эритмалари	Магний сульфат 200 г, 250 г Янги қайнатилган инъекция учун сув 1 л гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.

Изоҳ: эритмаларни автоклавда стерилизациялаш вақти эритманинг ҳажмига қараб белгиланади.

Эритманинг ҳажми	Ҳарорати °С	Стериллаш вақти (дақиқа)
100 мл гача	120	8
101 мл дан 500 мл гача	120	Камида 12
501 дан 1000 мл гача	120	Камида 15

Янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларга қўллаш учун мўлжалланган дори воситалари (эритмалар ва мойлар)

2-жадвал

Т/р	Эритманинг номи ва концентрацияси	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
	1	2	3	4	5
2.1. Ичиш учун мўлжалланган эритмалар					
1.	Тозаланган сув	30		120 °С 8 дақ.	
2.	Глюкозанинг 5%, 10%, 25% ли эритмалари	30		120 °С 8 дақ.	Стабилизаторсиз тайёрланади
3.	Глюкозанинг 5% — 100 мл эритмаси Аскорбин кислотаси 1 г	5	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Янги қайнатилган тозаланган сувда тайёрланади. Қадоқлаш жараёнида эритма идишнинг юқори қисмигача тўлдирилади.
4.	Глюкозанинг 10%, 20% — 100 мл эритмалари Глютамин кислотаси 1 г	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	

Т/р	Эритманинг номи ва концентрацияси	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
	1	2	3	4	5
5.	Дибазолнинг 0,01% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	
6.	Димедролнинг 0,02% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Димедрол эритмаси фақат 0,02 концентрациясида ва 10 мл дан қадоқланади. Туғруқхона шароитида димедрол эритмаси қўлланилишида унинг МНС таъсири ва интоксикацияни ривожланишини кучайтириш эҳтимоли юқорилиги инобатга олинади.
7.	Калий ацетатнинг 0,5% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	
8.	Калий йодиднинг 0,5% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Эритма қадоқланишида 20 мл дан ошмаслиги лозим.
9.	Кальций глюконатнинг 1%, 3%, 5% ли эритмалари	7		120 °С 8 дақ.	Қайноқ сувда эритилади.
10.	Кальций лактатнинг 3%, 5% ли эритмалари	30		120 °С 8 дақ.	Дори воситаси намлик даражаси ҳисобга олиб тайёрланади.
11.	Кальций хлориднинг 3% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	Эритмалар тайёрланишида 10 — 50 % концентрациядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.
12.	Аскорбин кислотасининг 1% ли эритмаси	5	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Янги қайнатилган тозаланган сувда тайёрланади. Қадоқлаш жараёнида эритма идишнинг юқори қисмигача тўлдирилади.
13.	Глютамин кислотасининг 1% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
14.	Никотин кислотасининг 0,05% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
15.	Хлорид кислотасининг 1% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	Хлорид кислотасининг барча концентрациясидаги эритмалари 8,2 — 8,4% суюлтирилган хлорид кислотасидан тайёрланади. У ҳолда эритманинг концентрацияси 100 % деб ҳисобланади.
16.	Кофеин натрий бензоатнинг 1% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	
17.	Эритма: Кофеин натрий бензоат 0,25 г ёки 0,5 г. Натрий бромид 0,5 г ёки 1 г Тозаланган сув 100 мл гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	

Т/р	Эритманинг номи ва концентрацияси	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
	1	2	3	4	5
18.	Эритма: Лимон кислотаси 1 г, Натрий гидроцитрат 5 г, Тозаланган сув 100 мл гача	30		120 °С 8 дақ.	
19.	Магний сульфатнинг 5%, 10% ли эритмалари	30		120 °С 8 дақ.	
20.	Натрий бромиднинг 1% ли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	
21.	Натрий хлориднинг 0,9% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
22.	Эритма: Новокаин 0,5 г, 0,1 м хлорид кислота эритмасининг — 0,3 мл, Тозаланган сув 100 мл гача	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
23.	Пиридоксин гидрохлориднинг 0,2% ли эритмаси	30		120 °С	
24.	Эуфиллиннинг 0,05%, 0,5% ли эритмалари	15		120 °С 8 дақ.	
2.2. Суюқ эритмалар ва сиртқи ишлатилиш учун мўлжалланган мойлар					
25.	Бриллиант кўкининг 1% спиртгли эритмаси	2 йил			Очилган флакон белгиланган яроқлилик муддатигача ишлатилади.
26.	Калий перманганатнинг 5% ли эритмаси	2	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитда тайёрланади	Эритма стерилланган тозаланган сувда тайёрланади ва стерилланган идишларга қуйилади.
27.	Колларголнинг 2% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитда тайёрланади	Эритма стерилланган тозаланган сувда тайёрланади ва стерилланган идишларга қуйилади.
28.	Натрия тетраборатнинг 10% глицеринли эритмаси	30		120 °С 8 дақ.	
29.	Перекис водороднинг 3% ли эритмаси	15	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитда тайёрланади	Эритма стерилланган тозаланган сувда тайёрланади ва стерилланган идишларга қуйилади. Полиэтилен қопқоқлар билан бураб ёпиладиган қопқоқлар билан беркитилади.
30.	Фурацилин 0,02 г, Натрий хлорид 0,9 % ёки 10% эритмалари 100 мл гача	30		120 °С 30 дақ.	

Т/р	Эритманинг номи ва концентрацияси	Яроқлилик муддати (кунлик) 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда	Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
	1	2	3	4	
31.	Этакридин лактатнинг 0,1% ли эритмаси	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 30 дақ.	
32.	Шафтоли мойи	30	Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда	180 °С 30 дақ.	Мой 50 мл ҳажмдаги қон учун мўлжалланган шиша идишларга стерилланади, ИР-21 маркали резина қопқоқлар билан сиқиб беркитилади. 25 П маркали резина қопқоқлар (қизил рангдаги) тавсия этилмайди.
33.	Зайтун мойи	30	Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда	180 °С 30 дақ.	
34.	Кунгабоқар мойи	30	Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда	180 °С 30 дақ.	
35.	Вазелин мойи	30	Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда		
2.3. Кукунлар					
36.	Димедрол 0,005 г, Сахароза 0,2 г	30	Махсус қоғозларда (воцанных) ва қоғоз қутиларида қуруқ ва ёруғлик тушмайдиган жойда сақланади	Асептик шароитида тайёрланади.	
37.	Эуфиллин 0,003 г, Сахароза 0,2 г	20		Асептик шароитида тайёрланади.	Эуфиллин қўшилган кукунларга сахарозани глюкозага алмаштириш таъқиқланади.

Кўз томчилари ва офталмологик эритмалар, кўз томчиларини тайёрлашда қўлланиладиган концентратлар, кўз суртмалари

3-жадвал

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилизация режимлари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	3 — 5 °С ҳароратда			
1	2	3	4	5	6	
3.1. Кўз томчилари ва офталмологик эритмалар						
1.	Атропин сульфатнинг 0,25%, 0,5%, 1% ли эритмалари Таркиби: Атропин сульфат 0,025 г, 0,05 г, 0,1 г,		30		100 °С 30 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
	Натрий хлорид 0,088 г, 0,085 г, 0,08 г, Тозаланган сув 10 мл гача					
2.	Гоматропин гидробро- миднинг 0,5%, 1% ли эритмалари Таркиби: Гоматропин гидробромид 0,05 г, 0,1 г, Натрий хлорид 0,082 г, 0,074 г Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
3.	Дикаиннинг 0,25%, 0,5%, 1% ли эритмалари Таркиби: Дикаин 0,025 г, 0,05 г, 0,1 г, Натрий хлорид 0,085 г, 0,081 г, 0,072 г Тозаланган сув 10 мл		30		100 °С 30 дақ.	
4.	Дикаиннинг 0,5%, 1%, 2%, 3% ли эритмалари Таркиби: Дикаин 0,05 г, 0,1 г, 0,2 г, 0,3 г, Натрий хлорид 0,081 г, 0,072 г, 0,053 г, 0,035 г, Натрий тиосульфат 0,005 г, Тозаланган сув 10 мл гача	120	0,5%-90 1%-30		120 °С 8 дақ.	Дикаин эритмаси 0,5% стабилизатор- сиз тайёрланади. Дикаин эритмасини 2% и 3% музлат- кичда сақлаш мумкин эмас
5.	Дикаин 0,05 г, Рух сульфат 0,05 г, Бор кислотасининг 2%-10 мл эритмаси	30	30		120 °С 8 дақ.	
6.	Дикаин 0,05 г, Рух сульфат 0,05 г, Резорцин 0,05 г, Бор кислотасининг 2% — 10 мл эритмаси	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Резорцинни дикаин, бор кислотаси, цинк сульфат қўшилган эритмасига Стерилизация қилиниб, совутилгандан сўнг асептик шароитида резорцин қўшилади
7.	Димедрол 0,02 г, Бор кислотасининг 2% — 10 мл эритмаси		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
8.	Калий йодиднинг 3% ли эритмаси	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
9.	Кальций хлориднинг 3% ли эритмаси	30			120 °С 8 дақ.	
10.	Аскорбин кислотаси 0,02 г, Натрий хлорид 0,086 г, Янги қайнатилган тозаланган сувда 10 мл	2	7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
11.	Колларголнинг 2%, 3% ли эритмалари Таркиби : Колларгол 0,2 г, 0,3 г, Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитида	Эритмани чўкмалардан тозаланган қоғоз фильтр орқали фильтрлаш мумкин
12.	Левомецетин 0,2% ли эритмаси Таркиби : Левомецетин 0,02 г. Натрий хлорид 0,09 г. Тозаланган сув 10 мл	7	7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
13.	Левомецетин 0,01 г. Бор кислотасининг 2% эритмаси — 10 мл	7	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
14.	Левомецетин 0,02 г. Рух сульфат 0,03 г. Резорцин 0,05 г; Бор кислотасининг 2% — 10 мл эритмаси		15	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Левомецетин, бор кислотаси ва рух сульфат сақловчи эритма стерилиза- ция қилиниб, сови- тилгандан сўнг, асептик шароитида резорцин қўшилади
15.	Мезотон 0,02 г. Бор кислотасининг 2% — 10 мл эритмаси	7	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
16.	Мезотоннинг 1%, 2% ли эритмалари Таркиби : Мезотон 0,1 г, 0,2 г. Натрий хлорид 0,062 г, 0,034 г. Тозаланган сув 10 мл		7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
17.	Мезотоннинг 1% ли эритмаси Таркиби : Мезотон 0,1 г. Натрий хлорид 0,056 г. Натрий метабисульфит 0,01 г. Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
18.	Натрий гидрокарбонат 0,05 г. Натрий тетраборат 0,05 г. Натрий хлорид 0,04 г. Тозаланган сув 10 мл	30	30		120 °С 8 дақ.	
19.	Натрий йодиднинг 3% ли эритмаси	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
20.	Натрий йодид 0,4 г. Кальций хлорид 0,4 г. Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
21.	Новокаиннинг 1% ли эритмаси Таркиби : Новокаин 0,1 г. Натрий хлорид 0,072 г. Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
22.	Новокаин 0,05 г, Рух сульфат 0,02 г, Резорцин 0,1 г, Бор кислотасининг 1% — 10 мл эритмаси	10	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Новокаин, бор кислотаси ва рух сульфат сақловчи эритма стерилиза- ция қилиниб, сови- тилгандан сўнг, асептик шароитида резорцин қўшилади
23.	Новокаин 0,05 г, Рух сульфат 0,02, Резорцин 0,1 г, Бор кислотаси 0,1 г, Адреналин гидрохлориднинг 0,1% ли эритмаси — 10 томчи, Тозаланган сув 10 мл	10	20	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Новокаин, бор кислотаси ва рух сульфат сақловчи эритма стерилиза- ция қилиниб, сови- тилгандан сўнг, асептик шароитида резорцин қўшилади
24.	Пилокарпин гидрохло- риднинг 1%, 2%, 4%, 6% ли эритмалари Таркиби: Пилокарпин гидрохлорид 0,1 г, 0,2 г, 0,4 г, 0,6 г, Натрий хлорид 0,068 г, 0,046 г, Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
25.	Пилокарпин гидрохлорид 0,1 г, Бор кислотасининг 2% эритмаси — 10 мл		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
26.	Пилокарпин гидрохлорид 0,1 г, Адреналин гидрохлорид- нинг 0,1% — 10 мл эритмаси	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
27.	Рибофлавиннинг 0,02% ли эритмаси Таркиби : Рибофлавин 0,002 г. Натрий хлорид 0,09 г. Тозаланган сув 10 мл	90	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
28.	Рибофлавин 0,001 г. Аскорбин кислотаси 0,03 г. Бор кислотаси 0,2 г. Янги қайнатилган тозаланган сув 10 мл	2	7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
29.	Рибофлавин 0,002 г. Аскорбин кислотаси 0,02 г. Глюкоза 0,2 г. Натрий хлорид 0,05 г. Янги қайнатилган тозаланган сув 10 мл	2	7	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
30.	Рибофлавин 0,002 г. Натрий хлорид 0,09 г. Цитралнинг 0,01% ли эритмаси — 10 мл	2	5	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Рибофлавин, натрий хлорид сақловчи эритма стерилизация қили- ниб, совутилгандан сўнг, асептик шароитида цитрал эритмаси қўшилади
31.	Рибофлавин 0,002 г. Калий йодид 0,2 г. Глюкоза 0,2 г. Трилон Б 0,003 г. Тозаланган сув 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
32.	Рибофлавин 0,002 г. Калий йодид 0,2 г. Глюкоза 0,2 г. Трилон Б 0,003 г. Метилцеллюлозанинг 1% ли эритмаси — 10 мл	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
33.	Рибофлавин 0,002 г. Аскорбин кислотаси 0,02 г. Глюкоза 0,2 г. Натрий метабисульфит 0,03 г. Трилон Б 0,003 г. Тозаланган сув 10 мл	7	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
34.	Рибофлавин 0,002 г. Аскорбин кислотаси 0,02 г. Глюкоза 0,2 г. Натрий метабисульфит 0,01 г. Трилон Б 0,003 г. Метилцеллюлозанинг 1% ли эритмаси — 10 мл	7	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
35.	Скополамин гидробро- миднинг 0,1%, 0,25% ли эритмалари Таркиби : Скополамин гидробромид 0,01 г, 0,025 г, Натрий хлорид 0,09 г, 0,087 г, Тозаланган сув 10 мл		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
36.	Сульфацил-натрий эритмаси Таркиби : 20% ли Сульфацил-натрий 2 г, Натрий метабисульфит 0,05 г, 0,1 м Натрий ишқори эритмаси 0,18 мл Тозаланган сув 10 мл гача		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
37.	Сульфацил-натрийнинг 10%, 20%, 30% ли эритмалари Таркиби : Сульфацил- натрий 1 г, 2 г, 3 г, Натрий тиосульфат 0,015 г, Хлорид кислота эритмаси 1 м — 0,035 мл Тозаланган сув 10 мл гача	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Эритмани янги туғилган чақалоқлар кўзига инстиляция учун қўллаш мумкин
38.	Физостигмин салицил- латнинг 0,25% ли эритмаси Таркиби : Физостигмин салицилат 0,025 г. Никотин кислотаси 0,003 г. Натрий метабисульфит 0,003 г. Натрий хлорид 0,08 г. Тозаланган сув 10 мл гача	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
39.	Фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси Таркиби : Фурацилин 0,002 г, Натрий хлорид 0,085 г, Тозаланган сув 10 мл гача	30	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
40.	Рух сульфат 0,025 г, Бор кислотасининг 2% ли эритмаси — 10 мл	30			120 °С 8 дақ.	
41.	Рух сульфат 0,03 г, Новокаин 0,1 г, Бор кислотасининг 2% ли эритмаси — 10 мл		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
42.	Рух сульфат 0,025 г, Димедрол 0,03 г, Бор кислотасининг 2% ли эритмаси — 10 мл		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
43.	Цитралнинг 0,01% ли эритмаси — 10 мл, Натрий хлорид 0,09 г	2	5	Ёруғлик тушмайдиган жойда		Натрий хлориднинг 0,9% стерил эрит- масида асептик шароитда тайёрланди
44.	Офтальмологик тузли эритма, Таркиби : Натрий хлорид 5,30 г, Калий хлорид 0,75 г, Кальций хлорид (сувсиз) 0,48 г, Натрий ацетат (сувсиз) 3,90 г, Глюкоза (сувсиз) 0,80 г, Суюлтирилган хлорид	30		Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	Кўзнинг микрохирургик операцияларда қўлланилади

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
	кислотаси (8%) 0,05 мл, Тозаланган сув 1 литргача					
45.	Тузли офтальмологик эритмаси (магний хлорид билан) Таркиби : Натрий хлорид 5,30 г, Калий хлорид 0,75 г, Кальций хлорид (сувсиз) 0,48 г, Натрий ацетат (сувсиз) 3,90 г, Глюкоза (сувсиз) 0,80 г, Магний хлорид (сувсиз) 0,30 г, Суюлтирилган хлорид кислотаси (8%) 0,05 мл, Тозаланган сув 1 литргача	30			120 °С 8 дақ.	Кўз микрохирургик операцияларда ишлатилади
3.2. Кўз томчиларини тайёрлашда қўлланиладиган концентратлар						
46.	Калий йодиднинг 20% ли эритмаси	30		Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
47.	Аскорбин кислотасининг 2%, 5%, 10% ли эритмалари	5	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Янги қайнатилган тозаланган сувда тайёрланади. Қадоқлаш жараёни- да эритма идиш- нинг юқори қисми- гача тўлдирилади
48.	Бор кислотасининг 4% ли эритмаси	30			120 °С 8 дақ.	
49.	Натрий тиосульфатнинг 1% ли эритмаси	30			100 °С 30 дақ.	
50.	Рибофлавиннинг 0,02% ли эритмаси	90	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	120 °С 8 дақ.	
51.	Рибофлавин 0,02 г, Аскорбин кислотаси 2 г ёки 10 г, Янги қайнатилган тозаланган сув 100 мл гача	5	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	Янги қайнатилган тозаланган сувда тайёрланади. Қадоқлаш жараёни- да эритма идиш- нинг юқори қисми- гача тўлдирилади
52.	Рибофлавин 0,02 г, Борат кислотаси 4 г, Тозаланган сув 100 мл гача	30		Ёруғлик тушмайдиган жойда	100 °С 30 дақ.	
53.	Рибофлавин 0,02 г, Никотин кислотаси 0,1 г, Тозаланган сув 100 мл гача	30			100 °С 30 дақ.	
54.	Рух сульфатнинг 1%, 2% ли эритмаси	30			120 °С 8 дақ.	

Т/р	Номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (вақти ва ҳарорати)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳарорат- да	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
55.	Цитралнинг 0,02% ли эритмаси		2	Ёруғлик тушмайдиган жойда		Асептик шароитда стерилланган, тозаланган сувда тайёрланади
3.3. Кўз суртмалари						
56.	Кўз суртмалари учун асос* 100 г, Таркиби: Ланолин сувсиз 10 г, Вазелин кўз суртмалар учун 90 г	2	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
57.	Пилокарпин суртмаси 1%, 2%, Таркиби: Пилокарпин гидрохлорид 0,1 г, 0,2 г, Кўз суртма асоси 10 г		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитда тайёрланади	
58.	Тиамин суртмаси 0,5%, 1% Таркиби: Тиамин бромид 0,05, 0,1 г, Кўз суртма асоси 10 г		30	Ёруғлик тушмайдиган жойда	Асептик шароитда тайёрланади	
59.	Танин суртмаси 1%, 5%	20			Асептик шароитда тайёрланади	Танинни оз микдордаги сувда эритилади ва стерил асос (вазелин) билан аралаштирилади

*Изоҳ: * кўз суртмалари учун асосни тайёрлаш учун сувсиз ланолин ва вазелиннинг кўз суртмалари учун мўлжалланган турини чинни идишига солиб аралаштирилади, сув хаммомида қиздириш йўли билан олинади. Эритилган асос бир неча қават докадан ўтказилиб, стерилланган қуруқ шиша идишларга қадоқланади, пергамент қоғоз билан ўралиб, суртма ҳажмидан келиб чиқиб, ҳаво стерилизаторида 180 °С да 30 — 40 дақиқа ёки 200 °С да 15 — 20 дақиқа стерилизация қилинади.*

Бошқа турдаги дори воситалари

4-жадвал

Т/р	Дори воситасининг номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (ҳаро- рати, вақти)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
4.1. Микстуралар ва ичиш учун мўлжалланган суяқ эритмалар						
1.	Микстура Таркиби : Валерианна илдизи ва илдизпояси 10 г, Ялпиз барглари 4 г — 200 мл, Натрий бромид 3 г, Кофеин натрий бензоат 0,4 г, Магний сульфат 0,8 г		10	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
2.	Термописс ўти дамламаси 0,6 г — 200 мл Натрий гидрокарбонат ва Натрий бензоат 4 г дан		10	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
3.	Хлорид кислотанинг 1% — 100 мл, эритмаси Пепсин 2 г		10	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
4.	Хлорид кислотанинг 1 %, 2% ли эритмалари	10				
5.	Калий йодиднинг 0,25% ли эритмаси	10		Қўнғир шиша идиш- да, ёруғлик тушмайдиган жойда		
6.	Новокаиннинг 0,25 %, 0,5% ли эритмалари	10		Қўнғир шиша идиш- да, ёруғлик тушмайдиган жойда		
7.	Магния сульфатнинг 10%, 25%, 33%, 50% ли эритмалари	15				
8.	Кальция хлориднинг 5%, 10% ли эритмалари	10				
9.	Рингер эритмаси Таркиби: Натрий хлорид 0,9 г, Натрий гидрокарбанат Калий хлорид ва Кальций хлорид 0,02 г дан, Тозаланган сув 100 мл гача	5	10			
10.	Ялпизли сув (мятная вода)	15-20				
11.	Укропли сув	30				
4.2. Микстура ва суяқликлар тайёрлаш учун концентратлар						
12.	Аммоний хлориднинг 20% ли эритмаси	15				
13.	Гексаметилентетрамин- нинг 10%, 20%, 40% ли эритмалари	20				
14.	Глюкозанинг 10%, 50% ли эритмалари	4	10			

Т/р	Дори воситасининг номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (ҳаро- рати, вақти)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
15.	Калий бромиднинг 20% ли эритмаси	20		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
16.	Калий йодиднинг 20% ли эритмаси	15		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
17.	Кальций хлориднинг 20% ли эритмаси	10				
18.	Кальций хлориднинг 50% ли эритмаси	30				
19.	Хлорид кислотасининг 10% ли эритмаси	30				
20.	Кофеин натрий бензоат- нинг 5% ли эритмаси	7	15			
21.	Кофеина натрий бензоат- нинг 20% ли эритмаси	20				
22.	Натрия бензоатнинг 10% ли эритмаси	20				
23.	Натрий бромиднинг 20% ли эритмаси	20		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
24.	Натрий гидрокарбонат- нинг 5 % ли эритмаси	4	10	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
25.	Натрий салицилатнинг 40 % ли эритмаси	20		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
4.3. Сиртқи қўллаш учун суюқ дори воситалари ва бурун томчилари						
26.	Бор кислотасининг 2% — 10 мл эритмаси Адреналин гидрохлорид эритмаси 0,1% — 10 томчи	10	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
27.	Колларголнинг 3% ли эритмаси	30		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
28.	Протарголнинг 2% ли эритмаси	30		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
29.	0,25% Люголниг глицеринли эритмаси Таркиби : Йод 0,25 г. Калий йодид 0,5 г. Глицерин 98,5 г. Тозаланган сув 0,75 мл	30		Қўнғир шиша идишда, ёруғлик тушмайдиган жойда		
30.	20 % Натрий тетраборатнинг глицеринли эритмаси Таркиби : Натрий тетраборат 20 г, Глицерин 80 г	30				
31.	Водород пероксиднинг 3% ли эритмаси Водород пероксид (27,5 — 40%) — 7,5 дан 11 гача (6,8 — 9,9 мл)		2 йил	Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда		

Т/р	Дори воситасининг номи	Яроқлилик муддати (кунлик)		Сақлаш шароитлари	Стерилиза- ция режим- лари (ҳаро- рати, вақти)	Изоҳ
		25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда	3 — 5 °С ҳарорат- да			
	1	2	3	4	5	6
	Водород пероксиднинг соф миқдори эътиборга олинади. Натрий бензоат 0,05 г, Тозаланган сув 100 мл гача					
32.	Фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси	20		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
4.4. Сиртқи қўллаш учун мўлжалланган эритмалар, бурун томчилари, кукунлар ва суртмаларни тайёрлаш учун ярим тайёр маҳсулотлар						
33.	Димедролнинг 1% ли эритмаси	20		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
34.	Бор кислотасининг 2% ли эритмаси	15	30			
35.	Натрий тиосульфатнинг 60% ли эритмаси	15				
36.	Натрий хлориднинг 0,9% ли эритмаси	7	15			
37.	Этакридин лактатнинг 0,2%, 0,1%, 0,05%, 0,02% ли эритмалари	15				
38.	Рух оксиди ва Талк тенг миқдорда	30				
39.	Ксероформ сепиладиган кукун (присыпка) (чақалоқлар учун)	15		Асептик шароитда тайёрланади	180 °С 30 мин.	Сепиладиган кукун сақланадиган идишлар оғзи очиқ ҳолда хаво стерилизаторларида стерилизация қилинади, Асептик шароитда шиша идишларга стерил тикинлар билан беркитилади.
40.	Фурацилиннинг 0,2 % ли суртмаси Таркиби : Фурацилин 0,2 г, Вазелин мойи 0,6 г, Вазелин 99,2 г	2	30	Ёруғлик тушмайдиган жойда		
41.	Ланолин сувли, Вазелин тенг миқдорда Таркиби : Ланолин (сувсиз) 168 г, Вазелин 240 г, Тозаланган сув 72 мл	15		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
42.	Ланолин сувли Таркиби: Ланолин сувсиз 70 г, Тозаланган сув 30 г	15		Ёруғлик тушмайдиган жойда		
43.	Ланолин сувсиз, Кунгабоқар мойи Тозаланган сув тенг миқдорда	5		Ёруғлик тушмайдиган жойда		

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Дорихоналарда дори воситаларини тайёрлашда йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш МЕЪЁРЛАРИ

pH кўрсаткични аниқлаш

1-жадвал

Аниқлаш усули	pH бирликларининг аниқланишида йўл қўйиладиган оғишнинг энг юқори меъёри	
	pH 1-2 оралиғида	pH 0,3 — 0,7 оралиғида
Потенциометрик усули	0,6	0,05
Индикатор қоғози билан	1	0,3

Изоҳ: pH кўрсаткичи аниқлашда тозаланган ёки инъекция учун сувга солиштирилади.

Оғирлик-ҳажм усулида тайёрланадиган суюқ дори воситалари таркибидаги алоҳида ўлчаб олинган қуруқ дори моддаларининг оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш МЕЪЁРЛАРИ

2-жадвал

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
0,02 гача	± 20
0,02 дан 0,1 гача	± 15
0,1 дан 0,2 гача	± 10
0,2 дан 0,5 гача	± 8
0,5 дан 0,8 гача	± 7
0,8 дан 1,0 гача	± 6
1,0 дан 2,0 гача	± 5
2,0 дан 5,0 гача	± 4
5,0 дан юқори	± 3

**Оғирлик усули билан тайёрланадиган суюқ дори турларининг умумий
оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш
МЕЪЁРЛАРИ**

3-жадвал

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
10,0 гача	± 10
10,0 дан 20,0 гача	± 8
20,0 дан 50,0 гача	± 5
50,0 дан 150,0 гача	± 3
150,0 дан 200,0 гача	± 2
200,0 дан юқори	± 1

**Оғирлик усулида тайёрланадиган суюқ дори турлари ва суртмалар
таркибидаги алоҳида ўлчаб олинган қуруқ дори моддаларининг
оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш
МЕЪЁРЛАРИ**

4-жадвал

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
0,1 гача	± 20
0,1 дан 0,2 гача	± 15
0,2 дан 0,3 гача	± 12
0,3 дан 0,5 гача	± 10
0,5 дан 0,8 гача	± 8
0,8 дан 1,0 гача	± 7
1,0 дан 2,0 гача	± 6
2,0 дан 10,0 гача	± 5
10,0 дан юқори	± 3

**Оғирлик-ҳажм усули билан суюқ дори турлари тайёрланганда
уларнинг умумий ҳажмида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш
МЕЪЁРЛАРИ**

5-жадвал

Кўрсатилган ҳажми, мл	Оғиш меъёри, %
10 гача	± 10
10 дан 20 гача	± 8
20 дан 50 гача	± 4
50 дан 150 гача	± 3

Кўрсатилган ҳажми, мл	Оғиш меъёри, %
150 дан 200 гача	± 2
200 дан юқори	± 1

Изоҳ: мазкур оғиш меъёрлари суюқ дори турлари концентратлардан ёки қуруқ дори моддалардан тайёрланган бўлишидан қатъи назар қўлланилади.

Концентрланган эритмаларда йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш МЕЪЁРЛАРИ

6-жадвал

Дори воситалари таркиби (%)	Оғиш меъёри (белгиланган % дан)
20 % гача	± 2% кўп эмас
20 % дан юқори	± 1% кўп эмас

Суртмаларнинг умумий оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш МЕЪЁРЛАРИ

7-жадвал

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
5,0 гача	± 15
5,0 дан 10,0 гача	± 10
10,0 дан 20,0 гача	± 8
20,0 дан 30,0 гача	± 7
30,0 дан 50,0 гача	± 5
50,0 дан 100,0 гача	± 3
100,0 дан юқори	± 2

Кукун дори моддаларнинг алоҳида ўлчаб олинган оғирлигида йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш МЕЪЁРЛАРИ

8-жадвал

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
0,1 гача	± 15
0,1 дан 0,3 гача	± 10
0,3 дан 1,0 гача	± 5
1,0 дан 10,0 гача	± 3

Кўрсатилган оғирлиги, г	Оғиш меъёри, %
10,0 дан 100,0 гача	± 3
100,0 дан 250,0 гача	± 2
250,0 дан юқори	± 0,3

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Сууюқ дори воситалари ва ёрдамчи моддаларнинг зичлик КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Дори воситасининг номи	Зичлиги, г/см ³ (г/мл)
1.	Бензилбензоат	1,048
2.	Валидол	0,894 — 0,907
3.	Винилин (Шостаковский бальзами)	0,903 — 0,921
4.	Глицерин	1,223 — 1,233
5.	Қайин қатрони (дёготь)	0,925 — 0,950
6.	Димексид	1,101
7.	Буров сууюқлиги	1,036 — 1,040
8.	Сууюлтирилган хлорид кислота (8,2 — 8,4%)	1,038 — 1,039
9.	Хлорид кислотаси (24,8 — 25,2%)	1,122 — 1,124
10.	Сууюлтирилган сирка кислотаси (29,5 — 30,5%)	1,038 — 1,039
11.	Сирка кислотаси (98%)	1,055
12.	Вазелин мойи	0,875 — 0,890
13.	Канакунжут мойи (касторовое масло)	0,948 — 0,968
14.	Бодом мойи (миндальное масло)	0,913 — 0,918
15.	Қалампирялпиз мойи (масло мяты перечной)	0,900 — 0,910
16.	Шафтоли мойи (персиковое масло)	0,914 — 0,920
17.	Кунгабоқар мойи (подсолнечное масло)	0,920 — 0,930
18.	Тозаланган терпентин мойи (скипидар)	0,855 — 0,863
19.	Эвкалипт мойи	0,910 — 0,930
20.	Метилсалицилат	1,178 — 1,185
21.	Валериана настойкаси	0,920
22.	Далачой (Зверобой) настойкаси	0,970
23.	Марваридгул (Ландыш) настойкаси	0,910
24.	Аччиқ қалампир (струч. перец) настойкаси	0,858
25.	Эрмон ўти (Польнь) настойкаси	0,910
26.	Арслонқуйруқ (Пустырник) настойкаси	0,910
27.	Эвкалипт настойкаси	0,910
28.	Новшадил арпабодиён (Нашатырно-анисов.) томчиси	0,875
29.	Пергидроль (27,5 — 30,0%)	1,096 — 1,105
30.	Полиэтиленгликоль 400 (полиэтиленоксид)	1,125
31.	Аммиак сууюқлиги (9,5 — 10,5%)	0,956 — 0,959

Т/р	Дори воситасининг номи	Зичлиги, г/см ³ (г/мл)
32.	Қўрғошин ацетатнинг (Ацетат свинца основной) суюқлиги	1,223 — 1,228
33.	Треска балиғининг мойи	0,917 — 0,927
34.	Шакар қиёми (сироп)	1,301 — 1,313
35.	Гулхайри (Алтей) қиёми	1,322 — 1,327
36.	Камфора спирти 10%	0,884 — 0,888
37.	Этил спирти 40%	0,949 — 0,9512
38.	Этил спирти 70%	0,885 — 0,887
39.	Этил спирти 90%	0,827 — 0,831
40.	Этил спирти 95%	0,809 — 0,813
41.	Формалин	1,078 — 1,093
42.	Хлороформ	1,474 — 1,483
43.	Тиббиёт эфири	0,714 — 0,717

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Дори воситаларининг ҳажм ошиш КОЭФФИЦИЕНТИ

Т/р	Дори воситасининг номи	Сувли эритмалар, мл/г	Спиртли эритмалар		Сувли суспензиялар, мл/г
			мл/г	спиртнинг концентрацияси, %	
1.	Амизил	0,80	0,89	70	
2.	Аминокапрон кислотаси	0,79			
3.	Аммоний хлорид	0,72			
4.	Ацетилсалицил кислота		0,72	90	
5.	Анальгин	0,68	0,67	30	
6.	Анестезин		0,85	70, 90, 96	
7.	Антипирин	0,85	0,88	70	
8.	Аскорбин кислотаси	0,61			
9.	Барбамил	0,76			
10.	Барбитал		0,77	70	
11.	Барбитал-натрий	0,64			
12.	Бензилпенициллин натрийли тузи	0,68			
13.	Борат кислота	0,68	0,65	70, 90, 96	
14.	Бромкамфора		0,80	70	
15.	Висмут гидроксинитрат				0,19
16.	Гексаметилентетрамин	0,78	0,79	70, 90	
17.	Глюкоза (сувсиз)	0,64			
18.	Глюкоза (10% намлик билан)	0,69			
19.	Глютамин кислотаси	0,62			
20.	Дибазол	0,82	0,86	30	
21.	Дикаин	0,86			
22.	Димедрол	0,86	0,87	70, 90, 96	

Т/р	Дори воситасининг номи	Сувли эритмалар, мл/г	Спиртли эритмалар		Сувли суспензиялар, мл/г
			мл/г	спиртнинг концентрацияси, %	
23.	Желатин	0,75			
24.	Желатоза	0,73			
25.	Изониазид	0,72			
26.	Йод		0,22	70, 90, 96	
27.	Йод (калий йодид эритмасида)	0,23			
28.	Калий бромид	0,27	0,36	70	
29.	Калий йодид	0,25			
30.	Калий перманганат	0,36			
31.	Калий хлорид	0,37			
32.	Кальций глицерофосфат				0,46
33.	Кальций глюколат	0,50			
34.	Кальций лактат	0,67			
35.	Кальций карбонат				0,38
36.	Кальций хлорид	0,58			
37.	Камфора		1,03	70, 90, 96	
38.	Карбамид	0,73			
39.	Колларгол	0,61			
40.	Краxмал	0,68			0,67
41.	Кофеин-натрий бензоат	0,65			
42.	Кумуш ацетат	0,18			
43.	Левомецетин		0,66	70, 90, 96	
44.	Лимон кислотаси	0,62			
45.	Магний сульфат	0,50			
46.	Магний оксид				0,34
47.	Мезатон	0,77			
48.	Ментол		1,10	70, 90, 96	
49.	Метилурацил				0,69*
50.	Метилцеллюлоза	0,61			
51.	Натрий ацетат	0,71			
52.	Натрий ацетат (сувсиз)	0,52			
53.	Натрий бензоат	0,60			
54.	Натрий бромид	0,26	0,30	70	
55.	Натрий йодид	0,38			
56.	Натрий гидрокарбонат	0,30			
57.	Натрий гидроцитрат	0,46			
58.	Натрий нитрат	0,38			
59.	Натрий нитрит	0,37			
60.	Натрий нуклеинат	0,55			
61.	Натрий пара-аминосалицилат	0,64			
62.	Натрий салицилат	0,59			
63.	Натрий сульфат (крис.ҳолида)	0,53			
64.	Натрий тетраборат	0,47			
65.	Натрий тиосульфат	0,51			
66.	Натрий хлорид	0,33			
67.	Натрий цитрат	0,48			
68.	Новокаин	0,81	0,81	70, 90	
69.	Новокаинамид	0,83			
70.	Норсульфазол	0,65			
71.	Норсульфазол-натрий	0,71			
72.	Олтинггурт				0,48**

Т/р	Дори воситасининг номи	Сувли эритмалар, мл/г	Спиртли эритмалар		Сувли суспензиялар, мл/г
			мл/г	спиртнинг концентрацияси, %	
73.	Осарсол				0,59
74.	Осарсол (натрий гидрокарбонат эритмасида)				
75.	Оқгил (белая глина)				0,39
76.	Папаверин гидрохлорид	0,77	0,81	30	
77.	Пепсин	0,61			
78.	Пилокарпин гидрохлорид	0,77			
79.	Пиридоксин гидрохлорид	0,71			
80.	Поливинилпирролидон	0,81			
81.	Поливинил	0,77			
82.	Проторгол	0,64			
83.	Резорцин	0,79	0,77	70, 90, 96	
84.	Рух сульфат (кристалл ҳолида)	0,41			
85.	Рух оксиди				0,21
86.	Салицил кислота		0,77	70, 90, 96	
87.	Сахароза	0,63			
88.	Спазмолитин	0,86			
89.	Стандарт қуруқ адонис экстракти (концентрати) 1:1	0,60			
90.	Стандарт қуруқ гулхайри экстракти (концентрати) 1:1	0,61	0,61	12	
91.	Стрептоцид				0,60
92.	Стрептомицин сульфат	0,58			
93.	Эрувчан стрептоцид	0,54			
94.	Сулгин				0,65
95.	Сульфадимезин				0,68
96.	Сульфацил-натрий	0,62	0,65	70	
97.	Тальк				0,34
98.	Танин	0,65	0,60	70,90,96	
99.	Тиамин бромид	0,61			
100.	Тримекаин	0,89			
101.	Тимол		1,01	70, 90, 96	
102.	Уросульфан				0,66
103.	Кристал фенол	0,90			
104.	Фетанол	0,79			
105.	Фталазол				0,65
106.	Хинин гидрохлорид	0,81			
107.	Хлоралгидрат	0,76	0,59	70, 90, 96	
108.	Хлорамин Б	0,61			
109.	Холин хлорид	0,89			
110.	Эритромицин		0,84	70	
111.	Этазол				0,65
112.	Этазол натрий	0,66			
113.	Этилморфин гидрохлорид	0,76			
114.	Эуфиллин	0,70	0,71	12	
115.	Эфедрин гидрохлорид	0,84			
116.	Қўрғошин ацетат	0,30			

Изоҳ: ҳажм ошиши коэффициентини 1 г дори ёки ёрдамчи модда 20 °С ҳароратда эритилганда эритманинг ҳажми неча мл га кўпайишини кўрсатади (мл/г).

* — 30% спиртдаги суспензия.

** — 70, 90, 96 % спиртдаги суспензия.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Дорихона муассасаларида бюретка ёрдамида ўлчаш учун тавсия этилган концентранган эритма ва суюқ дори воситаларининг РЎЙХАТИ

Т/р	Эритма ва суюқ дори воситасининг номи	Концентрацияси, %	Яроқлилик муддати (кунлик)	
			25 °С	3 — 5 °С
1.	Аммоний хлорид	20	15	
2.	Барбитал-натрий	10	10	
3.	Гексаметилентетрамин*	10, 20, 40	4	10
4.	Сувсиз глюкоза	5	2	
5.	Сувсиз глюкоза	10, 20, 40, 50	4	10
6.	Калий бромид*	20	20	
7.	Калий йодид*	20	15	
8.	Кальций хлорид	5, 10, 20	10	
9.	Кальций хлорид	50	30	
10.	Аскорбин кислотаси*	5	5	
11.	Хлорид кислотаси	10 (1 : 10)	30	
12.	Кофеин — натрий бензоати	5	7	15
13.	Кофеин — натрий бензоати	20	20	
14.	Магний сульфат	10, 25, 50	15	
15.	Натрий бензоат	10	20	
16.	Натрий бромид*	20	20	
17.	Натрий гидрокарбонат	5	4	10
18.	Натрий салицилат*	40	20	
19.	Хлоралгидрат*	10	5	
20.	Хлоралгидрат*	20	15	
21.	Валериана экстракти (концентрати)*	1 : 2		
22.	Адонис экстракти (концентрати)*	1 : 2		
23.	Арслонқуйруқ экстракти (концентрати)*	1 : 2		
24.	Тозаланган сув		3	
25.	Ялпизли сув (мятная вода)		15, 20	
26.	Укроп суви		30	

Изоҳ: * ёруғлик тушмайдиған жойда сақланади.

**1 литр концентрланган эритмани тайёрлаш учун
айрим дори воситаларининг
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Дори воситасининг номи	Концентрацияси, %	Зичлиги г/мл	Миқдори	
				дори воситаси (г)	тозланган сув (мл)
1.	Аммоний хлорид	20	1,055	200,0	855
2.	Барбитал натрий	10	1,035	100,0	935
3.	Гексаметилентетрамин	10	1,021	100,0	921
4.	Гексаметилентетрамин	20	1,042	200,0	842
5.	Гексаметилентетрамин	40	1,088	400,0	688
6.	Глюкоза (сувсиз)	5	1,018	50,0	968
7.	Глюкоза (сувсиз)	10	1,034	100,0	934
8.	Глюкоза (сувсиз)	20	1,068	200,0	868
9.	Глюкоза (сувсиз)	40	1,150	400,0	749
10.	Глюкоза (сувсиз)	50	1,186	500,0	685
11.	Калий бромид	20	1,144	200,0	944
12.	Калий йодид	20	1,148	200,0	848
13.	Кальций глюконат	10	1,044	100,0	944
14.	Кальций хлорид	5	1,020	50,0	970
15.	Кальций хлорид	10	1,041	100,0	941
16.	Кальций хлорид	20	1,078	200,0	878
17.	Кальций хлорид	50	1,207	500,0	707
18.	Аскорбин кислотаси	5	1,018	50,0	968
19.	Борат кислотаси	3	1,008	30,0	978
20.	Борат кислотаси	4	1,010	40,0	970
21.	Кофеин натрий бензоат	10	1,034	100,0	934
22.	Кофеин натрий бензоат	20	1,073	200,0	873
23.	Магний сульфат	10	1,048	100,0	948
24.	Магний сульфат	20	1,093	200,0	893
25.	Магний сульфат	25	1,116	250,0	866
26.	Магний сульфат	50	1,221	500,0	721
27.	Натрий бензоат	10	1,038	100,0	938
28.	Натрий бромид	20	1,149	200,0	949
29.	Натрий гидрокарбонат	5	1,033	50,0	988
30.	Натрий салицилат	10	1,030	100,0	940
31.	Натрий салицилат	20	1,083	200,0	883
32.	Натрий салицилат	40	1,160	400,0	760
33.	Сульфацил натрий	20	1,072	200,0	872
34.	Сульфацил натрий	30	1,108	300,0	808
35.	Хлоралгидрат	20	1,086	200,0	886

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Хушбўй сувлар тайёрланишида қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

Т/р	Таркиби	Тайёрланиш услуби
1.	Укроп суви 0,005% (сақланиши 30 кундан ошмаслиги керак) Арпабодиён мойи 0,05 г Тозаланган сув 1 л гача	Асептик шароитда белгиланган мой миқдори сув билан эригунга қадар 1 дақиқа давомида тўхтовсиз аралаштирилади.
2.	Ялпиз суви 0,044% (сақланиши 15 кундан ошмаслиги керак) Қалампирялпиз мойи 0,44 г Тозаланган сув 1 л гача	

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

СПИРТЛИ ЭРИТМАЛАР

Турли хил ҳажм концентрациядаги этил спиртининг (мл) 95% этил спиртининг қанча миқдорига (г) тўғри келиши (+20 °С да)

1-жадвал

Ҳажм									
Спирт миқдори % ҳажмда	5	10	15	20	25	30	40	50	100
95	4,06	8,11	12,17	16,23	20,29	24,34	32,46	40,57	81,14
90	3,84	7,69	11,53	15,37	19,22	23,06	30,75	30,44	76,07
80	3,42	6,83	10,25	13,66	17,08	20,50	27,33	34,16	68,32
70	2,99	5,98	8,97	11,95	14,94	17,93	23,91	29,89	59,77
60	2,56	5,13	7,69	10,26	12,82	15,38	20,51	25,64	51,28
50	2,14	4,27	6,41	8,54	10,68	12,81	17,08	21,35	42,70
40	1,71	3,41	5,12	6,83	8,53	10,24	13,65	17,07	34,13
30	1,28	2,56	3,84	5,12	6,40	7,68	10,24	12,30	25,60
20	0,85	1,70	2,56	3,41	4,26	5,11	6,82	8,52	17,04

Турли хил ҳажм концентрациядаги этил спиртининг (мл) 96% этил спиртининг қанча миқдорига (г) тўғри келиши (+20 °С да)

2-жадвал

Ҳажм									
Спирт миқдори % ҳажмда	5	10	15	20	25	30	40	50	100
96	4,04	8,08	12,11	16,15	20,19	24,23	32,30	40,38	80,75
90	3,79	7,57	11,36	15,14	18,93	22,71	30,28	37,86	75,71
80	3,37	6,73	10,09	13,46	16,82	20,19	26,92	33,65	67,29
70	2,95	5,89	8,83	11,78	14,72	17,67	23,56	29,45	58,89
60	2,52	5,05	7,57	10,09	12,62	15,14	20,18	25,23	50,46
50	2,10	4,20	6,31	8,41	10,51	12,61	16,82	21,02	42,04
40	1,68	3,37	5,05	6,73	8,42	10,10	13,46	16,83	33,66
30	1,26	2,52	3,78	5,04	6,30	7,56	10,08	12,61	25,21
20	0,84	1,68	2,53	3,37	4,21	5,03	6,74	8,42	16,84

Стандарт спиртли эритмаларни тайёрлаш

3-жадвал

Т/р	Спиртли эритмалар	Таркиби
1.	Бор кислотаси 3%	Бор кислотаси 30 г, этил спирти 70 % 1000 мл гача
2.	Салицил кислотаси 1% ва 2%	Салицил кислотаси 10 г ёки 20 г, этил спирти 70% 1000 мл гача
3.	Левомецетин 0,25%; 1%; 3%; 5%	Левомецетин 0,25; 1; 3 ёки 5 г, этил спирти 70% 100 мл гача
4.	Фурацилин 1:1500 (0,067%)	Фурацилин 1 г, этил спирти 70% 1500 мл гача

96,1 — 96,7%% концентрацияли этил спиртидан 1 кг 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 95, 96 концентрацияли этил спирти тайёрлаш учун керак бўладиган сув ва этил спиртининг (г) миқдори (20 °С)

4-жадвал

Олинган спиртнинг қуввати, %	30%		40%		50%		60%		70%	
	сув	спирт	сув	спирт	сув	спирт	сув	спирт	сув	спирт
96,1	738	262	646	354	548	452	446	554	17	983
96,2	739	261	646	354	549	451	447	553	18	982
96,3	739	261	647	353	550	450	447	553	20	980
96,4	739	261	647	353	551	449	448	552	21	979
96,5	740	260	648	352	551	449	449	551	23	977
96,6	740	260	648	352	552	448	450	550	24	976
96,7	741	259	649	351	553	447	451	549	26	974
96,8	741	259	650	350	553	447	452	548	27	973
96,9	741	259	650	350	554	446	453	547	29	971

(4-жадвалнинг давоми)

Олинган спиртнинг қуввати, %	80%		90%		95%		96%	
	сув	спирт	сув	спирт	сув	спирт	сув	спирт
96,1	336	664	218	782	88	912	2	998
96,2	337	663	219	781	90	910	3	997
96,3	338	662	221	779	91	909	5	995
96,4	339	661	222	778	93	907	7	994
96,5	340	660	222	777	94	906	8	992
96,6	341	659	224	776	96	904	9	991
96,7	342	658	225	775	97	903	11	989
96,8	343	657	226	773	98	902	12	988
96,9	344	656	228	772	100	900	14	986

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 8-ИЛОВА

20 °С даги ± 5% оғиш меъёри билан 1 грамм ҳамда 1 миллилитрдаги томчилар миқдори, суяқ дори воситаларининг 1 томчисининг оғирлиги

Т/р	Суяқ дори воситалар номи	Томчилар миқдори		1 томчи оғирлиги, мг
		1 г да	1 мл да	
1.	Адонизид	35	34	29
2.	Дўлананинг (боярышник) суяқ экстракти	53	52	19
3.	Валериана настойкаси	56	51	18
4.	Валидол	54	48	19
5.	Тозаланган сув	20	20	50

Т/р	Суyoқ дори воситалар номи	Томчилар миқдори		1 томчи оғирлиги, мг
		1 г да	1 мл да	
6.	Йоднинг 5% спиртли эритмаси	49	48	20
7.	Белладонна настойкаси	46	44	22
8.	Кордиамин	29	29	34
9.	Марваридгул настойкаси	56	50	18
10.	Қалампирялпиз мойи	51	47	20
11.	Қалампирялпиз настойкаси	61	52	16
12.	Эрмон ўти (полынь) настойкаси	56	51	18
13.	Арслонкуйруқ настойкаси	56	51	18
14.	Новшадил арпабодиён(нашатырно-анисовые) томчиси	56	49	18
15.	Нитроглицериннинг 1% эритмаси	65	53	15
16.	Ретинол ацетатнинг мойли эритмаси	45	41	22
17.	Суyлтирилган хлорид кислотаси	20	21	50
18.	Тиббиёт эфири	87	62	11

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Стерил эритмалар сифатини назорат қилишда қўлланиладиган назорат шартлари ва техникаси

1. Назоратни ўтказиш

1. Дорихоналарда тайёрланган стерил эритмалар механик аралашмалар йўқлиги жиҳатидан визуал назоратдан ўтказилади.

2. Механик аралашмалар деганда ҳаракатланадиган эримайдиган ёт моддалар назарда тутилади, эритмаларда тасодифий равишда учрайдиган газ кўпикчалари бундан мустасно.

3. Стерил эритмалар тайёрланиш жараёнида бирламчи ва иккиламчи назоратдан ўтказилади.

Бирламчи назорат эритма филтрланганидан ва қадоқланганидан кейин амалга оширилади. Бунда эритма солинган ҳар бир шиша идиш (флаконт) кўздан кечирилади.

Механик аралашмалар аниқланган тақдирда, эритма қайтадан филтрланади, қайта кўздан кечирилади, маркаланади ва стерилизация қилинади.

4. Стерилизация босқичидан ўтган ёки стерил шароитларда тайёрланган эритмалар солинган шиша идишларнинг (флаконларнинг) барчаси улар-

ни расмийлаштириш ва ўраб-жойлашдан олдин иккиламчи назоратдан ўтказилиши керак.

2. Назорат шартлари

5. Шиша идишларни (флаконларни) кўздан кечириш учун қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушишидан сақланган, махсус жиҳозланган иш ўрни бўлиши керак. Ушбу жойда эритмаларни механик аралашмалар йўқлиги нуқтаи назаридан назорат қилиш ускунаси (УК-2) ёки бошқа ускуна ўрнатилади.

6. Нурнинг кўзга тушишини истисно этадиган тарзда ёритилган оқ-қора экрандан фойдаланишга йўл қўйилади.

7. Эритмаларни назорат қилиш 60 ваттли жилосиз электр лампа ёки 20 ваттли кундузги ёруғлик лампаси билан ёритилган қора ва оқ фонларда оддий кўз билан кўздан кечириш орқали амалга оширилади.

Рангли эритмалар учун тегишли бўлган 100 ва 30 ваттли лампалардан фойдаланилади.

8. Кўздан қаралаётган объектгача бўлган масофаси 25 см бўлиши, нур йўналишига нисбатан кўздан кечириш оптик ўқининг бурчаги масофаси 90 см атрофида бўлиши керак.

Кўриш чизиги бош вертикал ҳолатда бўлганида пастга йўналтирилган бўлиши керак.

3. Назорат техникаси

9. Шиша идишнинг (флаконнинг) ҳажмига қараб, бир вақтнинг ўзида биттадан бештагачаси кўздан кечирилади.

10. Шиша идишлар (флаконлар) битта ёки иккала қўлга бўғзидан ушлаб олинади, назорат зонасига киритилади, оҳиста ҳаракат билан «ости устига» тўнтарилади ва қора ҳамда оқ фонларда кўздан кечирилади, сўнг оҳиста ҳаракат билан, силкитмасдан «ости остига» дастлабки ҳолатига ағдарилади ва яна қора ва оқ фонларда кўздан кечирилади.

11. Назорат қилиш муддати тегишлича:

100 мл сифимли битта шиша идиш (флакон) учун — 20 сониягача;

50 мл сифимли иккита шиша идиш (флакон) учун — 10 сония;

50 мл сифимли иккитадан бештагача шиша идиш (флакон) учун — 8 сонияни ташкил қилади.

Кўрсатилган назорат муддати ёрдамчи операцияларга сарфланган вақтни ўз ичига олмайди.

12. Стерилизациядан кейин ярқоқсиз деб топилган шиша идишлар (флаконлар) ажратилади ва махсус идишга жойланади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНING
ҚАРОРИ

284 Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2991*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Электр энергетикасида назорат
бўйича давлат инспекцияси
бошлиғи**

Д. ИСАКУЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 март,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 апрелда эълон қилинган.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва
газдан фойдаланишни назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Н. АГЗАМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 март,
7-сон

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 29 мартдаги 5, 7-сон қарорига
ИЛОВА

**Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг
энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги,
шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш
тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини таълаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон «Табийй газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига асосан Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (бундан буён матнда «Ўздавэнергоназорат» деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда «Ўздавнефтгазинспекция» деб юритилади) «Энергияни тежаш миллий компанияси» АЖ билан биргаликда ушбу қарорга иловада кўрсатилган ташкилотларга (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига

мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар (бундан буён матнда хулоса деб юритилади) берилишини таъминлайди.

2. Хулосалар ташкилот томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари назарда тутилган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар (бундан буён матнда стандартлаштиришга доир норматив ҳужжат деб юритилади) мавжуд бўлганда берилади.

2-боб. Хулосани расмийлаштириш ва бериш

3. Ташкилот хулоса олиш учун тегишлилигича «Ўздавэнергоназорат» ёки «Ўздавнефтегазинспекция»нинг ҳудудий бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Бунда аризага стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Ариза анъанавий ёхуд электрон шаклда юборилиши мумкин.

4. «Ўздавэнергоназорат» ёхуд «Ўздавнефтегазинспекция»нинг ҳудудий бўлими аризани қабул қилиб олган куннинг ўзида аризани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни 2 нусхада кўпайтирилишини ҳамда уларнинг бир нусхасини «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖга, иккинчи нусхасини эса — тегишлича «Ўздавэнергоназорат» ёки «Ўздавнефтегазинспекция»нинг ҳудудий бўлимига юборилишини таъминлайди.

5. «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтегазинспекция»нинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари ариза берилган кундан бошлаб 5 кун ичида аризани берган ташкилотга борган ҳолда ташкилотда қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланилаётганлигини стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатга мувофиқлигини ўрганади.

6. Ўрганишда:

«Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлими мутахассиси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотда маҳсулот бирлигига сарфланаётган электр энергиясининг стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатдаги кўрсаткичларга мувофиқлигини, шунингдек фаолияти ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ташкилотда асбоб-ускуналарнинг электр энергиясининг сарфи стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатдаги кўрсаткичларга мувофиқлигини;

«Ўздавнефтегазинспекция»нинг ҳудудий бўлими мутахассиси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотда маҳсулот бирлигига сарфланаётган газнинг стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатдаги кўрсаткичларга мувофиқлигини, шунингдек фаолияти ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ташкилотда асбоб-ускуналарнинг газ сарфи стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатдаги кўрсаткичларга мувофиқлигини ўрганади.

Мутахассислар ташкилотда сертификатланган ва энергия жихатидан самарали ускуналар ва приборлар қўлланилаётганини ҳам ўрганади.

Мутахассислар томонидан мазкур бандда назарда тутилмаган масалалар ўрганилиши тақиқланади.

7. «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари томонидан ташкилотда ўтказилган ўрганиш натижалари юзасидан 2 нусхада маълумотнома тузилади.

Ўрганиш жараёнида ташкилотда мазкур Низомга асосан ўрганиш предметиға кирадиган масалалар мавжуд бўлмаганда, бу ҳақда маълумотномада кўрсатилади.

Маълумотнома «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари, ташкилотнинг раҳбари ёки вакили томонидан имзоланади.

8. «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари томонидан ўрганиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома у имзоланган куннинг ўзида (бирок, ариза берилган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмай) «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖга юборилади.

9. «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари томонидан ўрганиш натижалари юзасидан тузилган маълумотномани у юборилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўрганиб чиқади.

10. «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ ўрганиш натижасида ташкилотда қўлланилаётган технологиялар ва асбоб-ускуналар энергия жихатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқ (ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланилади), деб топганда мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда хулосани расмийлаштиради ва уни шу куннинг ўзида тегишлича «Ўздавнефтгазинспекция» ёки «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлимига кейинчалик ташкилотга бериш учун юборади.

11. «Ўздавнефтгазинспекция» ёки «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлими «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ томонидан расмийлаштирилган хулосани у келиб тушган куннинг ўзида ташкилотга юборилишини таъминлайди.

12. Хулоса «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ раҳбари ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари томонидан имзоланган ва мазкур ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Хулосага уни асослантирувчи маълумотлар илова қилинади.

Хулоса 5 йил муддатга берилади.

13. Ташкилотда қўлланилаётган технологиялар ва асбоб-ускуналар энергия жихатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқ эмас, деб топилганда мурожаат этувчи шахсга асослантирилган жавоб хати тайёрланади ва уни мурожаат этувчига тақдим этиш учун тегишлича «Ўздавнефтгазинспекция» ёки «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлимига юборади.

3-боб. Яқуний қоида

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекэнерго» АЖ билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2018 йил 29 март

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 28 март

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2018 йил 27 март

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ИКРАМОВ

2018 йил 26 март

*«Энергия тежаш миллий
компанияси» АЖ бошқарув раиси*

Б. ГАНИЕВ

2018 йил 26 март

«Ўзтрансгаз» АЖ бошқарув раиси

А. МУСТАФАЕВ

2018 йил 24 март

«Ўзбекэнерго» АЖ бошқарув раиси

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 23 март

Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиши тўғрисидаги ХУЛОСА

_____ -сон 20__ йил «___» _____

Ушбу хулоса _____ нинг
(ўрганиш ўтказилган ташкилотнинг номи)

_____ да
(ўрганиш ўтказилган объектнинг манзили)

жойлашган объектда:

қўлланилаётган технологияларнинг;
қуйидаги асбоб-ускуналарнинг:

_____ ;

энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлигини тасдиқлайди.

Ташкилотда ёқилғининг қуйидаги муқобил турларидан фойдаланилади:

_____ ;

Ушбу хулосага илова қилинаётган асослантирувчи маълумотлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Илова _____ варақда.

«Ўздавэнергоназорат»

худудий бўлими бошлиғи _____
(Ф.И.О.) М.Ў (имзо)

«Ўздавнефтгазинспекция»

худудий бўлими бошлиғи _____
(Ф.И.О.) М.Ў (имзо)

«Энергия тежаш миллий

компанияси» АЖ

бош директори _____
(Ф.И.О.) М.Ў (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

285 Мухтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 17 майдаги 53, 36-сон қарори (рўйхат рақами 2801, 2016 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 298-модда) билан тасдиқланган Мухтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
12-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
56-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги
12, 56-сон қарорига
ИЛОВА

**Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари,
реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар
билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар ҳамда 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахслар (бундан буён матнда ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар деб юритилади), шунингдек пенсия ёшидаги муҳтож шахслар мазкур Низомнинг 1-илоvasидаги протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан бепул таъминланади.»

3. 3 ва 33-банддаги «Муҳтож ногиронлар» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5-банддаги «Муҳтож ногиронлар», «ногирон» ва «ногиронларга» деган сўзлар тегишинча «Ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар», «ногиронлиги бўлган» ва «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болага қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлиги бўлган шахснинг ёки қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида тиббий хулоса расмийлаштирилади.»

6. 9-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга берилган тиббий хулосалар ҳар бир касаллик ҳолатида касалликнинг хусусияти ва кечишига, организм функцияларининг бузилиши даражасига ва компенсаторлик механизмларининг ҳолатига қараб, ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларга берилган тиббий хулосалар эса, ногиронликнинг муддатидан келиб чиқиб, қайта ногиронликка ўтиш муддатигача ёки улардан фойдаланиш муддатигача берилади.»

7. 11, 13, 15, 16, 26 ва 30-бандлардаги «мухтож ногиронлар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган мухтож шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 14-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.».

9. 18-банддаги «мухтож ногирон» ва «Мухтож ногирон» деган сўзлар тегишинча «ногиронлиги бўлган мухтож шахс» ва «Ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 19-бандда:

учинчи хатбошидаги «мухтож ногирон» ва «мухтож ногиронга» деган сўзлар тегишинча «ногиронлиги бўлган мухтож шахс», «ногиронлиги бўлган мухтож шахсга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Мухтож ногиронлар» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган мухтож шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 20 ва 24-бандлардаги «Мухтож ногирон» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 22-бандда:

иккинчи хатбошидаги «мухтож ногиронлар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган мухтож шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мухтож ногирон» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 23-банддаги «мухтож ногирон» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 27-бандда:

биринчи хатбошидаги «мухтож ногиронлар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган мухтож шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мухтож ногироннинг» ва «мухтож ногирон» деган сўзлар тегишинча «ногиронлиги бўлган мухтож шахснинг» ва «ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 31-банддаги «Ўзбекистон Республикаси республика бюджети» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 1-иловадаги Реабилитация техник воситалари бўлими қуйидаги мазмундаги 3¹ — 3⁵-позициялар билан тўлдирилсин:

«	3 ¹ .	Тирсақли қўлтиқ таёқ	12 ой	2 йил	
	3 ² .	Кўзи ожизлар учун ҳасса	12 ой	2 йил	
	3 ³ .	Юриш мосламаси (ходунок)	12 ой	2 йил	
	3 ⁴ .	Пешоб қабул қилгич	5 кун	1 ой	
	3 ⁵ .	Нажас қабул қилгич	5 кун	1 ой	».

17. 2-илованинг 4-бандидаги «мухтож ногирон» ва «(агар ногирон бўлса)»

деган сўзлар тегишинча «ногиронлиги бўлган шахс» ва «(агар ногиронлиги бўлган шахс бўлса)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 3, 6, 7 ва 9-иловалардаги «Мухтож ногирон» ва «(агар ногирон бўлса)» деган сўзлар тегишинча «Ногиронлиги бўлган мухтож шахс» ва «(агар ногиронлиги бўлган шахс бўлса)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 5-иловада:

а) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Қўлтиқ таёқ ёки тирсақли қўлтиқ таёққа:

битта оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти тўлиқ бузилган ҳолатлар ҳамда анатомик дефектларда;

сохта бўғим, суяклар дефекти, кескин намоён бўлган контрактура, оёқ камари суяклари ва бўғимларининг турғун қийшайиши ёки анкилози, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

бир ёки икки оёқнинг ампутацион чўлтоқлиги;

тизза ва чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш;

ўрта даражада ва намоён бўлган гемипарез, ўрта даражада ва намоён бўлган пастки парепарез.

5. Ҳасса ёки кўзи ожизлар учун ҳассага:

бир оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти қисман бузилган ҳолатларда, шунингдек мураккаб протез ва ортез билан таъминланган ҳолатларда;

тизза ва чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш;

кўзи ожизларга.»;

б) қуйидаги мазмундаги 6 — 8-бандлар билан тўлдирилсин:

6. Юриш мосламасига (ходунокка):

икки оёқ, чаноқ, умуртқа поғонасининг жароҳатларининг асоратларидан кейинги юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари.

7. Пешоб қабул қилгич:

Пешоб чиқариш аъзоларида стоманинг мавжудлиги.

8. Нажас қабул қилгич:

Ичакда стоманинг мавжудлиги.».

20. 10-иловада:

6-банддаги «Мухтож ногирон» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган мухтож шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банддаги «(агар ногирон бўлса)» деган сўзлар «(агар ногиронлиги бўлган шахс бўлса)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 11 ва 12-иловалардаги «мухтож ногиронлар», «16 ёшдан катта ногиронлар» ва «16 ёшгача ногирон болалар» деган сўзлар тегишинча «ногиронлиги бўлган мухтож шахслар», «16 ёшдан катта ногиронлиги бўлган шахслар» ва «16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

287 «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1832-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сон «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2015 йил 10 мартдаги 52-сон «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 157, 21/ҚҚ, 23, 01-08/1750, 54, 56-сон «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1832, 2008 йил 4 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 259-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 апрелда эълон қилинган.

маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 22 майдаги 196-К, 01/ҚҚ, 20, 119/К, 96, 38-сон «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1832-1, 2010 йил 2 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 179-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
6-2018-сон

И. МАДЖИДОВ

**Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
3/ҚҚ-сон

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
2-МХ-сон

У. ИНОЯТОВ

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
9-Қ/Қ-сон

А. ХАЙТОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
10-сон

Б. ХОДЖАЕВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
65-сон

Ж. КУЧКАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

288 **Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби
ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сон қарори (рўйхат рақами 1639, 2006 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 463-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йили 24 февраль,
7/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби
ҳисобварақлари режасига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. II бўлимда:

а) «10507 — Банкларга қўйилган муддатли депозитлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 10509 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«10509 — Йўлдаги нақдсиз маблағлар»;

б) «16323 — Микролизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16377 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«16377 — Муддати ўтган ҳисобланган фоизлар»;

в) «16397 — Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)» баланс ҳисобварағидаги «(воситачилик ҳақи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) «16397 — Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16400, 16401, 16405, 16409, 16413, 16499 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«16400 — Ҳисобланган фоизсиз даромадлар

16401 — Кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган тўловлар

16405 — Ҳисобланган жарима ва пенялар

16409 — Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад

16413 — Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар

16499 — Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»;

д) «16563 — Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси(контр-актив)» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16575, 16579 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«16575 — Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситалар

16579 — Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»;

е) «19905 — Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган мулклар ва мулквий ҳуқуқлар» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин;

ж) «20000 — Мажбуриятлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 21400, 21402, 21404 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«21400 — Жалб қилинган қарз маблағлар

21402 — Таъсисчиларнинг қарз маблағлари

21404 — Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар»;

з) «22400 — Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар» баланс

ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 22402, 22404 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«22402 — Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар
22404 — Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

и) «22510 — Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар» баланс ҳисобварағининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22510 — Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов»;

к) «22512 — Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар» баланс ҳисобварағининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22512 — Жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар»;

л) «50000 — Харажатлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 50600, 50601, 50603 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«50600 — Жалб қилинган маблағлар бўйича фоизли харажатлар

50601 — Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар

50603 — Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича фоизли харажатлар»;

м) «56122 — Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар» баланс ҳисобварағининг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«56122 — Жамғармаларга бадаллар»;

н) «56418 — Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 56500, 56502, 56506, 56510 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«56500 — Репрезентация ва хайрия

56502 — Репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар харажатлари

56506 — Аъзолик бадаллари

56510 — Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари»;

о) «56630 — Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 56632 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«56632 — Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси»;

п) «56830 — Асосий воситалари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин.

2. III бўлимда:

а) «10507 — Банкларга қўйилган муддатли депозитлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қуйидаги мазмундаги 10509 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«10509 — **Йўлдаги нақдсиз маблағлар**

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда микрокредит ташкилотининг банкдаги депозит ҳисобварағига кирим қилинадиган, лекин келиб тушмаган нақдсиз пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида микрокредит ташкилотининг банкдаги депозит ҳисобварағига кирим қилинадиган, лекин келиб тушмаган нақдсиз пул маблағлари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкдан олинган депозит ҳисобварағи кўчирмаси асосида нақдсиз пул маблағлар суммаси ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

б) «16323 — Микролизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16377 баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«16377 — **Муддати ўтган ҳисобланган фоизлар**

Ҳисобварақнинг таърифи: кредит шартномаси бўйича олиш учун ҳисобланган, бироқ муддатида тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида шартнома бўйича олиш учун ҳисобланган, бироқ муддатида тўланмаган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган (қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

в) «16397 — Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифидаги «(воситачилик ҳақи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) «16397 — Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16400, 16401, 16405, 16409, 16413, 16499 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«16400 — **Ҳисобланган фоизсиз даромадлар**

16401 — **Кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган тўловлар**

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган кўрсатилган хизмат ҳақлари суммаларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳисобланган кўрсатилган хизмат ҳақлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган (қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган кўрсатилган хизмат ҳақларининг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб хизмат ҳақи турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16405 — **Ҳисобланган жарима ва пенялар**

Ҳисобварақнинг таърифи: кредитлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган жарима ва пенялар суммаларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида олиш учун ҳисобланган жарима ва пенялар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ундирилган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган жарима ва пенялар қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мижозлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16409 — **Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад**

Ҳисобварақнинг таърифи: операцион ижара бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган даромад ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида операцион ижара бўйича олиниши лозим бўлган даромад суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида олиши лозим бўлган тўловлар ва/ёки ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16413 — **Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар**

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган бошқа фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган (қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16499 — **Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси** (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ундириб олинмаслиги натижасида вужудга келиши мумкин бўлган зарарлар бўйича яратилган захира ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захиранинг баҳолаш суммаси ва/ёки унинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб активларнинг тури бўйича ташкил этилган захиралар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

д) «16563 — Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 16575, 16579 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«16575 — **Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситалар**

Ҳисобварақнинг таърифи: олинган кредитлар бўйича микрокредит ташкилоти томонидан гаровга қўйилган асосий воситаларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида микрокредит ташкилоти томонидан олинган кредитларнинг таъминоти сифатида қўйилган асосий воситаларнинг ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қайтарилмаган кредитни қоплаш учун

фойдаланилган, шунингдек кредитни қоплашдаги ва кредит шартномаси муддати тугагандаги асосий воситалар ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир гаровга қўйилган асосий воситалар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16579 — **Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси** (контр-актив)

Ҳисобварақнинг мақсади: олинган кредитлар бўйича микрокредит ташкилоти томонидан гаровга қўйилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг эскиришини баҳолаш суммаси, кадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида кредитор томонидан қайтарилмаган кредитни қоплаш учун фойдаланилганда, шунингдек кредитни қоплашдаги ва кредит шартномаси муддати тугагандаги гаровга қўйилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб гаровга қўйилган асосий воситалар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

е) «19905 — Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган мулклар ва мулк қўқуқлар» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи чиқариб ташлансин;

ж) «20000 — Мажбуриятлар» баланс ҳисобварағидан сўнг қўйидаги мазмундаги 21400, 21402, 21404 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«21400 — **Жалб қилинган қарз маблағлар**

21402 — **Таъсисчиларнинг қарз маблағлари**

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилоти таъсисчиларидан олинган қарз маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида микрокредит ташкилоти таъсисчиларидан олинган қарзлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган/ҳисобдан чиқарилган қарзлар суммаси ҳисоби юритилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар кесимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21404 — **Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлари**

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган/ҳисобдан чиқарилган қарз маблағларининг суммаси ҳисоби юритилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар кесимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

з) «22006 — Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағининг таърифидаги «1 йил муддатгача» деган сўзлар «1 йилдан ортиқ муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) «22400 — Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 22402, 22404 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«22402 — **Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар**

22404 — **Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилоти таъсисчиларидан ҳамда бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича қарз шартномалари кеси-мида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

к) «22502 — Ҳисобланган фойда солиқлари» баланс ҳисобварағининг таърифидаги «фойда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва қонунчиликка мувофиқ равишда» деган сўзлари «фойда солиғи ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) «22510 — Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22510 — **Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов**

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ микрокредит ташкилоти томонидан ягона ижтимоий тўлов бўйича маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида микрокредит ташкилоти томонидан ягона ижтимоий тўловга ўтказиладиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ягона ижтимоий тўловга ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

м) «22512 — Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22512 — **Жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар**

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилоти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жамғармаларга ўтказиладиган тўловлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида жамғармаларга ўтказиладиган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида жамғармаларга ўтказилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир жамғарма ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

н) «31203 — Таксимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварақнинг таърифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилотининг ўтган молиявий йиллардаги фаолияти давомида олган таксимланмаган фойдаси (зарари)нинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақидан ўтказилган соф фойда ҳамда захира капиталидан таксимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида таксимланмаган фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар учун ажратмалар, 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақидан ўтказилган зарар суммаси, шунингдек таъсисчилар қарорига мувофиқ микрокредит ташкилотининг устав фондига қилинган қайта инвестиция (реинвестиция)лаш ҳамда эълон қилинган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.»;

о) «31206 — Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварақнинг таърифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобот йили давомида микрокредит ташкилоти молиявий фаолияти натижасида олинган соф фойда (зарар)лар ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар суммаси ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобот йили давомида микрокредит ташкилоти томонидан олинган фойда, 31203 — «Таксимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварақига ўтказилган зарар суммаси, шунингдек нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобот йили давомида микрокредит ташкилоти томонидан кўрилган зарар, 31203 — «Таксимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварақига ўтказилган фойда суммаси, эълон қилинган дивидендлар, шунингдек захира капиталига ўтказилган сумма акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб соф фойда ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.»;

п) «50000 — Харажатлар» баланс ҳисобварақи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 50600, 50601, 50603 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«50600 — **Жалб қилинган маблағлар бўйича**

50601 — **Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар**

50603 — **Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича фоизли харажатлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: жалб қилинган қарз маблағлари бўйича микрокредит ташкилотининг фоизли харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида жалб қилинган қарз маблағлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.»;

р) «55910» баланс ҳисобварағи рақами «55906» баланс ҳисобварағи рақами билан алмаштирилсин;

с) «56114 — Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар» баланс ҳисобварағининг таърифидаги «микрокредит ташкилотининг иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари Пенсия фондига ажратмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

т) «56122 — Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«56122 — **Жамғармаларга бадаллар**

Ҳисобварақнинг таърифи: қонун ҳужжатларига мувофиқ жамғармаларга ажратмалар, шунингдек ходимларнинг соғлиқларини мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ва бошқа бадаллар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида жамғармаларга ажратмалар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.»;

у) «56418 — Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 56500, 56502, 56506, 56510 баланс ҳисобварақларининг номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«56500 — **Репрезентация ва хайрия**

56502 — **Репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар харажатлари**

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилоти томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида микрокредит ташкилоти томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида микрокредит ташкилоти томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микро-

кредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс этирилади.

56506 — Аъзолик бадаллари

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилоти томонидан клублар, уюшмалар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўланадиган аъзолик бадаллари суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида клублар, уюшмалар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўланган аъзолик бадаллари суммаси акс этирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида клублар, уюшмалар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўланган аъзолик бадаллари бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс этирилади.

56510 — Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: микрокредит ташкилотининг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида микрокредит ташкилотининг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари акс этирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида микрокредит ташкилотининг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсонлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс этирилади.»;

ф) «56630 — Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси» баланс ҳисобварағи таърифидан сўнг қуйидаги мазмундаги 56632 баланс ҳисобварағининг номи билан тўлдирилсин:

«56632 — **Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси**»;

х) «56830 — Асосий воситалари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин;

ц) «56902 — Фойда солиғини баҳолаш» баланс ҳисобварағининг таърифидаги «, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

289 Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2992*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 февраль,
2-2018-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 февраль,
40-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил
27 февралдаги 2-2018 ва 40-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари
маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг
фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми)
ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-
ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси,
дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда
академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини
моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 ноябрдаги 901-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент юридик коллежида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ оширилган тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишга қўшимча қабул қилган тасарруфида академик лицей бўлган идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан олий таълим муассасалари раҳбарияти олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш

материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга.

2-боб. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицей учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун маблағ ажратиш

3. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаси бўлиб, олий таълим муассасасига тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми (базавий тўлов-контракт миқдорини чиқариб ташлаган ҳолда) ҳисобланади.

Бунда, академик лицейга маблағлар тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми ҳисобидан олий таълим муассасасини сақлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий ишларни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг маънавиятини ошириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ҳукуматининг қарорлари асосида белгиланган бошқа харажатларни қоплашдан ортган қисмидан ажратилади.

Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари (фақат ўқитишнинг базавий қиймати миқдоридан ошадиган қисмида тўлов-контракт асосида ўқишдан тушадиган тушумлар) ҳисобидан университет ҳузуридаги академик лицей учун ўқув-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, енгил автотранспорт воситалари сотиб олиш, шунингдек лицей ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилади.

4. Ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш маблағига бўлган эҳтиёж бўйича буюртмалар академик лицей раҳбари томонидан асосланган ҳисоб-китоблар кўринишида келгуси молия йили бошланишидан бир ой олдин бириктирилган олий таълим муассасасига тақдим этилади.

Бунда, академик лицей томонидан ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш маблағига бўлган эҳтиёж юзасидан буюртма тайёрлашда мазкур таълим муассасасининг ушбу харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар инобатга олинади.

5. Тасарруфидаги академик лицей томонидан ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун маблағ ажратиш масаласи бўйича тақдим этилган буюртма олий таълим муассасасининг Кенгаши муҳокамасига қўйилиб, олий таълим муассасасининг кутилаётган тушумлари ва харажатларини ҳисобга олган ҳолда академик лицейга ажратиш мумкин бўлган маблағлар бўйича қарор қабул қилинади.

6. Олий таълим муассасаси томонидан маблағ ажратиш бўйича қарор қабул қилингандан кейин тасарруфидаги академик лицей буюртмаси асосида ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш харажатлари олий таълим муассасасининг ўқитишни тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар даромадлари ва харажатлари сметасига киритилади.

7. Олий таълим муассасасининг ўқитишнинг контракт шаклидан тушган маблағлари даромадлар ва харажатлар сметаси рўйхатдан ўтказиш учун идоравий бўйсунуви бўйича вазирлик ёки идорага тақдим этилганда академик лицейларнинг ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун буюртмалари ва олий таълим муассасасининг маблағ ажратиш тўғрисидаги қарори ҳамда кутилаётган даромадлар ва харажатларнинг таҳлили алоҳида илова қилинади.

8. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар академик лицейнинг «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси» шахсий ҳисоб варақасига (4001...) беғараз ёрдам сифатида ўтказилади ҳамда олий таълим муассасасининг иқтисодий таснифи бўйича «Бошқа харажатлар» харажат моддасида (4821190) касса ва ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

9. Зарур ҳолларда олий таълим муассасаси томонидан ўзининг балансида бўлган ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг эҳтиёжидан ортиқча қисмини юқори ташкилотнинг розилиги билан тасарруфидаги академик лицейга белгиланган тартибда беғараз бериши мумкин.

3-боб. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш

10. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицей-

га ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш учун ажратилган маблағлар академик лицей даромадига киритилади ҳамда фақат буюртмада келтирилган мақсадлар бўйича ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда сарфланади, бунда уларнинг бошқа мақсадлар учун сарфланишига йўл қўйилмайди.

11. Академик лицейлар ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олишини белгиланган тартибда мустақил равишда ташкил этади.

12. Академик лицейлар томонидан сотиб олинган ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар академик лицей балансига белгиланган тартибда қабул қилинади ва тугатиш муносабати билан ҳисобдан чиқарилгунга қадар ҳисобда акс эттирилади.

4-боб. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицейларга ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш

13. Олий таълим муассасаси томонидан академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар академик лицей даромадига киритилади ҳамда фақат моддий рағбатлантириш мақсадлари бўйича ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда сарфланади, бунда уларнинг бошқа мақсадлар учун сарфланишига йўл қўйилмайди.

14. Олий таълим муассасаси томонидан академик лицейларнинг ўқитувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан педагог ходимларни моддий рағбатлантириш мезонлари ва миқдорлари олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Бунда моддий қўллаб-қувватлаш педагог ходимларига базавий тариф ставкасининг 50 фоизигача миқдоридаги устама ва ойлик маошининг бир баробари миқдоридаги пул мукофоти ҳамда моддий ёрдам кўринишида амалга оширилади.

Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан академик лицей ходимларига тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамалар белгилаш учун моддий ёрдам кўрсатилади.

15. Академик лицейлар томонидан педагог ходимларни моддий рағбатлантириш мезонларини белгилашда уларнинг қуйидаги эришган натижаларига эътибор қаратилади:

таълим сифатини ошириш учун инновацион ва ахборот технологияларини жорий этганлиги;

таълим беришнинг янги услуб ва шаклларини қўллашда фаол иштирок этганлиги;

халқаро, республика, вилоят миқёсидаги танлов, фан олимпиадалари голибларини тайёрлаганлиги;

фан ва ижодий тўғаракларни ташкил этган, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни жорий этганлиги;

ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда бевосита иштирок этганлиги;

ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини юқори бўлишига аниқ ҳисса қўшганлиги.

16. Академик лицейларнинг билимли, одобли, мустақил фикрга эга бўлган ва ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган ўқувчилари, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар олий таълим муассасаси томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантирилади.

Моддий рағбатлантириш ҳар ойда бир ўқувчига энг кам иш ҳақининг икки баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда ойлик стипендия, бир йилда бир ўқувчига энг кам иш ҳақининг олти баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган моддий ёрдам кўринишида амалга оширилади.

17. Академик лицейларнинг ўқувчиларини моддий рағбатлантириш тартиби ва миқдорлари олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

18. Академик лицейлар олий таълим муассасасига ҳар чоракда, чоракдан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмай ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳисобот тақдим этади, шунингдек академик лицей директори (директор вазифасини вақтинча бажарувчи шахс) олий таълим муассасаси Кенгаши йиғилишида маълумот беради.

19. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш бўйича жавобгарлик шахсан академик лицей директорига (директор вазифасини вақтинча бажарувчи шахсга) юклатилади.

20. Олий таълим муассасаси томонидан тасарруфидаги академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратишнинг асосланганлиги ҳамда тўғрилиги юзасидан жавобгарлик шахсан олий таълим муассасаси ректорига (ректор вазифасини вақтинча бажарувчи шахсга) юклатилади.

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 8 февраль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. МИРЗАЕВ

2018 йил 9 февраль

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 12 февраль

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.*

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 9 февраль

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 12 февраль

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2018 йил 8 февраль

*Автомобиль йўллари давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУВАЛИЕВ

2018 йил 16 февраль

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2018 йил 15 февраль

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» давлат корхонаси
бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2018 йил 19 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

290 Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 февраль,
3-2018-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 27 февраль,
33-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил
27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил
қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун
ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомнинг талаблари идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча академик лицейларга нисбатан татбиқ этилади, бюджетдан маблағ олувчи ҳисобланмайдиган ва қонун ҳужжатлари билан алоҳида тартиб ўрнатилган академик лицейлар бундан мустасно.

2. Академик лицейлардан узоқ жойлашган худудлардан қабул қилинган ўқувчилар (доимий яшаш жойи бошқа туманда (шаҳарда) бўлган, академик лицей ётоқхонасида яшайдиган ёки бошқа турар жойларда ижара асосида яшайдиган ўқувчилар) уларнинг ота-оналари тўлови ҳисобига харажатларни қисман (ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан) қоплаган ҳолда, қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли уч маҳал (эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқат) овқатлантирилиши таъминланади.

Бунда ижара асосида яшайдиган ўқувчилар ота-оналарининг мурожаатларига асосан ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан ота-оналар тўлови ҳисобига харажатларни қисман қоплаган ҳолда фақат тушлик учун белгиланган озик-овқат харажатлари миқдоридан овқатлантирилиши ташкил этилади.

3. Бир ўқувчи учун кунлик уч маҳал овқатлантириш харажати ота-она-

лар тўловини қўшиб ҳисоблаганда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизигача миқдорда белгиланади. Бунда:

эрталабки нонушта учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 20 фоизидан;

тушлик учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 45 фоизидан;

кечки овқат учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 35 фоизидан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

2-боб. Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил этиш

4. Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Академик лицейларда имтиёзли овқатланиш юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар (бундан буён матнда таъминотчи деб аталади) ҳамда таълим муассасаси томонидан ташкил этилади.

6. Академик лицейларда ўқувчиларни имтиёзли уч маҳал овқатлантириш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилладиган имтиёзли овқатланиш карточкаси (бундан буён матнда имтиёзли овқатланиш карточкаси деб юритилади) асосида амалга оширилади.

7. Академик лицейлардан узоқ жойлашган ҳудудлардан қабул қилинган ўқувчилар (доимий яшаш жойи бошқа туманда (шаҳарда) бўлган, академик лицей ётоқхонасида яшайдиган ёки бошқа турар жойларда ижара асосида яшайдиган ўқувчилар) рўйхати ўқув йилининг бошида (10 сентябрдан кечиктирмасдан) академик лицейнинг маъмурияти томонидан шакллантирилиб, академик лицей директори буйруғи билан тасдиқланади ҳамда ўқувчиларга имтиёзли овқатланиш карточкаси берилади.

8. Ижара асосида яшайдиган ўқувчиларнинг рўйхати уларнинг ижара асосида яшашини тасдиқловчи ҳужжатига асосан шакллантирилади.

9. Имтиёзли овқатланиш карточкасини олган ўқувчиларнинг рўйхати уларнинг Ф.И.О., гуруҳи, шахсий тартиб рақами кўрсатилган ҳолда Имтиёзли овқатлантирилладиган ўқувчиларнинг ҳисобини юритиш журналига (бундан буён матнда журнал деб юритилади) қайд қилинади.

Журналнинг бетлари изчил рақамланган, ип ўтказилиб тикилган ҳамда академик лицей директори томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

10. Журнал таъминотчига (академик лицейнинг масъул ошпазига) тақдим этилади.

11. Журнал ҳар бир ой учун алоҳида юритилади. Журнал жорий ой якунлангандан сўнг таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) то-

монидан академик лицейнинг бухгалтериясига уч кунлик муддатда топширилади.

12. Имтиёзли ўқувчилар рўйхатига ўқув йили давомида академик лицей директорининг буйруғига асосан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

13. Ўқувчиларга жорий ўқув йили учун имтиёзли овқатланиш карточкалари 10 сентябрга қадар академик лицей маъмурияти томонидан берилади.

14. Имтиёзли овқатланиш карточкасини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

15. Ўқувчилар имтиёзли овқатланиш учун таъминотчига (академик лицейнинг масъул ошпазига) имтиёзли овқатланиш карточкасини кўрсатиши шарт.

Таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) имтиёзли овқатланиш карточкасини кўрсатган ўқувчиларга журналга тегишли белги қўйган ҳолда уларнинг имтиёзли овқатланишини таъминлаши лозим.

16. Таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) овқатлантириш хизматини кўрсатгандан сўнг ҳар куннинг якунида журналдаги маълумотларга асосан бажарилган ишлар далолатномасини (нонуштада, тушликда ва кечки овқатдаги ўқувчилар сони кўрсатилган ҳолда) тузиб, уни академик лицей бухгалтериясига тақдим этиб боради.

Таъминотчи ва академик лицей ўртасида ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш учун бажарилган ишлар далолатномаси асосида кунлик, ҳафталик ёки ойлик ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиши мумкин.

3-боб. Ота-оналар тўловини тўлаш ва ҳисоблаш

17. Академик лицейларда ўқувчиларни имтиёзли уч маҳал овқатлантириш учун ота-оналар тўлови ота-оналар билан академик лицей маъмурияти ўртасида тузилган шартномага асосан ҳар ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан тўланади.

18. Ота-оналар тўлови белгиланган тартибда нақд пул, пластик карта орқали ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

19. Ота-оналар тўловини ҳисоблаш академик лицейнинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади. Бунда тўловларнинг ҳисоб-китоби ҳар бир ўқувчи кесимида юритилади.

20. Ўқувчининг ёки оила аъзоларининг касаллиги, карантин ҳолатида бўлганлиги туфайли ўқувчи академик лицейга кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўланган тўловлар кейинги ой учун тўловни амалга оширишда ҳисобга олинади. Бунда, ўқувчининг келмаган кунлари сони бир кунлик тўлов миқдорига кўпайтирилиб, кейинги ой учун тўлов суммаси чиққан суммага камайтирилади. Агар ўқувчининг келмаган кунлари учун тўлов ҳали амалга оширилмаган бўлса, жорий ой учун тўланиши лозим бўлган тўлов миқдори у келмаган кунлар учун ҳисобланган тўлов суммасига камайтирилади.

21. Ўқувчининг ёки унинг оила аъзоларининг касаллиги, карантин ҳола-

тида бўлганлиги туфайли ўқувчининг академик лицейга келмаганлиги тегишли даволаш-профилактика муассасаси ёки участка шифокори томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

Ўқувчи академик лицейга сабабсиз келмаган ҳолларда ота-оналар тўлови қайтарилмайди.

22. Тегшли даволаш-профилактика муассасаси ёки участка шифокори томонидан бериладиган маълумотнома тақдим этилмаганда ўқувчининг академик лицейда сабабсиз бўлмаган кунлари учун тўлов тўлиқ ой учун ҳисобланади ва умумий асосларда ундирилади.

23. Ўқувчи академик лицейнинг ички тартиб-қоидаларини бузиши ёки бошқа ҳуқуқбузарлик қилиши натижасида ўқишдан четлатилганда (ўз ихтиёрига кўра четлатилиши бундан мустасно) тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва қайтарилмайди.

24. Ўқувчилар имтиёзли овқат билан таъминланмайдиган қишки ва ёзги таътиллар даврида овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови ундирилмайди.

4-боб. Яқуний қоидалар

25. Имтиёзли овқатлантириш таъминоти учун ота-оналар тўлови ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган маблағларни академик лицейнинг бошқа турдаги харажатларига йўналтириш тақиқланади.

26. Академик лицей директори ва бош бухгалтери молиялаштириладиган маблағлардан харажатлар сметасига мувофиқ мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгардир.

27. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 8 февраль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. МИРЗАЕВ

2018 йил 9 февраль

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 12 февраль

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.*

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 11 февраль

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2018 йил 12 февраль

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2018 йил 8 февраль

*Автомобиль йўллари
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУВАЛИЕВ

2018 йил 11 февраль

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» давлат корхонаси
бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2018 йил 13 февраль

Академик лицейларда имтиёзли овқатланти-
ришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини
қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Имтиёзли овқатланиш
КАРТОЧКАСИ**

(академик лицейнинг номи)	
Ўқувчининг фотосурати	_____ -сон ИМТИЁЗЛИ ОВҚАТЛАНИШ КАРТОЧКАСИ
	_____ - босқич, _____ - гуруҳ ўқувчиси

(ўқувчининг Ф.И.О.)	
Берилган сана: «_____» _____ 20__ йил	
Амал қилиш муддати: «_____» _____ 20__ йил	
М.Ў.	
Директор _____	_____
(имзо)	(Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

292 «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/5-сон «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/3-сон «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 108-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

293 «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/2-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 56-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/14-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 49-сон, 1202-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

294 **Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 март,
9/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
17 мартдаги 9/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ микрокре-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

дит ташкилотлари ва ломбардлар (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади)га молиявий ҳисоботлар ҳамда уларнинг электрон маълумотларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Нобанк кредит ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ юритади.

2. Нобанк кредит ташкилотлари қўйидаги шаклларда молиявий ҳисоботлар ва уларнинг электрон маълумотларини тақдим этади:

Бухгалтерия баланси (1-илова);

Баланс ҳисоботи (2-илова);

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (3-илова);

Капиталдаги ўзгаришлар (4-илова);

Берилган кредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари тўғрисида маълумот (5-илова).

3. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларни бошқа органларга тақдим этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

2-боб. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан Марказий банкка молиявий ҳисоботларни тақдим этиш

4. Молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар ҳисобот ойнасининг охири кунида амалга оширилган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳисобот ойнасининг охири санаси ҳолатига кўрсатилиши керак.

5. Молиявий ҳисоботлар нобанк кредит ташкилотлари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнасининг 5-санасигача Марказий банкка тақдим этилади. Агар ойнасининг 5-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда ҳисоботлар дам олиш ёки байрам кунидан кейинги иш куни тақдим этилиши лозим. Тақдим этилган молиявий ҳисоботларда хато ва камчиликлар аниқланганда, камчиликлар тузатилиб, икки иш кунида қайта тақдим этилиши шарт.

6. Молиявий ҳисоботлар нобанк кредит ташкилотларининг раҳбари (1-имзо) ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс (2-имзо) томонидан имзоланади, ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

7. Қоғозда расмийлаштирилган молиявий ҳисоботлар Марказий банкка «PDF» форматдаги (ҳужжатларнинг платформалар ўртасидаги формати) нусхалар кўринишида сканерланган ҳолда юборилади. Ҳар бир ҳужжат асл нусхага мос келадиган барча белгилар сақланишини таъминлайдиган алоҳида файл кўринишида бўлиши лозим (бир дюймда камида 200 нукта).

3-боб. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини тақдим этиш

8. Нобанк кредит ташкилотлари автоматлаштирилган ахборот тизими орқали молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини шакллантириб, Банк тизими маълумотлар омборхонасига (кейинги ўринларда БТМО деб юритилади) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача алоқа каналлари орқали юбориши шарт. Агар ойнинг 5-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотлари дам олиш ёки байрам кунидан кейинги иш куни тақдим этилиши лозим.

9. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда:

БТМО билан коммуникация алоқаси узилганда;
техник воситаси ва дастурий таъминоти носоз ҳолатда бўлганда;
форс-мажор ҳолатларида молиявий ҳисоботларни Марказий банкка ва уларнинг электрон маълумотларини БТМОга юборишни кечиктириш сабабларини кўрсатган ҳолда тушунтириш хати билан тақдим қилади.

10. Нобанк кредит ташкилотлари мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳолатлар ҳақида Марказий банкни дарҳол хабардор этиши ҳамда ушбу ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб 5 иш куни ичида бартараф этиб, электрон маълумотларни тўлиқ юбориши керак.

4-боб. Яқуний қоидалар

11. Тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ва уларнинг БТМОга юбориладиган электрон маълумотлари ўзаро мос келиши керак.

12. Нобанк кредит ташкилотларининг айрим молиявий операцияларни ўтказиш қонунчилиқка мувофиқ маълум муддатга тўхтатилганидан қатъи назар, улар томонидан молиявий ҳисоботлар ва уларнинг электрон маълумотлари белгиланган муддатларда тақдим этилиши лозим.

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий
ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____нинг
(ташкilotнинг номи)
20__ й «__» _____ ҳолатига

Бухгалтерия баланси

Ҳисобварақ рақами	Ҳисобварақ номи	Ҳисобот санаси бошига қолдиқ		Дебет	Кредит	Ҳисобот санаси охирига қолдиқ	
		дебет	кредит			дебет	кредит
Ҳисобварақ туркуми							
Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)							
Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)							

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар
томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон
маълумотларни тақдим этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

нинг

(ташкilotнинг номи)

Баланс ҳисоботи

20__ й «__» _____ ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўм
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	0
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	0
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзлар	0
40	11100*	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — факторинг	0
50	12401 + 12405 + 12409 + 12501 + 12505 + 12509 + 12701 + 12705 + 12709 + 14801 + 14809 + 14901 + 14909 + 15101 + 15109 + 15701 + 15703 + 15705 + 15707	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	0
51	12499 + 12599 + 12799 + 14899 + 14999 + 15199 + 15799 (қисман**)	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код — 51 код)	0
60	15600 + 15709 – 15799 (қисман***)	Микролизинг, соф	0
70	16500	Асосий воситалар, соф	0
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707 + 16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900 + 16100 + 16400	Бошқа активлар	0
110		Жами активлар (10 + 20 + 30 + 40 + 52 + 60 + 70 + 80 + 92 + 100)	0
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400 + 21600 + 22000*	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзлар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800 + 22200*	Бошқа мажбуриятлар	0
270		Жами мажбуриятлар (210 + 220 + 230 + 240 + 250 + 260)	0

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	0
320	30903	Умумий захира фонди	0
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
340	31701*	Ўзлаштирилган грант маблағлари	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошлангич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
370	(40000 – 50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	0
380		Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370)	0
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270 + 380)	0

Изоҳ:

* микрокредит ташкилотларига тегишли бўлган ҳисобварақ

** микрокредит ва микроқарз бўйича

*** микролизинг бўйича

Раҳбар имзоси:

_____ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

муҳр _____ (Ф.И.Ш.)

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий
ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ НИНГ

(ташкilotнинг номи)

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи**20__ й «_____» _____ ҳолатига**

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000 + 44200	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	0
130	42100 + 44300	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
140	42300 + 44500	Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
150	45100	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар	0
160	44700 + 44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110 + 120 + 130 + 140 + 150 + 160)	0
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	
220	53101 + 53105 + 54101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105* + 53109 + 53113 + 53117 + 53121 + 53195 + 53196 + 54105 + 54109 + 54113 + 54117 + 54121 + 54195	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210 + 220 + 230 + 240 + 250)	0
310		3. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашгача бўлган соф фойзли даромадлар	0
320	56802 + 56838* + 56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310 – 320)	0
		4. ФОЙЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
420	45217*	Сотиб олинган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар-факторинг	0
430	45400*	Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	0
450		Жами фойзсиз даромадлар (410 + 420 + 430 + 440 + 450)	0
		5. ФОЙЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	0
520	55300* + 55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	0
530		Жами фойзсиз харажатлар (510 + 520)	0
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330 + 460-540)	0
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	0
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	0
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	0
750	56500	Репрезентация ва хайрия	0
760	56600	Эскириш харажатлари	0
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	0
780		Жами операцион харажатлар (710 + 720 + 730 + 740 + 750 + 760 + 770)	0
800	56800 – 56802 – 56838* – 56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600 – 780 – 800)	0
1000		10. Фойда солиғи	0
1010	56902	Фойда солиғини баҳолаш	0
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900 – 1010)	0
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100 + / – 1110)	0

Изоҳ: * микрокредит ташкилотларига тегишли бўлган ҳисобварақ

Раҳбар имзоси:

_____ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

муҳр

_____ (Ф.И.Ш.)

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий
ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____нинг

(ташкilotнинг номи)

Капиталдаги ўзгаришлар
20__ й «_____» _____ ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
100	Ўтган йил охирига тузатишларгача бўлган капитал (30000)	Ўтган йилдаги капитал	0
200		Ўтган йил ҳисоботида акс эттирилмаган капиталдаги тузатишлар, соф	0
300		Тузатишлардан сўнг ўтган йилдаги капитал (100 + 200)	0
400	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (1200 код)	Йил бошидан соф фойда	0
500	30301-30301 (йил бошидаги)	Устав капиталидаги жорий йилдаги ўзгаришлар	0
600	30903-30903 (йил бошидаги)	Захира фондидаги ўзгаришлар	0
700	30905-30905 (йил бошидаги)	Текинга олинган мулкларнинг жорий йилдаги ўзгариши	0
800	30908-30908 (йил бошидаги)	Бошлангич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
900	31701*-31701* (йил бошидаги)	Жорий йилда ўзлаштирилган хайрия ва грантлар	0
1000	Дт 31203, Кт *****	МИНУС: ўтган йил фойдасининг тақсимланган қисми	0
1100	Дт 31206, Кт 29807 ёки 30301	МИНУС: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар	0
1200		Жорий йил капиталига таъсир этган бошқа ўзгаришлар (соф)	0
1300		Жами капитал (300 + 400 + 500 + 600 + 700 + 800 + 900 + 1200-1000-1100)	0

Изоҳ: * микрокредит ташкилотларига тегишли бўлган ҳисобварақ

Раҳбар имзоси:

_____ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

мухр

_____ (Ф.И.Ш.)

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-ИЛОВА

_____ нинг
(ташкilotнинг номи)

Берилган кредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари тўғрисида маълумот
20__ й «__» _____ ҳолатига

Т/р	Мижознинг тўлиқ номи	Берилган кредит (истеъмол, микрокредит, микроқарз, микролизинг) суммаси	Кредит (истеъмол, микрокредит, микроқарз, микролизинг) қолдиғи	Ҳисобланган, тўлаш муддати етиб келмаган фоизлар	Йиллик (ойлик) фоиз ставкаси	Кредит (истеъмол, микрокредит, микроқарз, микролизинг) берилган сана	Кредит (истеъмол, микрокредит, микроқарз, микролизинг) қайтариш санаси
	12401						
	жами						
	12405						
	жами						
	12409						
	...						
	жами						
	Ҳаммаси						

Раҳбар имзоси:

муҳр _____ (ф.и.ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

_____ (ф.и.ш.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

295 Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 февраль,
4/2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
3 февралдаги 4/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини
чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин. Бунда қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида сертификатларга доир битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қоғозда) расмийлаштириш заруратисиз электрон шаклда амалга оширилади. Сертификатларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда тузилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.»

2. 31-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси)» деган сўзлар «(нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 41-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 55-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«г) банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия Марказий банк томонидан чақириб олинганда;».

5. 58-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия Марказий банк томонидан чақириб олинганда;».

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази билан келишилган.

*Давлат рақобат қўмитаси
ҳузуридаги Қимматли қоғозлар
бозорини мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш маркази
Бош директори*

Б. АТАХАНОВ

2018 йил 28 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

296 «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинadиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935-1

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сон «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинadиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1935, 2009 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 191-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан келишилди.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 март,
67-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 март,
2018-68-сон

Келишилди:

**«Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси**

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 29 март

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

298 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкмасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 5 декабрь,
34-сон

А. АЗИЗОВ

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2017 йил 5 декабрь,
27-2017-сон

И. МАДЖИДОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта-
махсус таълим вазирлигининг
2017 йил 5 декабрдаги 34, 27-2017-сон
қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига
«Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул
қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон (бундан буён матнда имтиҳон деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Имтиҳоннинг асосий мақсади абитуриентларнинг танланган фан бўйича билим кўникмалари ва даражасини, уларнинг танланган йўналиши бўйича таълим олиш ва келгусида ишлаш имкониятини белгилайдиган ижодий, жисмоний ва физиологик қобилиятини баҳолашдан иборат.

2. Имтиҳон топшириш учун абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур.

3. Абитуриентлардан имтиҳон қабул қилиш учун ОТМда имтиҳон бошланишидан бир ой олдин имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) ташкил этилади ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишган ҳолда ОТМ ректорининг буйруғи билан қуйидаги таркибда унинг аъзолари тасдиқланади:

комиссия раиси — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати масъул ходими;

комиссия аъзолари:

«Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашни амалга оширувчи ҳарбий таълим факультети (бундан буён матнда факультет деб юритилади) бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари;
факультет ўқитувчилари;
комиссия котиби — факультет ўқитувчиси.

4. Комиссия имтихон ўтказиш жараёнида керакли шароитлар яратилиши, жойларда имтихонларни ўтказиш талабларига қатъий риоя этган ҳолда тегишли равишда ташкил этилиши ва адолатли ўтказилиши, шунингдек улар натижаларининг ҳолислиги учун жавобгар бўлади.

5. Комиссия раиси:

ОТМ ректори билан келишган ҳолда имтихон ўтказиш жойи, куни ва вақти белгиланадиган режа-жадвални (бундан буён матнда режа-жадвал деб юритилади) тасдиқлайди;

комиссиянинг ишини ташкил этади;

комиссиянинг вазифаларини белгилайди;

комиссиянинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

2-боб. Имтихон ўтказиш

6. Имтихон давлат тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 25 июлгача чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури асосида ўтказилади.

7. Имтихон тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

8. Имтихон қуйидаги уч босқичда ўтказилади:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини бажаришни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

9. Абитуриентлар имтихонлар ўтказиладиган жой, кун ва вақт ҳақида имтихон ўтказилишидан олдин огоҳлантирилади.

10. Имтихон ўтказиш жараёнларининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида абитуриентларнинг умумжисмоний тайёргарлигини баҳолаш, ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини бажаришини баҳолаш ҳамда чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш жараёнлари узлуксиз равишда видеоёзувга туширилади.

11. Абитуриентларнинг умумжисмоний тайёргарлигини баҳолаш комиссия томонидан режа-жадвал асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган жойларда мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

12. Абитуриентларнинг ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини бажаришини баҳолаш комиссия томонидан режа-жадвал асосида мазкур Низомнинг 2-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

13. Абитуриентларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражасини баҳолаш тест ўтказиш усули ёрдамида комиссия томонидан режа-жадвал асосида мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

14. Абитуриентларнинг имтихон натижалари бўйича умумий бали уларнинг умумжисмоний тайёргарлигини, ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини бажаришини ҳамда чақирикқача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш натижасида тўплаган балларини қўшиш натижасида аниқланади.

15. ОТМга ўқишга киришда фанлар блокадаги ўринга қараб, имтихонни топширишда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 33,3 фоизидан кам балл тўплаган абитуриентлар давлат тест синовларига киритилмайди.

16. Имтихон яқунлари баллар миқдори сифатида, танлов тартибида имтихон варақасига ва имтихон рўйхатиغا киритилади. Мазкур ҳужжатларнинг ҳар бири комиссия раиси ва ОТМга қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади.

17. Имтихон натижалари Давлат тест марказига ОТМ томонидан 30 июлгача тақдим этилади.

18. Режа-жадвал бўйича имтихонларга келмаган абитуриентлар учун қайта имтихон ўтказилмайди ва улар давлат тест синовларига қўйилмайди.

19. Имтихон натижаларидан норози бўлган абитуриентлар ОТМ ректорининг буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

20. Апелляция комиссияси таркибига комиссия фаолиятида иштирок этмаган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари ҳамда ОТМ ходимлари орасидан тузилади.

21. Имтихон натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари апелляция комиссияси томонидан 26 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.

3-боб. Яқуний қоида

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий
таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда
касбий (ижодий) имтихон ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Абитуриентларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Абитуриентларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига абитуриентлар спорт кийимида ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан келишлари лозим.

4. Абитуриентлар қўйидаги машқларни бажаради:

турникда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

5. Машқлар оралигида абитуриентларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

6. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тутилган оёқларни 45° гача букишга рухсат берилади.

7. Абитуриентларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қўйидагича баҳоланади:

12 маротаба ва ундан кўп тортилганда — 3 балл;

10-11 маротаба тортилганда — 2 балл;

8-9 маротаба тортилганда — 1 балл;

1 — 7 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — 0 балл.

8. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қўйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

9. Абитуриентларнинг 100 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қўйидагича баҳоланади:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — 3 балл;

14,1 — 14,4 сонияда бажарган тақдирда — 2 балл;

14,5 — 15,2 сонияда бажарган тақдирда — 1 балл;

15,3 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — 0 балл.

10. 3000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларида умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

11. Абитуриентларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда куйидагича баҳоланади:

12,40 дақиқа ва ундан камроқ вақт ичида бажарган тақдирда — 4 балл;

12,41 дақиқадан 13,20 дақиқагача бажарган тақдирда — 3 балл;

13,21 дақиқадан 14,00 дақиқагача бажарган тақдирда — 2 балл;

14,01 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — 0 балл.

12. Абитуриентларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш натижалари уларнинг учта нормативда тўпланган баллар йиғиндисидан ташкил топади.

13. Умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган абитуриентларга машқларни такрорий бажаришга рухсат берилмайди.

3-боб. Яқуний қоидалар

14. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган абитуриентларга қайднома расмийлаштирилади.

Мазкур қайдномада абитуриентлар томонидан бажарилган машқлар ва улар учун қўйилган баллар кўрсатилади.

15. Қайднома имтихон ўтказиш бўйича комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларига «Чакириққача ҳарбий
таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда
касбий (ижодий) имтихон ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини бажаришни баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Абитуриентларни ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативи мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Абитуриентларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар, машқларни бажариш тартиби ҳамда ўқ отиш пайтида хавфсизлик чораларига риоя қилиниши имтихон ўтказиш бўйича комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Абитуриентларнинг ўқ отиш тайёргарлиги пневматик милтигидан нишонга аниқ отиш машқини бажариши орқали баҳоланади.

4. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативни бажариш учун абитуриентлар шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан келишлари лозим.

2-боб. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

5. Пневматик милтиғидан нишонга аниқ отиш машқини бажариш шартлари:

қурол — пневматик милтиғ;

ўқ — кўргошинли;

нишон — 8-сон нишон;

оралиқ — 5 метр (нишондан столнинг олд чеккасигача);

ўқлар сони:

3 та синаб кўришга;

5 та назорат учун;

ўқ отиш ҳолати — тик тақаб туриб, столга таянган ёки тик қотган ҳолда;

ўқ отиш учун вақт — чегараланмайди.

Ўқ отиш машқини бажариш қуйидаги тартибда баҳоланади:

5 та назорат ўқи билан 40 ва ундан юқори очко тўпласа — 15,6 балл;

5 та назорат ўқи билан 35 дан 39 очкогача тўпласа — 13,3 балл;

5 та назорат ўқи билан 30 дан 34 очкогача тўпласа — 10,9 балл;

5 та назорат ўқи билан 29 ва ундан паст очко тўпласа — 0 балл.

3-боб. Яқуний қоидалар

6. Абитуриентлар ўқ отиш машқини бажарган нишонни кўздан кечиради, тўпланган очколари билан танишади ҳамда уни имзоси билан тасдиқлайди.

7. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича назорат нормативини топширган абитуриентларга қайднома расмийлаштирилади.

Мазкур қайдномада абитуриентлар томонидан тўпланган очко ва баллар кўрсатилади.

8. Қайднома имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Чақирикқача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Абитуриентларнинг чақирикқача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражаси тест ўтказиш усули орқали аниқланади.
2. Тестни ўтказиш учун имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия томонидан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дастуридан тест саволлари ишлаб чиқилади.
3. Тест саволлари имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия мажлиси баёни билан тасдиқланади.
4. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия раисидан сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.
5. Тест имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия томонидан белгиланган жойда ўтказилади. Бунда тест ўтказиш учун олий таълим муассасалари томонидан алоҳида аудиториялар ажратилади ва ҳар бир аудиторияга олий таълим муассасалари ходимлари орасидан аудитория раҳбари тайинланади.
6. Абитуриентларга тестни ўзлари танлаган тилда топширишини танлаш ҳуқуқи берилади.

2-боб. Тест синовларини ўтказиш

6. Тест синовлари имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия томонидан белгиланган жой, кун ва вақтда ўтказилади.
Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.
7. Тест синовлари ўтказилаётган аудиторияга микрокалькулятор, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.
8. Абитуриентларга тест топшириқларини бажариш учун 50 та тест саволи берилади.
9. Тест саволларини ечиш учун 80 дақиқа вақт берилади. Тест синовларини ўтказишни бошлашдан аввал аудитория раҳбари талабаларга тест синовлари ўтказиш ҳамда жавоблар варағини тўлдириш тартибини тушунтириши учун тест саволларини ечиш учун берилган вақтга кирмайдиган қўшимча 10 дақиқа вақт берилади.

10. Абитуриентларга бериладиган тест саволлари китоб шаклида бўлади ва унинг титул varaғида тест саволлари китобининг махсус коди қўйилади.

11. Ҳар бир тест саволида 4 тадан жавоб варианти берилади. Абитуриентлар тест саволларини ечишда фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

Тўғри жавоб жавоблар varaғига белгиланади. Бунда тест саволида берилган вариантлардан (А, В, С, D) бири хаворанг пастали шарикли ручкадан фойдаланилган ҳолда доирага олиш орқали белгиланади.

Тест саволида фақат битта тўғри жавоб белгиланиши лозим.

Жавобларни белгилашда ўчириш ва тузатишларга ҳамда бир нечта жавобни белгилашга йўл қўйилмайди.

Жавоблар тўғри белгиланиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгиланган абитуриентларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Жавоблар varaғига тест синовлари ўтказилган кун ва аудитория рақами, тест саволлари китобининг махсус коди, аудитория раҳбарининг Ф.И.О., тест саволларига берилган жавобларни текшириш натижалари ва уларни текширган имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия аъзоларининг Ф.И.О. ва имзоси кўрсатилади.

12. Тест синовлари вақтида абитуриентнинг аудиториядан чиқиши тақиқланади, абитуриентнинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.

13. Абитуриентга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

14. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган аудиторияда абитуриентлар, аудитория раҳбари, имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

15. Тест топшириқларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест топшириқларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, абитуриентлар тест материалларини аудитория раҳбарига топширади.

16. Имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия аъзолари тест ўтказилган куннинг ўзида тест саволларига берилган жавобларни текшириб, натижаларни (тўғри ва нотўғри жавоблар сони) шу куннинг ўзида тегишлича, ҳар бир талабанинг жавоблар varaғига ёзиб қўйиши шарт.

17. Тест саволларига берилган ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади.

3-боб. Якуний қоидалар

18. Тест синовлари натижаларини (тўғри ва нотўғри жавоблар сони ҳамда умумий бали) имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия аъзолари томонидан имзоланган, имтиҳон ўтказиш бўйича комиссия раиси томонидан тасдиқланган ҳолда шу куннинг ўзида соат 20:00 гача эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

19. Тест синови натижаларидан норози бўлган абитуриент унга нисбатан қўйилган балларни асослантирувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**299 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1764-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 5 апрелдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2018 йил 26 мартдаги ИЭ/04-346-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1764, 2008 йил 31 январь), шунингдек унга ўзгартиришларни (рўйхат рақами 1764-1, 2011 йил 18 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан мурожаати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 10 декабрдаги 213-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1764, 2008 йил 31 январь) ҳамда 2011 йил 24 июндаги 108-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1764-1, 2011 йил 18 июль) буйруқлари давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбе-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 апрелда эълон қилинган.

кистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 апрель,
212-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

300 «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-1

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 июлдаги 184-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахсларнинг, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳбусларнинг таъминоти меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 8 октябрдаги 12, 16-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1737, 2007 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 апрелда эълон қилинган.

8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 462-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 март,
9-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 март,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда
Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил
15 мартдаги 9 ва 24-сон қарорига
ИЛОВА

**«Жинойт содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган
шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарорнинг муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 2-бандлардаги «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 3 ва 4-бандлардаги «идораларининг» деган сўз «органларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. ВСХни биноларнинг 1 ва 2-қаватларига жойлаштирилишига рухсат этилади.»;

д) 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 45-банддаги «қурилиш меъёрлари қоидалари (кейинги ўринларда — ҚМК) 2.04.01-98 «Биоларнинг ички ичимлик сув (водопровод) ва канализацияси», ҚМК 2.04.03-97 «Канализация. Ташқи тармоғи иншоотлари», ҚМК 2.08.02-96 «Жамоат биолари ва иншоотлар» қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига» деган сўзлар «шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. ВСХни тайёр овқат билан таъминловчи ошхоналар Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.»;

з) 1 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 3-иловада:

«Хўжалик совуни» деб номланган позициянинг «Эркаклар» деб номланган устундаги «200» рақами «250» рақами билан алмаштирилсин;

«Атир совун» деб номланган позициянинг «Эркаклар» деб номланган устундаги «50» рақами «-» белгиси билан алмаштирилсин;

к) 5-иловада:

5 — 7 позициялар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 27-позиция билан тўлдирилсин:

« 27. Амбу қоғи (сунъий нафас олдириш воситаси)	дона	1	»;
---	------	---	----

л) 6-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 12 март

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 12 март

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 12 март

«Жинойят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва кўшимчага
ИЛОВА

«6-ИЛОВА

**Вақтинча сақлаш ҳибсхоналаридаги тиббий пунктлар
(хоналар) учун зарур бўлган дори воситалари ва
тиббий буюмлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Дори воситаларининг (тиббий буюмларнинг) номи	Халқаро патентланган номи	Ўлчов бирлиги	Сони
Дори воситалари				
1.	Адреналин 0,18% 1 ml	Epinephrine	ампула	10
2.	Валидол таблеткаси 0,06	Validolum (Mentol in methylisovalerate)	таблетка	50
3.	Дибазол 1% 1 ml	Benzazole	ампула	20
4.	Папаверин гидрохлорид 2% 2 ml	Papaverine hydrochloridum	ампула	20
5.	Эналаприл таблеткаси 0,01	Enalapril	таблетка	40
6.	Корвалол 25 ml	Comb drug (Bromizovaleric acid, menthae piperita)	флакон	2
7.	Кофеин-бензоат натрий 20% 1 ml	Comb drug (Caffeine, sodium benzoate)	ампула	20
8.	Кордиамин 25% 2 ml	Nikethamide	ампула	10
9.	Лидокаин гидрохлорид 2% 2 ml	Lidocaine	ампула	20
10.	Нитроглицерин 0,0005	Nitroglycerin	таблетка	80
11.	Нитросорбид таблеткаси 0,01	Isosorbide dinitrate	таблетка	50
12.	Строфантин 0,25 мг/1 ml	Quabain	ампула	10
13.	Анальгин 50% 2 ml	Metamizole sodium	ампула	20
14.	Анальгин таблеткаси 0,5	Metamizole sodium	таблетка	20
15.	Ацетилсалициловая кислота 0,5	Acetylsalicylic acid	таблетка	20
16.	Глюкоза 40% 10 ml	Dextrose	ампула	10
17.	Глюкоза 5% 500,0	Dextrose	флакон	10
18.	Натрия хлорид 0,9% 500,0	Sodium chloride	флакон	10
19.	Димедрол 1% 1 ml	Diphenhydramine	ампула	20
20.	Диазолин 0,05	Mebhydrolin	таблетка	20
21.	Супрастин 25 mg	Chloropyramine	таблетка	20
22.	Эуфиллин 2,4% 10 ml	Aminophylline	ампула	10
23.	Магний сульфат 25% 5 ml	Magnesium sulfate	ампула	20
24.	Атропин сульфат 0,1% 1 ml	Atropine sulfate	ампула	10
25.	Но-шпа 40 mg	Drotaverine	таблетка	100
26.	Но-шпа 40 мг/2 ml	Drotaverine	ампула	10
27.	Викаир	Comb drug (Bismut subnitrate, magnesium carbonate)	таблетка	20
28.	Викасол 1% 1 ml	Menadione	ампула	10
29.	Кальций хлорид 10% 10 ml	Calcium chloride	ампула	10
30.	Этамзилат 12,5% 2 ml	Etamsylate	ампула	10
31.	Сульфацил натрий 20% 5 ml	Sulfacetamid	флакон	2

Т/р	Дори воситаларининг (тиббий буюмларнинг) номи	Халқаро патентланган номи	Ўлчов бирлиги	Сони
32.	Ампициллин тригидрат 0,5	Ampicillin	таблетка	50
33.	Тетрациклин гидрохлорид 100 mg	Tetracycline	таблетка	60
34.	Қисқа таъсир этувчи Инсулин	Insulin human	флакон	5
35.	Пролонгир таъсир этувчи Инсулин	Insulin pigs	флакон	5
36.	Лазикс 1% 2 ml	Furosemide	ампула	10
37.	Аммиак эритмаси 10% 10 ml	Ammonia solution dilute	флакон	5
38.	Новокаин 0,5% 5 ml	Procaine	ампула	20
39.	Дексаметазон 4 мг/мл 1 ml	Dexamethasone	ампула	10
40.	Борная кислота 3% спиртли эритмаси 10 ml	Boric acid	флакон	2
41.	Бриллиант яшил 1% 10 ml спиртли эритмаси	Malachite green	флакон	5
42.	Йоднинг 5% 10 ml спиртли эритмаси	Iodine	флакон	5
43.	Водород пероксид 3% 25 ml эритмаси	Perhydrolum	флакон	5
44.	Тиббиёт этил спирти 70% 50 ml	Aethanol	флакон	5
45.	Фурациллин 0,02	Nitrofurazone	таблетка	50
46.	Хлорамин Б 500 gr	Дихлоризоцианид кислотасининг натрийли тузи	kg	5
47.	Кальций гипохлориди	Calcium hydrochloride	kg	100
Тиббий буюмлар				
48.	Стерил бинт 5 m x 10 sm	-	дона	5
49.	Ностерил бинт 7 m x 14 sm	-	дона	5
50.	Стерил пахта 100 gr	-	дона	5
51.	Ностерил пахта 100 gr	-	дона	5
52.	Лейкопластирь 1 x 500, 2 x 500 ёки 1 x 250	-	дона	10
53.	Бактерицидди лейкопластирь	-	дона	10
54.	Докали салфеткалар стерил 45 x 29 sm № 10	-	упаковка	10
55.	Система (бир марталик)	-	дона	50
56.	Шприц 2,0 (бир марталик)	-	дона	50
57.	Шприц 5,0 (бир марталик)	-	дона	50
58.	Шприц 10,0 (бир марталик)	-	дона	50
59.	Инсулин учун шприц (бир марталик)	-	дона	10
60.	Перчатка (латекс) (бир марталик)	-	дона	50

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

301 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2996*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 февраль,
50-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
26 февралдаги 50-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант),
номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш
ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига (бундан буён матнда академик лицей деб юритилади) ўқувчиларни (бундан буён матнда номзод деб юритилади) қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан номзодларнинг орфографик ва пунктуацион саводхонлик даражасини аниқлаш бўйича синов (бундан буён матнда диктант деб юритилади), жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш номзодларни академик лицейга қабул қилишда ўтказиладиган махсус-профессional танловнинг босқичлари ҳисобланади.

2. Махсус-профессional танлов натижаларига кўра номзодни тест синовларини топширишга қўйиш масаласи ҳал этилади.

3. Махсус-профессional танловнинг босқичлари қабул йилининг 1 июнидан 25 июнига қадар ўтказилади.

2-боб. Диктант ўтказиш

4. Номзодларнинг орфографик ва пунктуацион саводхонлик даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган синовда улардан ёзма иш (диктант) олинади.

5. Диктант Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қабул комиссияси (бундан буён матнда

қабул комиссияси деб юритилади) томонидан академик лицей биносида ўтказилади.

6. Диктантнинг мавзулари ва матнлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

7. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

8. Диктант ўтказилаётган аудиторияга китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

9. Диктант бошланишидан олдин қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда рақамланган дафтарлар тарқатилади.

10. Номзод рақамланган дафтарнинг устки қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади.

11. Диктант мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ методика асосида ўтказилади.

12. Номзод диктантни ёзиб тугатгандан кейин ўзининг рақамланган дафтарини қабул комиссияси аъзосига топшириб аудиторияни тарқ этади.

13. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган дафтарларни мутахассисларга текшириш учун топширади.

14. Мутахассислар номзодларнинг ёзган диктантларини шу куннинг ўзида текширади.

15. Аудиторияда номзодларга диктант матнини ўқиб эшиттирган шахс томонидан шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган диктантларини текширишга йўл қўйилмайди.

16. Номзодларнинг ёзган диктантларини текширган шахс мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган баҳолаш мезонларига асосан диктантларни баҳолайди ва ҳар бир рақамланган дафтарга ўзининг имзосини қўяди.

17. Диктант натижалари шу куннинг ўзида академик лицейнинг эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

18. Қабул комиссияси аъзолари номзодларнинг рақамланган дафтарларини қабул комиссияси котибига топширади.

19. Номзодларга диктантни қайта топширишга рухсат берилмайди.

3-боб. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов ўтказиш

20. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган методикада назарда тутилган машқларни бажаришларини текшириш орқали амалга оширилади.

21. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга қабул комиссияси аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

22. Номзодлар жисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда спорт кийимида бўлишлари шарт.

23. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар ўғил болалар ва қиз болалар учун алоҳида белгиланади.

24. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасида назарда тутилган баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади.

25. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари шу куннинг ўзида академик лицейнинг эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

26. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

27. Қайднома қабул комиссиясининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг котибига топширилади.

28. Номзодларга жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовдан қайта ўтишга рухсат берилмайди.

4-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш

29. Якка тартибдаги якуний суҳбат бошланишидан олдин номзодларга қабул комиссияси аъзолари томонидан якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

30. Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган методикага асосан ўтказилади.

31. Якка тартибдаги якуний суҳбат оғзаки шаклда қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодга бериладиган саволларга жавоб бериш орқали амалга оширилади.

Саволлар умумий ўрта таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ 3 та йўналишда ишлаб чиқилади.

32. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

33. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

34. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул комиссияси томонидан коллегиялик принципи асосида ўтказилади.

35. Номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтиш учун аудиторияга 1 нафардан киритилади.

36. Номзодларнинг саволларга берган жавоблари мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

37. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари шу куннинг ўзида академик лицейнинг эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

38. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги қайднома расмийлаштирилади ва қабул комиссияси котибига топширилади.

Қайднома қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

39. Номзодларга якка тартибдаги якуний суҳбатни қайта топширишга рухсат берилмайди.

5-боб. Якуний қоидалар

40. Махсус-профессионал танлов босқичларининг натижаларини қўшиб ҳисоблаганда номзоднинг тўплаган баллари «9» баллдан кам бўлган тақдирда, у махсус-профессионал танловдан ўтмаган ҳисобланади ва тест синовларига қўйилмайди.

41. Махсус-профессионал танлов босқичларининг натижалари қабул комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

42. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги академик

лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

Диктант ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1. Номзодларга ўқиб эшиттириладиган диктант матнининг ҳажми 100 — 120 та сўздан иборат бўлади.

2. Қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант матни бир маротаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.

3. Диктант ёзиш бошланганда қабул комиссияси аъзоси диктант матни ни секин бирма-бир ўқиб беради.

Бунда 1 та гап ўқиб эшиттирилади ва номзод ўқиб эшиттирилган гапни ёзишга киришади.

4. Ўқиб эшиттирилган гапни номзодлар ёзиб бўлганидан кейин ушбу гап қабул комиссияси аъзоси томонидан яна бир маротаба ўқиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Диктантни баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1. Номзодлар томонидан ёзилган диктант «5» баллик тизимда баҳоланади.

Диктант:

1 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «5» балл билан баҳоланади;

2 тадан 4 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «4» балл билан баҳоланади;

5 тадан 10 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «3» балл билан баҳоланади;

11 та ва ундан ортиқ орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «2» балл билан баҳоланади.

Номзод дафтарни диктант ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у «0» балл билан баҳоланади.

2. Қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда диктантдаги хатоликлар 1 та хато деб ҳисобланади:

5 та ўринда «х» ёки «ў» ҳарфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида 6 тагача пунктуацион хатоликка йўл қўйилган бўлса;

қаратқич белгиси 3 тагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

3. Қўйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, «тушунмоқ» сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, «кутулмоқ» сўзи 5 тагача ўринда «кутилмоқ» тарзида қўлланилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Юнусобод — Юнус-обод).

4. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини
аниқлаш бўйича синов ўтказиш
МЕТОДИКАСИ**

1. Қўйидагилар ўғил болалар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

тўсинда (турникда) тортилиш;

100 метрга югуриш;

2000 метрга югуриш.

2. Қўйидагилар қиз болалар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқи;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

3. Қўйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана биров ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк тўсин (турник) поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 2 сониягача давом этиши мумкин).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

4. 100 метрга югуриш машқи юқори ёки қўйи стартдан амалга оширилади ҳамда стадионнинг югуриш йўлакчасида ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

5. 2000 ва 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиклари бир жойда белгиланиши мумкин.

6. Номзод томонидан куч ишлатиш машқини бажаришга 1 дақиқа вақт ажратилади.

7. Қўйидагилар куч ишлатиш машқини бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

8. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовни баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари «5» баллик тизимда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

Машқлар номи	Бажариш кўрсаткичи	Синов натижаларини баҳолаш мезонлари			
		5 балл	4 балл	3 балл	0 балл
Ўғил болалар					
тўсинда (турникда) тортилиш	марта	9	7	5	5 дан кам
100 метрга югуриш	сония	14,5 гача	14,6 дан 15 гача	15,1 дан 15,3 гача	15,3 дан ортиқ
2000 метрга югуриш	дақиқа	9	9,1 дан 9,30 гача	9,31 дан 9,45 гача	9,45 дан ортиқ
Қизлар					
куч ишлатиш машқи	марта	10	8	6	6 дан кам
100 метрга югуриш	сония	16,5 гача	16,6 дан 17 гача	17,1 дан 17,5 гача	17,5 дан ортиқ
1000 метрга югуриш	дақиқа	4,30 гача	4,31 дан 5 гача	5,1 дан 5,15 гача	5,15 дан ортиқ

2. Номзод жисмоний тайёргарлик машқларини бажаргандан сўнг, унга ҳар бир машқ учун қўйилган баллари умумлаштирилиб номзодга ўртача арифметик балл қўйилади. Бунда жисмоний тайёргарлик машқлари учун қўйилган баллар йиғиндиси қуйидагича ҳисобланади:

14 — 15 балл тўплаганда — «5» балл;

11 — 13 балл тўплаганда — «4» балл;

6 — 10 балл тўплаганда — «3» балл;

6 дан кам тўплаганда — «0» балл.

3. Номзод жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда 2 та машқни «0» баллга бажарганда, номзодга «0» балл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги академик

лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини
аниқлаш бўйича синов натижалари юзасидан
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «____» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Машқлар бўйича синов натижалари										Номзоднинг ўртача арифметик бали	
		турникда тортилиш		куч ишлатиш машқи		100 метрга югуриш		2000 метрга югуриш		1000 метрга югуриш			
		қўрсаткичи	балл	қўрсаткичи	балл	қўрсаткичи	балл	қўрсаткичи	балл	қўрсаткичи	балл		
1.													
2.													
3.													
...													

Қабул комиссияси аъзолари: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат бошланишидан олдин қабул комиссияси котиби номзодлар ҳақидаги маълумотларни қабул комиссияси аъзоларига тақдим қилади.

2. Қабул комиссияси аъзолари якка тартибдаги якуний суҳбатга кирган ҳар бир номзодга 3 та савол беради. Бунда ҳар бир йўналиш (3 та йўналиш) бўйича 1 тадан савол берилади.

Номзодга саволлар навбат билан бирма-бир берилади (номзодга 1 та савол берилади ва номзод у саволга жавоб берса ёки жавоб бера олмаса унга навбатдаги савол берилади).

3. Ҳар бир номзодга саволларга жавоб бериш учун 10 дақиқагача вақт берилади.

4. Номзод саволларга белгиланган муддатдан олдин жавоб берса у аудиторияни тарк этади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний суҳбатни баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб қуйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — «5» балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «4» балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «3» балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — «2» балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — «0» балл қўйилади.

2. Номзоднинг саволларга жавобига комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўз баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик бали аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда
ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний
тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка
тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Яқка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

20__ йил «_____» _____

Т/р	Номзоднинг саволларга берган жавобларига қўйилган баллар				
	Номзоднинг Ф.И.О.	1-савол бўйича	2-савол бўйича	3-савол бўйича	Ўртача арифметик балл
1.					
2.					
3.					
...					

Қабул комиссияси аъзолари: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 31 мартдан 6 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/8-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-2.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 17-сон «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2990.

5. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 29 мартдаги 5, 7-сон «Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2991.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 12, 56-сон «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 23 мартдаги 10/9-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 6-2018, 3/ққ, 2-мх, 9-қ/қ, 10, 65-сон «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1832-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 2-2018, 40-сон «Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2992.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018, 33-сон «Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатлари-

ни қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 64, 2018-24, 9-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-3.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/4-сон «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-2.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 февралдаги 4/2-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-4.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 67, 2018-68-сон «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсим-

лаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935-1.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 68, 2018-31-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1441-1.

19. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34, 27-2017-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995.

20. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 212-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1764-2.

21. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 9, 24-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-1.

22. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 26 февралдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2996.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таъли-

ми маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1832, 2008 йил 4 июль), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1832-1, 2010 йил 2 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 3 апрелдаги 200-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 205-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинadиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1935, 2009 йил 6 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 209-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекнефтегаз» МХК коркonalари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1441, 2005 йил 14 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 210-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1764, 2008 йил

31 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1764-1, 2011 йил 18 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 212-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.